



# TA'LIM FIDOYILARI

## RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI

**2022**

PHILOLOGICAL SCIENCES

PEDAGOGICAL SCIENCES

SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES

EXACT SCIENCES

NATURAL SCIENCES

ECONOMICS

ART AND CULTURE

MEDICAL SCIENCES

TECHNICAL SCIENCES



**VOLUME 1**



**ISSN: 2130-2180**



+998 97 277 78 01




[WWW.REANDPUB.UZ](http://WWW.REANDPUB.UZ)



[INFO@REANDPUB.UZ](mailto:INFO@REANDPUB.UZ)





# «TA'LIM FIDOYILARI»

## ILMIY-USLUBIY JURNALI

BARCHA SOHALAR BO'YICHA

**8-SON, 1-JILD AVGUST 2022 1-QISM**





EDITOR IN CHIEF  
ABDURAHMONOV ABDUSHOKIR ABDUKARIMOVICH  
PREPARING FOR PUBLISHING  
HAKIMOVA AZIZA XAYDARALIYEVNA

BOSH MUHARRIR  
ABDURAHMONOV ABDUSHOKIR ABDUKARIMOVICH  
NASHRGA TAYYORLOVCHI  
HAKIMOVA AZIZA XAYDARALIYEVNA

TA'LIM FIDOYILARI  
JILMIY-USLUBIY JURNALI

## TAHRIR KENGASH A'ZOLARI

ABIDOV IBROXIMJON

Namangan muxandislik-texnologiya instituti Kimyo kafedrasi dotsenti

SHODMONKULOV ZOXIR ABDURAXIMOVICH

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institutining «Mashinashunoslik va servis xizmati» kafedrasi katta o'qituvchisi

SHARIPOVA SAODAT TURSUNBAEVNA

Toshkent farmatsevtika institutining “Dori vositalarining sanoat texnologiyasi” kafedrasi dotsent v/b

RAXIMOVA OYGUL RAXIM QIZI

Toshkent farmatsevtika institutining «Dori vositalarining sanoat texnologiyasi» kafedrasi dotsenti

RADJABOV NASIR NASIMOVICH

O'R Jamoat xavfsizligi universiteti Tillarni o'rganish kafedrasi professori

AXMEDOV OYBEK SAPORBAEVICH

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti ingliz tilini o'qitish metodikasi kafedrasi professori, filologiya fanlari doktori

XODJAYEVA NODIRAXON ABDURASHIDOVNA

SamDU, Iqtisodiet fakulteti, iqtisodiy nazariya kafedrasida dotsent

ABDUVALITOV NURJAN BURANOVICH

“Qozoq tili va adabiyoti” kafedrasida katta o'qituvchi

ABDUVALITOV YERGASH BURANEVICH

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti qozoq tili va adabiyoti kafedrasi mudiri

KOSHANOVA BIBIGUL TURGANBAEVNA

Toshkent kimyo-texnologiya instituti noorganik moddalar kimyoviy texnologiyasi kafedrasi kata o'qituvchisi

ILHOMOV ZIYOVUTDIN ADXAMOVICH

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti  
Tarix fanlari nomzodi (dotsent)

MULLAEV DILSHOD AXMATOVICH

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Biologiya kafedrasi dotsent v.b

AZIMOV IBRAGIMJON TOSHPULATOVICH

Toshkent davlat pedagogika universiteti «Biologiya» kafedrasi mudiri

SAIDOVA MARHABO HABIBULLO QIZI

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasi katta o'qituvchisi



**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ИНТЕРНЕТ  
ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ  
ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Хайдаров Миродилжон Мамиржонович**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Магистратураси “Ташкилий-тактик бошқарув”  
йўналиши тингловчиси,\*

Дунёда давлатларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларига, халқаро ташкилотлар ва компанияларнинг маълумотлар базасига, молия институтларининг ахборот-коммуникация технологияларига ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказаётган энг хавфли қилмишлардан бири интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятлар ҳисобланади. Хусусан, интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларни таҳлил қилувчи халқаро Cybersecurity Ventures ташкилоти эксперталарининг фикрича, «дунё бўйлаб ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилмоқда, унинг натижасида Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, 2022 йилда 8 триллион доллар миқдорида дунё давлатлари заарар кўриши мумкин»<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда, ушбу хавфнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва унинг келиб чиқиши сабабларини бартараф қилиш учун интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда киберхавфсизликни таъминлашнинг комплекс асосларини яратиш жиноят ҳуқуки соҳаси учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларнинг бошқа жиноятларга қараганда янада кенг қамровли хусусиятга эга эканлиги, уларнинг бир мамлакат худудидан туриб, иккинчи мамлакат худудида ҳам содир этилиши мумкинлиги, трансчегаравий жиноят ҳисобланиши, кибержиноятчилар учун иқтисодий томондан уни амалга ошириш самарали ва вақт нуқтаи назаридан

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура “Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси.

<sup>1</sup> <https://www.tadviser.ru>.



тезкор аҳамиятга эга эканлиги, бир лаҳзада жуда кўп миқдорда моддий-маънавий зарарни келтириб чиқариши мумкинлиги ва ушбу соҳада ташкилий-ҳуқуқий механизмлар борасида тизимли муаммоларнинг мавжудлиги инобатга олиниб, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда барча дунё давлатлари учун миллий ва халқаро жиноий-ҳуқуқий муносабатларда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга нисбатан жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, киберхавфсизликка оид халқаро нормаларнинг миллий қонунчилик билан ўзаро уйғунлаштириш, давлатларнинг интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга оид жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириш орқали ушбу жиноятларга қарши ялпи курашиш механизмини яратиш ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини йўлга қўйиш ва киберхавфсизликни таъминлашнинг самарали илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини ўрганиш, интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларни



юридик таҳлил қилиш ва бу каби ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлашга оид масалалар комплекс шаклда етарли даражада ўрганилмаган, фақатгина унинг айрим жиҳатлари ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, И.Р.Бегишев киберфирибгарлик жиноятларини, Ҳ.Р.Очилов ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик чораларини, Ш.Фойибназаров, И.И.Аминов, М.М.Мирхаётов кибертерроризм ва кибертерроризмни молиялаштириш жиноятларини, А.А.Исманова киберэкстремизм жиноятларини, И.М.Норбўтаев жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятларни, Н.Ражабова ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва (ёки) ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятларини, А.К.Расулов ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий ва қriminologik чораларини такомиллаштириш йўлларини, У.Ф.Хасанов компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятларини, А.Хаджаев, Н.Юсупова компьютер жиноятларига қарши курашиш йўлларини, Д.Р.Иргашев, М.А.Рахматуллаев блокчейннинг маълумотлар хавфсизлигини ошириши ҳолатини тадқиқ этганлар.

Шунингдек, рус олимларидан К.Н.Евдокимов Россия компьютер жиноятчилигини, Т.Л.Тропина компьютер саботажи жиноятларини, Р.И.Дремлюга Интернет орқали содир этиладиган жиноятларни, В.В.Хилюта киберталончилик жиноятларини, Е.В.Тищенко компьютер жинояти ёки Интернет жиноятчилиги учун жиноий жавобгарлик хусусиятларини, В.О.Голубэв трансмиллий компьютер жиноятчилигига қарши курашиш муаммоларини, С.И.Ушаков компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларнинг амалий ва назарий қоидаларини, Е.Щербак ва Н.Щербак

<sup>2</sup> // lex.uz –Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



компьютер жиноятчилигини квалификация қилиш хусусиятларини, А.А.Данельян хавфсиз кибермаконни яратишнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишган.

Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида комплекс тадқиқотлар М. Маклюэн (Канада), Т.Стоунъер (Буюк Британия), Й. Масуда (Япония), R.Haeni, F.Schreier, B.Wekes, T.H.Winkler (Германия) ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Шунингдек, Nationales Cyber-Abwehrzentrum-NCAZ (Германия), Australian Cyber Security Center-ACSC (Австралия), National Cyber Security Centre (Ирландия), National Cybersecurity Center-NCSC (Буюк Британия), Национальный координационный центр по компьютерным инцидентам-НКЦКИ (Россия), National Cybersecurity Center-NCSC (АҚШ) марказларида, Ўзбекистонда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 14-сентябрдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4452-сон қарори билан ташкил қилинган «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ҳам киберхавфсизлик масалалари ўрганилади<sup>3</sup>.

Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларга таъриф бериш бевосита ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи билан боғлиқ экани, ушбу тушунча технологиянинг ривожига қараб, «глобал тармоқ жиноятчилиги», «компьютер жиноятчилиги», «компьютер билан боғлиқ жиноят», «компьютер орқали жиноят содир этиш», «электрон жиноятчилик» ва «юқори технологиялар жиноятчилиги», «виртуал жиноятчилик» каби тушунчалар мавжуд.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2019-йилдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4452-сон қарори.



Бироқ, Жиноят кодексининг 167-169, 278-1-278-7 -моддаларида назарда тутилган жиноятнинг воситаси ёки предмети бўлган компьютер тизимлари ёки компьютер техникаси тушунчаси бугунги қунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тўлиқ интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятларни қамраб ололмаслиги, хусусан, мобил илова орқали амалга оширилган фирибгарлик жиноятларида мобил илова ўзининг техник имкониятидан келиб чиқиб, компьютер тизими ёки тармоғига кирмаслиги сабабли, жиноят қонунчилигимизни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятлар объектига нисбатан содир этилишига қараб, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодиёт соҳасидаги, ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган кибержиноятларга бўлинади.

Интернет тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар амалга ошириш усулига қўра, иккита катта гуруҳга бўлинади, яъни кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятлар ва кибертехнологияларга қарши қаратилган кибержиноятлар. Буни аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, кибержиноятлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятларга ва ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этиладиган жиноятларга бўлинади. Жиноят кодексининг 103-моддасининг иккинчи қисми «г»-банди, 103-1-моддасининг иккинчи қисми «в»-банди, 167-моддасининг учинчи қисми «г»-банди, 168-моддасининг иккинчи қисми «в»-банди, 169-моддасининг учинчи қисми «б»-банди, 188-1, 244-1, 244-5 ва 278-моддаларида назарда тутилган ижтимоий ҳавфли қилмишлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, Жиноят кодексининг 278-1-278-7-моддаларида назарда тутилган ижтимоий ҳавфли қилмишлар ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этилган кибержиноятлар саналади.

Бугунги қунда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган жиноятчиликда муайян шахснинг ёки обьектнинг географик жойлашган нуқтаси тўғрисида хабар тарқатиш, шахсий маълумотлар базасини бузиб кириш каби хизматлар оммалашган. Хаккерлар бу каби маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан турли электрон ресурсларга уларнинг фойдаланиш шартларини ўқимасдан туриб киришлари эвазига олишмоқда.



Яъни, биз ижтимоий тармоқда дуч келадиган «Неча йил яшайсиз?, «АҚШ президенти сиз ҳақингизда нима дейди?» «Қайси Голливуд актёрига ўхшайсиз» каби хизматлар аслида фишинг бўлиб, сиз улардан фойдаланиш чоғида уларнинг шартига рози бўласиз ва ўзингиз тўғрингиздаги маълумотларни уларга ҳадя қилган бўласиз. Бу маълумотлар эса махфий равишда ташкил этилган йирик «қора ахборот бозорлари»да катта маблағга сотилади.

Бугун тадбиркорлик соҳаси ривожланаётган, олди-сотди муносабатлари рақамли тизимларга қўчаётган бир пайтда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Verizon Data Breach Report таҳлилида ёзилишича, барча кибер хуружларнинг 71 фоизи камида 100 нафар ходим ишлайдиган катта компанияларга уюштирилади. Бу хужумлар муваффақиятли якун топса, «жабрланувчи» муассаса камида 36 000 АҚШ доллари зарап кўради.

Мутахассисларнинг фикрича, агар ҳар бир интернет фойдаланувчisi ва хизмат кўрсатувчилар кибер оламда ҳам ҳаётдаги каби эҳтиёткорликни унумасалар, аксарият кибер жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Пайзиқулов Лазиз Пайзиқул ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Магистратураси “Ташкилий-тактиқ бошқарув”  
йўналиши тингловчиси,\*

Мамлакатимизда суд-ҳукуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг ташкилий-методик, моддий-техник ва кадрларга оид ҳукуқий асослари ҳамда уларни бошқаришнинг ўзига хос тизими шаклланди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда кўча ва жамоат жойларида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари ҳамда жамоатчилик институтлари билан ўзаро узвий ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда<sup>4</sup>.

Бугунги кунда соҳада замонавий иш услубларини, аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларини, ҳамкорлик механизмларини, рақамли технологияларни жорий этиш даражасини ва шахсий таркиб билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш чораларини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Шунингдек, ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура “Ташкилий-тактиқ бошқарув” мутахассислиги тингловчиси.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон 2021 йил 29 ноябрь фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон



жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш белгиланди<sup>5</sup>.

Маълумки, ҳар қандай давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички имкониятлари доирасида ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда таркибий тизимга кирувчи тармоқ хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди<sup>6</sup>.

Ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффофтарида, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонун асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларда яъни Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқи ҳужжатлар ва қўшма қарорларда ички ишлар органлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий асослари белгиланган. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6196-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

<sup>6</sup> Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. фан. номзоди. Дис.-Т., 2008. – Б. 114.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2017. – № 37. – 978-м.



тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони қабул қилинди.

Фармонга биноан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида қўйидагилар белгиланди:

*Биринчидан*, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди. Унга мувофиқ, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуи бўғини ҳисобланиб, унинг негизида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилди;

*Иккинчидан*, ушбу Фармон билан ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Унга мувофиқ қўйидагиларни назарда тутувчи жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш белгиланди: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш; патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш; Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидағи ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш; пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик



механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида куйидагиларни назарда тутувчи янги бошқарув тизими жорий этилди: *биринчидан*, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу худудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланди; *иккинчидан*, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқаруви Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилди.

Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари мазкур Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланди. Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилиши ҳамда унда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар аниқланиши белгиланди.



Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилиб, унга қуйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланди: *биринчидан*, пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш; *иккинчидан*, жиноятлар, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

Шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, яна бир муҳим хужжат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон асосида “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” каби муҳим хужжатлар тасдиқланиб, унда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳукуқшунос олим И. Исмаилов ўз тадқиқотларида бу борадаги ҳамкорликни қуйидаги тўрт йўналишга: а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идораларро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорликка ажратади<sup>8</sup>. Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги кенг қамровли алоқаларни ўз ичига олади ва органларнинг *ташқи ҳамкорлик* йўналиши ҳисобланади.

<sup>8</sup> Исмаилов И. Терроризмга қарши кураш // Қонун ҳимоясида. – 2004. – № 7. – Б. 30–31.



Барча шароитларда ҳам ҳамкорлик қўшма тадбирларни режалаштириш ва ўтказиши, маълумотларни айирбошлиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ва тегишли ташкилотларга тақдим этиш йўли билан амалга оширилади<sup>9</sup>.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини турли шакллари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккига: *ўзаро ахборот алмасиши* ҳамда фаолиятга доир муайян чоратадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-кувватлашда намоён бўладиган *амалий ҳамкорликка* ажратиш мумкин.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ички ишлар органларининг ўртасидаги ўзаро ахборот алмасиши ҳамкорликнинг кенг тарқалган шаклидир. Ички ишлар органларининг ходимлари айнан ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва уни алмасиши асосида ишлаб чиқсан хулосага кўра хукуқбузар ёки хукуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан муносабатда бўлиши, уларнинг тақдирларини белгилаши боис айрим олимлар томонидан ахборот олиш ва унга ишлов беришни ички ишлар органлари фаолиятининг асосий технологияларидан бири дея таъкидланади<sup>10</sup>.

Норматив-хукуқий ҳужжатларнинг таҳлилида кўриш мумкинки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг *принциплари* қўйидагиларда намоён бўлади:

- Конституция ва қонун устуворлиги;
- олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган режа асосида ўтказилиши;
- қуий органларнинг юқори органларга бўйсуниши;
- белгиланган ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
- ҳар қандай масалаларнинг уюшқоқлик ва тезкорлик билан ҳал этилиши.

Назаримизда, ҳозирги кунда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги: *биринчидан*,

<sup>9</sup> Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти. Проф. У. Таджикхоновнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 144.

<sup>10</sup> Криминология / Под ред. Дж. Ф. Шели; Пер. с анг. – СПб., 2003. – С. 465.



биргаликда йўриқномалар ўтказишида; *иккинчидан*, хуқуқбузар ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида ахборотларни ўзаро алмашишида; *учинчидан*, хуқуқбузарликлар жумладан, жиноятларнинг содир этилиш сабаби ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишида; *тўртинчидан*, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасига доир тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишида; *бешинчидан*, илғор тажрибаларни ўзаро алмашишида намоён бўлмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлини самарали ташкил этилиши, *биринчидан*, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шаклларининг, куч ва воситаларининг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегаралангандигига; *учинчидан*, ҳамкорликнинг муҳим шарти бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- биргаликдаги фаолиятнинг субъект, объект ва предмети, умумий мақсад, вазифа ва йўналишларининг мавжудлиги;
- ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам кўрсатиш ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланганлиги;
- ижобий натижаларга эришиш учун интилиш;
- ҳамкорликнинг мукаммал (оптимал), ҳар икки томон учун мақбул шакл ва усусларининг қўлланиши;
- ахборот таъминоти ва таҳлилга эгалиги;



– иштирокчиларнинг ҳамкорликни ташкил этиш учун масъуллиги ва биргаликдаги фаолиятнинг баҳолаб борилишида кўринади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса сифатида қўйидагиларни таъкидлаш лозим:

*биринчидан*, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг хуқуқий ва ташкилий-тактик асосларини такомиллаштириш жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий ҳаттиҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар мунтазам ташкил этиш;

*иккинчидан*, тизимда сифатли хизматни ташкил қилиш мақсадида соҳа ходимларини малакасини ошириш уларда Ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш борасида, ҳар бир ҳудуддаги муҳитни, шунингдек, хуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш, ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини, криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, умумий ўрта таълим муассасаларида ҳамда вояга етмаганлар орасида қонун бузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш;

*учинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишининг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйиш орқали ижобий натижага эришиш;

*тўртинчидан*, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштиришга оид билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.



## IQBOL MIRZO SHE'RIYATIDA DUNYO OBRAZI

Yoqubboyeva Shoxista To'raxon qizi

Andijon davlat universiteti filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi

Telefon: +998994060312

Email: [shoxistayoqubboyeva@gmail.com](mailto:shoxistayoqubboyeva@gmail.com)

**Annotatsiya:** ushbu maqolada O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzo she'riyatida qo'llanilgan dunyo obrazining nimalarga o'xshatilgani va unga berilgan ta'riflar haqida fikrlar yuritiladi. She'rlaridan dunyo obrazi o'xshatilgan misralardan keltirib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** emotsiyonal-ekspressivlik, metafora, o'xshatish, jonlantirish, sifatlash.

O'zbek she'riyatida qalam tebratayotgan ijodkorlar o'ziga xos uslubi, badiiy tasvir vositalarining qo'llanilishi bilan alohida ajralib turadi. Ijodkor qo'llagan metaforalar, sifatlash va jonlantirish kabi vositalar she'rning emotsiyonal-ekspressivligini oshiradi va she'rning kitobxonga tushunilishini yanada osonlashtiradi. O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzo she'riyatining mazmuni o'zining go'zal ifodasi, hech kimnikiga o'xshamagan tashbehlari, yangi shakl va mazmunga ega bo'lган timsollari bilan alohida ahamiyatga ega hisoblanadi.

Ushbu maqolada shoir Iqbol Mirzo she'riyatida qo'llanilgan "dunyo" obrazining nimalarga o'xshatilgani va unga berilgan ta'riflar haqida fikr yuritamiz. "O'zbek tilining izohli lug'ati"da dunyo so'zining "jahon, olam, butun borliq; koinot olam" kabi 10 ga yaqin ma'nolari borligi qayd etilgan.

Iqbol Mirzoning "Sizni kuylayman" she'riy to'plamidan joy olgan "Dunyo" she'rini tahlil qiladigan bo'lsak, dunyo obrazi "chechan kampir", "qishloqi chol", "keksa olim", "nigohini yo'qotgan tolib", "sochlarni parda etgan qiz", "yashin tushib, yonayotgan sham", "o'z yurtida adashgan sayyoh", "dunyodan yuz o'girgan darvish" kabilarga o'xshatilgan. Shoir misralarida bu o'xshatishlarni keltirish orqali o'z davri kitobxonni uchun



yashirin bo'lgan haqiqatlarni yuzaga chiqaradi va berilgan o'xshatishlar orqali she'rning ma'nosini tushunish yanada osonlashadi.

Shoir she'riyatini tahlil qiladigan bo'lsak, dunyo obrazining metaforik ma'noda qo'llangan o'rinalarini ham ko'rishimiz mumkin:

*Ey bilib turgan dunyo, ey kulib turgan dunyo,*

*Shamollardan qamishdek bukilib turgan dunyo.*

*Ko'nglida yuki borga yukinib turgan dunyo,*

Dunyo, mening alamim kimniki, bilgim kelar ("Bilgim kelar" she'ri).

Maqolaning kirish qismida dunyo so'zining izohli lug'atdagi ma'nosini keltirib o'tdik. Ya'ni borliq va koinot so'zlari uning asosiy ma'nolari hisoblanadi. Har kim dunyonи o'zicha tasavvur qiladi: xursand bo'lgan paytda koinot har bir insonning ko'ziga chiroylı ko'rinish ketadi va dunyoda undan baxtliroq odam yo'qdek tuyuladi yoki xafa bo'lgan paytda esa aksincha bo'ladi. She'rdagi qahramon dunyoga savol tarzida murojaat qilgan bo'lib, uning alami kimdan ekanligini dunyodan so'rab bilmoxchi. Shuning uchun ham she'rning birinchi, ikkinchi va uchinchi misralarida dunyo timsoliga tashbehtar orqali murojaat qilgan.

*Huvillagan dunyo, huvillagan qalb,*

Na quvonch, na rayhon, na g'am, na yalpiz...

*Qip-qizil qumlarni kechdim yuz yillab,*

O'zim bilan o'zim yashadim yolg'iz ("Uyg'onish" she'ri).

Berilgan ushbu misralarda dunyo va qalb "huvillagan" bo'lgani uchun bu dunyo va qalbga na quvonch, na rayhon va boshqalar sig'adi. Odam birorta noxush vaziyatga tushib qoladigan bo'lsa, uning ko'ngliga qil ham sig'maydi, ya'ni hech kim bilan gaplashgisi kelmaydi va hech narsa unga yoqmay qoladi. Xuddi shunga o'xhash holatlar yuqoridagi misralarda dunyo obrazi misolida ifodalangan.

Tirnoqlaring tillodan,



Barmoqlaring halvodan.

Man tamshanib o'tarman

*Achchig'i tez dunyodan* ("Oshiq bola" she'ri).

*G'irrom dunyo* aldoviga uchgan manam,

Bu dunyo deb, u dunyodan kechgan manam.

Shaytonlarning qo'lidan may ichgan manam,

Shoirlar bosh chanog'idan kosasi bor ("G'irrom dunyo" she'ri).

Dunyo deganlari g'avg'oli dunyo,

*Aldoqchi va g'irrom savdoli dunyo.*

Muhtojga berolmas, borni ko'rolmas,

Navoiy aytgandek, "yag'moli dunyo".

Teran ildizingdan adashtirmasin,

O'zbekim, o'zingdan adashtirmasin! ("Diyorim" she'ri)

Yuqorida berilgan "G'irrom dunyo" va "Diyorim" she'rlarida dunyo so'ziga "g'irrom" tashbehi qo'llanilgan. G'irrom va aldoqchi dunyo birikmali o'z ma'nosida emas, balki ko'chma ma'noda qo'llangan bo'lib, bu so'zlar orqali qahramonning o'ziga yaqin bo'lgan "do'stlari"ni anglashimiz mumkin. Boylik, mansab va puli borligida yonida bo'lib, omad yuz o'girganda esa yonida bo'lмаган yaqin insonlari tushuniladi. Har qanday vaziyatda uni qo'llab-quvvatlamagan va yordam bermagan insonlaridan ko'ngli qoladi va ularga ishonmaydi. Shunga nisbatan dunyo va undagi odamlarga aldoqchi va g'irrom so'zlari qo'llanilgan.

Xulosa qilib aytganda, Iqbol Mirzo she'riyatida qo'llanilgan har bir obraz va o'xshatishlar o'zining ta'sir ko'lami va kitobxonga estetik ta'sir qilishi bilan e'tiborga loyiqidir. Yuqorida biz shoir she'rlarida qo'llanilgan dunyo obrazi va uning o'xshatishlari,



unga berilgan ta'riflarni ko'rib chiqdik. Dunyo sir-sinoatlarga, kashf etilmagan va kutilmagan turli voqea-hodisalarga boydir. Unda yaxshi-yomon odamlar ham, ezgu va yovuz kuchlar ham, baxt va qayg'u ham hukmronlik qiladi. Bu dunyo sinovli dunyo hisoblanadi. Odamzod yashashi davomida baxtsizlikka, omadga va muvaffaqiyatsizliklarga duch keladi. Xuddi shu narsalarni hisobga olgan holda dunyo obrazi yuqoridagi misralarda har xil usullarda ifodalangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.O'zbek tilining izohli lug'ati. Birinchi jild. – Toshkent. 2006.
- 2.Iqbol Mirzo. Sizni kuylayman. – Toshkent. 2007.
- 3.Iqbol Mirzo. Seni bugun ko'rmasam bo'lmas. – Toshkent. 2005.
- 4.Iqbol Mirzo. Agar jannat ko'kda bo'lsa... - Toshkent. 2010.



## ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Алишер МУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

магистратура тингловчиси

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада терроризм ва диний экстремизмни вужудга келтирувчи асосий омиллар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий, диний ва маънавий асосда вужудга келиши атрофлича ёритилган. Шундан келиб чиқиб, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олишга салбий таъсир этувчи омиллар тўғрисида сўз юритилган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар таснифланган.

**Калит сўзлар:** терроризм, диний экстремизм, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш, таъсир этувчи омиллар.

Алишер МУРОДОВ

Магистрант Академии МВД

Республики Узбекистан

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

## Научный анализ понятия и сущности терроризма

**Аннотация:** В данной статье всесторонне отражены основные факторы, провоцирующие терроризм и религиозный экстремизм в его возникновении на политической, социально-экономической, экономической, религиозной и духовной основе. Соответственно, были классифицированы задачи по устранению негативных факторов, влияющих на предотвращение терроризма и религиозного экстремизма.

**Ключевые слова:** терроризм, религиозный экстремизм, предотвращение терроризма и религиозного экстремизма, влияющие факторы.

Alisher MURODOV

Master's student of the Academy of the Ministry of



*Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

## Scientific analysis of the concept and essence of terrorism

**Abstract:** This article comprehensively reflects the main factors provoking terrorism and religious extremism in its emergence on a political, socio-economic, economic, religious and spiritual basis. Accordingly, tasks were classified to eliminate negative factors affecting the prevention of terrorism and religious extremism.

**Keywords:** terrorism, religious extremism, prevention of terrorism and religious extremism, influencing factors.

Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади – халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишdir.

Энг муҳими – халқимиз ўз ҳаётидан ва давлатидан рози бўлиб яшашини таъминлаш бугун барчамизнинг бош вазифамиздир [1, б. 312-313].

Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёsat олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [2].

Бу эса, ўз навбатида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органларининг жамиятнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, унинг омилларини доимий ўрганиб боришни ва унинг натижаларидан фойдаланиб, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишни такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Терроризмни ва экстремизмни вужудга келтирувчи асосий омилларини сиёсий, ижтимоий-иктисодий, иқтисодий, диний ва маънавий каби турларга бўлиш мумкин.



Унга қарши курашиш стратегик сиёсатининг асосий вазифалари қўйидагилар хисобаланди:

- камбағалликка қарши курашиш дунё иқтисодиёти ўсишининг кафолати хисобланади;
- барқарорлик ва хавфсизликни алоҳида давлатлар, минтақалар ва бутун дунёда ўрнатиш ва уни таъминлаш;
- бағрикенглик шакллантириш ва тоқатсизликка қарши курашиш;
- терроризмга қарши курашиш халқаро ҳаракатларни кучайтириш [3].

Марказий Осиё минтақаси ва Ўзбекистонда терроризмнинг намоён бўлишида ташқи ва ички омиллар муҳим аҳамият касб этиб, унинг ташқи асосий омиллари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) XX асрнинг 70-йилларида «ислом омили»нинг кучайиши;
- 2) Ўзбекистон чегаралари билан туташ бўлган Афғонистонда узоқ давом этаётган диний тусдаги қуролли тўқнашувларнинг мавжудлиги;
- 3) Ўзбекистонда мавжуд бўлган диний мутаассиб кучларнинг хорижий клерикал (жангари диний оқимлар) ташкилотлар томонидан ғоявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланганлиги;
- 4) инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш шиори остида айрим халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг Ўзбекистондаги айрим диний ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаганлиги;
- 5) мустақилликдан кейин рўй берган ғоявий жараёнларнинг диний мафкуравий таҳдидларга шароит яратганлиги;
- 6) сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик муаммоларнинг тўпланиб қолганлиги минтақанинг колектив хавфсизлиги тизимиға кирмаганлиги;
- 7) Шарқ ва Farb манфаатларининг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда тўқнаш келганлиги ва бошқалар.

Шунингдек, терроризм ва диний экстремизмнинг ички омиллари сифатида:

#### 1. Ижтимоий-иқтисодий омиллар:

- а) бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнида аҳолининг турмуш, ижтимоий ҳимояланганлик даражаларининг пастлиги ҳамда жамиятдаги ижтимоий-мулкий табақаланиш;



б) мустақилликнинг дастлабки йилларида жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси ҳисобланган ўрта синфнинг шаклланмаганлиги;

в) ишсизликнинг вужудга келиши, қишлоқ жойларида аҳолининг зич жойлашганлиги ва бошқалар.

## 2. Маънавий-ахлоқий омиллар:

а) шўролар давридаги атеистик сиёsat оқибатлари;

б) диндорлик даражасини намойиш этишга бўлган иштиёқ (миссионерлик)ни намойиш этишга бўлган интилишлар;

в) маънавий соҳадаги чалғитиш, бир тизимдаги қадриятларнинг йўқолиши ва янгиларининг шаклланмаганлиги;

г) тижоратлашув, пулга эътиқод, шахсий манфаатнинг кучайиши;

д) аёлларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги тасаввурнинг патриархал томонга ўзгариши;

е) ёшлар ташкилотларининг етарли даражада фаолият юрита олмаганлиги.

Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда бундай таҳдиднинг юзага келишига қуидагилар сабаб бўлганлигини айтиш мумкин:

– “қайта қуриш” даврида нафақат сиёсий ва иқтисодий инқироз, мафкуравий парокандалик ҳам юзага келган эди. Совет империяси барбод бўлгач эса, мафкуравий бўшлик ўзининг хатарли оқибатларини намоён қилганлиги;

– эътиборли диний уламолар ўрнини мутаассиб кайфиятдаги кишилар эгаллашга интилиб ва улар томонидан ислом асослари бузиб талқин қилина бошланганлиги;

– аҳолининг ислом динига бўлган қизиқишидан фойдаланиб, халқаро экстремистик марказлар томонидан минтақада диний мутаассиблик руҳидаги адабиётларни тарқатиш кенгайганлиги;

– мамлакатимизда дин ниқоби остида фаолият олиб борувчи, аслида, айрим давлатларнинг ғаразли геосиёсий ва геостратегик интилишлари натижаси ўлароқ шаклланган, қўпорувчилик мақсадини кўзлаган турли оқим ва йўналишларга мансуб хорижий даъватчилар ўз ғояларини олиб кира бошлаганлиги;



– минтақа давлатлари чегараларининг мустаҳкам эмаслиги турли экстремистик кучларга наркотрафик, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси орқали молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олишга ва минтақа бўйлаб эркин ҳаракат қилишга замин яратилганлиги ва бошқалар.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган тезкор-қидиув тадбирларини ўтказишнинг методик ва тактик моҳиятини криминалистика ташкил этганлиги сабабли, бу борадаги самарадорликка эришишнинг ягона йўли, унинг ташкилий-хуқуқий жиҳатдан самарадорлигини таъминлашдан иборатdir.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга салбий таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатиб, бу борадаги ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий, иқтисодий, психологик ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Жумладан, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга салбий таъсир этувчи сабаблардан бири, уни аниқлаш, олдини олиш, фош этиш ва бартараф этиш босқичларида объектив маълумотларни олиш билан боғлиқдир. Бу жараёнда олинган маълумотларнинг жиноят ҳодисасига алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим [4, б. 56].

Терроризм ва экстремизм ҳодисаси бошқа жиноятлардан фарқли равища жамият ҳаётининг барча соҳалари билан узвий боғлиқлиги сабабли, унга қарши курашиш, хусусан олдини олишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан олинаётган ахборот ва маълумотлар ҳажми ҳам жуда катта бўлади. Шу сабабли, мазкур ахборот оқимидан тезкор аҳамият касб этадиган маълумотларни тўғри ажратиб олиш ва зарур тезкор-қидиув тадбирларини ўтказиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бу борадаги самарали илмий тавсиялар ишлаб чиқиша, ўз навбатида амалий тажрибаларга асосланиб, назария ва амалиётнинг бирлиги терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураши ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг бошқа соҳавий хизматларидан доимий равища турли мазмундаги маълумотларнинг келиб тушиши мақсаддга мувофиқдир.

Ўз ўрнида, тезкор бўлинмалар бундай маълумотларни йифиши, таҳлил қилиши ва ундан фойдаланишда ташкилий, методик ва замонавий техник базасига эга бўлиши лозим. Шунингдек, терроризмга қарши курашишга ваколатли бўлган давлат органлари билан доимий ҳамкорлик ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши шарт. Бу жараёнда мураккаб вазифаларни турли имкониятларга эга органларни жалб



қилиш, чора-тадбирларни режалаштириш, мувофиқлаштириш ва ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда доимий таҳлилий фаолиятни ташкиллаштиришда муайян қийинчиликларга дуч келинади.

Шу билан бирга, диний-экстремистик ва террорчилик тузилмалари ҳамда улар ўртасидаги алоқаларнинг яширганлиги, жиной ҳаракатларга пухта тайёргарлик, қатъийлик, кескинлик, моҳирлик, жиноят содир этишда тезкорлик, аксарият ҳолларда тезкор ва тергов органларига куролли қаршилик кўрсатиш, сиёсий ва коррупциялашган алоқалар натижасида турли маълумотларнинг ошкор бўлиши ва тарқалиб кетиши, жиноятчилардан жабрланувчи ва гувоҳларнинг зарурий ҳимоялаш чора-тадбирларининг йўқлиги кабилар террорчилик фаолиятини тергов қилиш ва тезкор-қидирив тадбирларини ўтказишга алоҳида таъсир кўрсатмоқда [5, б. 180-181].

Таъкидлаш керакки, ички ишлар органлари фаолиятида сурункали тарзда йўл қўйилаётган қатор камчиликлар сифатида, жойларда тезкор-қидирив ишларини амалга оширишда ходимлар амалий иш тажрибаси этишмаётганлиги, тергов ва тезкор тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жуда паст даражалиги ва кадрлар билан ишлаш масаласидаги муаммолар билан бевосита боғлиқдир.

Масаланинг яна бир жиҳатини алоҳида қайд этиш зарурки, жиноят ишларини фақатгина тергов қилиш ва жиноятчиларни айблаш билан чекланиб қолмасдан, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, омилларини чуқур таҳлил асосида ўрганиш лозим [1, б. 313-319].

Шундай қилиб, терроризмнинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги объектив омилларни кўрсатиш мумкин:

- ташкилий (бошқарув) соҳадаги, яъни терроризм ва экстремизмнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, унинг олдини олишга хизмат қилувчи ахборотни доимий таҳлил қилиш ва зарур тезкор-қидирив тадбирларини самарали ташкил этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишидаги муаммолар;
- тезкорликда ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ахборот тизимидан «онлайн» фойдаланишининг имконияти мавжуд эмаслиги;
- интернет тармоғи воситасида содир этилаётган террорчилик фаолиятининг олдини олиш имкониятлари чекланганлиги;
- ички ишлар органларининг тергов ва тезкор ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг паст даражадалиги ва бошқалар.

Субъектив омилларга:



– ички ишлар органлари ходимларининг терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича касбий билим ва маҳорати етарли эмаслиги;

– тезкор ходимларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўнималари пастлиги;

– терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш қаратилган билимларини янгилаш ва такомиллаштиришга мустақил ҳолда ўрганмасликлари ҳамда малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш ўқув машғулотларига муентазам жалб этилмаслиги билан боғлиқ сабабларни келтириш мумкин.

Шу сабабли, терроризмнинг олдини олишда тезкор ходимларининг касбий билимларини оширишга қаратилган тизимли равишда уларни ўқитиш орқали ҳаракатлар бирлиги ва тезкор-қидирув тадбирлари самарадорлиги ошишига хизмат қиласди. Ушбу омилларни объектив ва субъектив мазмунига кўра кўриб чиқиш ва уларни аниқлаштириш орқали терроризмнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишни ташкил этишга салбий таъсир кўрсатувчи барча омилларни доимий ўрганиш орқали уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида унинг ташкилий-хуқуқий, техник, ижтимоий жиҳатларини такомиллаштириш лозим.

Айниқса, замон талабларига мос тизимларни ички ишлар органлари фаолиятига тадбиқ этиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиб жиноятларни олдини олиш, Интернет тармоғида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг шакллари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳимдир.

### **Адабиётлар рўйхати; Библиографические ссылки; References:**

- Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.:Ўзбекистон. 2017, – 592 б.



2. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисидаги нутқидан [Электрон манба] // URL: <https://kun.uz/news/2019/06/22/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-senatining-20-yalpi-majlisidagi-nutqi>

3. Убайдуллаев К.Н. Современное состояние международного терроризма: проблемы и решения // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – 102-103 б.

4. Сафонов И.И. Организация раскрытия и расследования терроризма: Монография – М., 2004. – 154 с.

5. Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М.: «Щит», 1999. – 216 с.



## ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Алишер МУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

магистратура тингловчиси

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада терроризм ҳодисасининг моҳияти ёритилган бўлиб, “терроризм” тушунчаси юзасидан олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари ва қарашлари, шунингдек миллий ва хорижий қонунчиликда келтирилган таърифлар қиёсий ва тизимли таҳлил қилинган. Терроризмнинг тарихан шаклланган ва замонавий хусусиятлари ўрганилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** террор, терроризм, террористик фаолият, қонунчилик, жавобгарлик.

Алишер МУРОДОВ

Магистрант Академии МВД

Республики Узбекистан

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

## Научный анализ понятия и сущности терроризма

**Аннотация:** В данной статье освещается сущность феномена терроризма, сравнительно и систематически анализируются мнения и взгляды ученых и экспертов на понятие “терроризм”, а также определения, представленные в национальном и зарубежном законодательстве. Изучены исторически сложившиеся и современные аспекты терроризма, разработано авторское описание.

**Ключевые слова:** террор, терроризм, террористическая деятельность, законодательство, ответственность.



Alisher MURODOV

*Master's student of the Academy of the Ministry of  
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

*E-mail: alishermurodov857@gmail.com*

## Scientific analysis of the concept and essence of terrorism

**Abstract:** This article highlights the essence of the phenomenon of terrorism, comparatively and systematically analyzes the opinions and views of scientists and experts on the concept of “terrorism”, as well as definitions presented in national and foreign legislation. The historical and modern aspects of terrorism are studied, the author's description is developed.

**Keywords:** terror, terrorism, terrorist activity, legislation, responsibility.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, терроризм бутунлай янги сифат даражасини касб этди ҳамда ўзида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳолатларни мужассамлаштирганлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса, унга қарши курашиш хусусан, ички ишлар органлари томонидан терроризм ва уни келтириб чиқараётган экстремизмнинг диний кўринишларига қарши курашиш ҳам ўзгаришига сабаб бўлган.

Жумладан, 60-йилларнинг охирига келиб, терроризм таҳди迪 кескин тус олди. 1970-1985-йилларда Европада 3000 яқин, Лотин америкасида – 1573 та, Яқин Шарқда – 1330 та, Шимолий Америкада – 448 та террорчиллик ҳаракатлари содир этилган. 1986 йилдан шу кунга қадар дунё минтақаларида содир этилаётган террорчиллик ҳаракатлари 50 фоиздан 60 фоизга ошиди. Шу билан бирга, террорчиллик ҳаракатлари сони кундан-кунга ошиб бориши, унинг шафқатсиз кўринишлари кучайиб бораётганлиги ҳамда унинг обьектлари одамлар бўлаётганлиги билан аҳамиятлидир [1].

Агар бундан бир неча юз йиллар олдин террорчилар ер шарининг турли жойларида алоҳида-алоҳида бир-биридан батамом ажralган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугун улар ўз фаолиятини минтақавий даражада мувофиқлаштиришга интилмоқдалар. Яъни, бугунги кунда илдизлари инсониятнинг бир неча асрлик



тариҳига бориб тақаладиган қадимги терроризм (протерроризм), мазкур тарихнинг иккинчи даври ҳисобланадиган классик (мумтоз) терроризм ва унинг замирида шаклланган анъанавий терроризм босқичидан фарқли ўлароқ, бутунлай янгича бўлган замонавий терроризм оммавий хусусият касб эта бошлади [2].

АҚШ давлат департаменти маълумотларига кўра, ҳозирда дунёда ҳар йили 650 дан ортиқ бундай ҳодисалар содир этилмоқда. Бу ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир қўркувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган камида иккита кўпорувчилик амалга оширилмоқда, дегани [3].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев: «Айниқса, ҳалқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий начорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда. Ана шундай ўта муракқаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур», – деб таъкидлаган [4, б. 473].

Илмий манбаларда терроризмга таъриф келтирилган. Жумладан, терроризм – сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқотиши ёки қўрқитиши, аҳоли ўртасида вахима ва тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқалар)дир [5].

“Фалсафа” қомусий луғатида эса ушбу ижтимоий ҳодиса “Терроризм, террорчилик – зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Терроризм бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтақа ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган муракқаб феноменидир” [6], деб таърифланган. Бошқа бир луғатда: “Терроризм (лотинча “terror” – қўркув, даҳшат) маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиши ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир” [7, б. 273-274], деб таъриф берилган.

Шунингдек, Франция Фанлар Академияси томонидан XVIII асрда чоп этилган луғатда терроризмни “қўрқитиши тизими” деб таърифлайди. Бошқа гуруҳ олимлар терроризмни “ҳаракат орқали тарғибот” деб атайдилар. Айрим манбаларда эса терроризмга «қўрқитиши сиёсати» дея нисбат берилади. Қўриниб турибдики, террор ва қўркув – эгизак тушунчалардир. Инсонларни қўрқитишдан мақсад эса жамиятда



ваҳима ва саросима, парокандалик ва беқарорлик келтириб чиқаришдир. Демак, аҳолида зўравонлик олдида ҳимоясизлик ҳиссини туғдириш терроризмнинг асосий хусусиятидир [8].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, мазкур ижтимоий-сиёсий ҳодисага хос энг муҳим хусусиятлар: қўрқитиш, даҳшатга солиш, куч ишлатиш, зўравонлик, йўқ қилиш кабилардир. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назардан ҳам терроризм таърифида шунга ўхшаш хусусиятларни кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида назарда тутилишича, портлатишлар, ўт қўйишилар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулкий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят. Мазкур ҳаракатларнинг жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилганлиги, шунингдек, ана шу мақсадларда амалга оширилиши хавфи мавжудлиги ушбу терроризмнинг муҳим жиҳатларини ташкил қиласи.

Терроризм, авваламбор, сиёсий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий-психологик ва бошқа жиҳатларга ҳамда жуда мураккаб кўриниш ва шаклларга эга бўлган, миллий, минтақавий ва халқаро (глобал) хавфсизлик учун борган сайин жиддий хавф туғдириб келаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Бироқ, ҳуқуқда ва умуман олганда, халқаро муносабатлар тизимида ушбу ҳодиса борасида мувофиқлашган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бугунги кунда давлатлар қонунчилигига ҳам терроризмга берилган ягона таърифнинг йўқлигидан далолат беради.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари қонунчилигига терроризмнинг турлича талқин қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

Хусусан, Қирғизистон Республикасининг 2006 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида, терроризм – портлатиш, ўт қўйиши ёки бошқа, инсонлар ҳалок бўлиши таҳдидини ҳосил қилувчи ҳаракатлар, кўп миқдорда зарар етказиш ёхуд жамият учун хавфли бўлган бошқа оқибатларни келтириб чиқариш, мавжуд давлат ҳокимиятини заифлашириш ёки кўпорувчилик мақсадида аҳолини қўрқитиш, ёхуд давлат ҳокимиятини, халқаро, тижорат, жамоат ва бошқа ташкилотларни террорчилар ёки террорчилик ташкилотлари учун фойдали бўлган у ёки бу ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан қайтариш учун мажбурлаш ёки қўрқитиш ҳамда шу мақсадларда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали таҳдид қилиш сифатида белгилаб қўйилган [10].



Туркманистон Республикасининг 2017 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига кўра, терроризм – ҳокимиятни қўлга олиш ва мамлакат конституциявий тузумини куч ишлатиш орқали ўзгартиришни мақсад қилиб олган ҳаракат тактикаси ва сиёсати, жамият хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш, тартибсизлик вазиятини вужудга келтириш ёки ҳокимият органларига террорчилар учун фойдали бўлган қарорлар қабул қилиши учун таъсир ўтказиш ёки уларнинг ғайриқонуний мулкий ва (ёки) бошқа манфаатларини қондиришдир [11].

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, Қозоғистон Республикасининг 1999 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида, терроризм – давлат хавфсизлигини қўпориш учун амалга оширилган, хуқуққа хилоф, жиной жазоланадиган хатти-ҳаракат, давлат органлари томонидан қарор қабул қилишга таъсир ўтказиш ва бошқа террорчилик мақсадларига қўйидаги йўллар билан эришиш:

- давлатнинг стратегик, ҳаётий муҳим обьектларини ва коммуникацияларини, аҳоли ҳаётини таъминлаш тизимини, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларни йўқ қилиш (шикаст етказиш) ёки йўқ қилиш (шикаст етказиш) билан қўрқитиш;

- давлат ҳокимиятидаги ёки бошқа сиёсий фаолиятини тўхтатиш учун ёхуд шундай фаолияти учун қасд олиш мақсадида давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига тажовуз қилиш;

- чет давлат вакилига ёки халқаро ҳимоядан фойдаланувчи халқаро ташкилот ходимига, хизмат биноларига ёхуд халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахснинг транспорт воситаларига хужум қилиш;

- жисмоний шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш;

- шахсни қўлга олиш ва гаров сифатида ушлаб туриш ва Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида ҳамда терроризмга қарши курашга йўналтирилган халқаро хуқуқий актларда кўрсатилган «террорчилик» тушунчасига тўғри келувчи бошқа ҳаракатлар, деб белгилаб қўйилган [12].

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастланиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро



муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитети, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар келтириб чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар “терроризм” сифатида таърифланади.

Шу билан бирга, айрим ҳуқуқшунос олимлар терроризм ҳодисасининг турли белги ва хусусиятлари ҳамда намоён бўлиш жиҳатларидан келиб чиқиб таъриф бермоқда.

Худди шундай ҳолатни хорижий тадқиқотчилар илмий ишларида ҳам кузатишимиш мумкин. Масалан, Россиялик тадқиқотчи Р.Амирокова терроризмни «зўрлик қилиш ёки зўрлик ишлатиш таҳди迪 билан аниқ талабларни қўйиш ҳаракатлари бўлиб, унда зўрлик фуқаролар ва уларнинг турли обьектларига йўналтирилган, мақсадлар эса сиёсий ёки бошқа ҳарактерда бўлиши мумкин», деб тавсифлайди [13].

Шунингдек, В. Кикоть ўз илмий ишида Истроил давлати бош вазири Б.Нетаньяхунинг “терроризм – бу жамиятга қарши сиёсий жиноят. Бу ҳар бир фуқаро ва миллат хавфсизлигига “ўлим ва тартибсизлик” билан таҳдид солувчи уруш ҳолати” деган таърифи билан бирга, Л.Моджоряннинг “терроризм – алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки давлат ташкилотлари томонидан маълум бир сиёсий мақсадларга эришиш учун давлат ва сиёсий арбобларни йўқ қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга йўналтирилган зўрлик ишлатиш ҳаракатлари” [14, б. 118] деган таърифини мисол тариқасида келтиради.

Рус тадқиқотчилари Ю.Гаврилин ва Л.Смирновлар ўз таснифларида, кўлланиладиган усуллардан келиб чиқсан ҳолда жисмоний ва психологик, обьектига кўра селектив ва жамиятга қарши оммавий ёки кўр-кўронга терроризм турларини кўрсатадилар [15, б. 20]. Ю.Францифоров эса, кўрсатиб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, терроризмни олдига кўйган мақсадидан келиб чиқсан ҳолда сиёсий, иқтисодий, миллий ва функционал турларга таснифласа [16], тадқиқотчи В. Кикоть минтақавий хусусиятларига қараб Ғарбий Европа, Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Осиё, Африка ва Америка терроризми сифатида таснифлайди [14, б. 118].

Ҳуқуқшунос олим М.А.Ражабованинг фикрига кўра, террорчиликни фарқлашда ўзига хос хусусият қилмишнинг жамоатчилик, кўпчилик халойиқ олдида амалга оширилишида ифодаланади. Одатда, кўпчилик жиноятларда ошкора содир этиш зарурий белги ҳисобланмайди. Аммо террорчилар ўзларининг жиноий ҳаракатларини



албатта, халқ олдида очик-ойдин содир этиб, ўз талабларини ошкора намоён қиладилар [17].

Бундан ташқари, М.А.Ражабова ўз илмий ишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги терроризм жиноятига берилган таърифни таҳлил қилиб, терроризмнинг бошқа жиноятлардан фарқловчи портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа хавфли усуллар билан содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 155-моддаси ишлаб чиқилганда тушириб қолдирилганлигини кўрсатади ва терроризмни аниқ ифодаловчи бу белгилари қонун моддасида акс эттирилиши керак, деган таклифни билдирган.

Аксарият сиёsatшунослар, жамиятшунослар, ҳукуқшунослар, психологлар, давлат ва жамоат арбобларининг ушбу муаммога оид қатор тадқиқотларида, билдирган фикр-мулоҳазаларида тафовутлар бўлсада, бир масалада яқдилдиirlар, яъни ҳеч қандай сабаб терроризмнинг жиноий моҳиятини оқламайди ва инкор қила олмайди.

Бизнинг назаримизда, терроризм ҳодисасига турлича ёндашувлар асосида берилган таърифлардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан унинг олдини олиш тактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида ушбу ҳодисага тезкор-қидирув нуқтаи назаридан қуйидагича таърифни бериш мумкин: “*терроризм – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиши учун қўрқитиши ёки ваҳимага солиши орқали, хавфсизликка таҳдид соладиган трансмиллий, уюшган жиноий тузилмалар, хорижий давлатларнинг маҳсус хизматлари томонидан хуфёна ташкиллаштириладиган, ижтимоий хавфи юқори бўлган восита ва усуллар, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация ва бошқа технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ҳукуққа хилоф ҳатти-ҳаракатdir*”.

Юқоридагилардан терроризмнинг мураккаб ҳодиса эканлигини ва бугунги кунда ушбу тушунчани тўлиқ қамраб олувчи таърифлар ишлаб чиқилмаганлигини хулоса қилишимиз мумкин.

### Адабиётлар рўйхати; Библиографические ссылки; References:

- Убайдуллаев К.Н. Современное состояние международного терроризма: проблемы и решения. // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш:



Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – 99 б.

2. Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. – Т., 2004. – 20 с.

3. Қамбаров Қ.С., Матёзов Ш.О. Диний экстремизм ва терроризм: тушунчаси ва таҳди迪. // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – 159 б.

4. Ш. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т., 2018. – 592 б.

5. Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.8. – Т., 2004. – 336 б. [Электрон манба] // URL:

[https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston\\_milliy\\_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20T%20harfi.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20T%20harfi.pdf)

6. Фалсафа: Қомусий луғат. – Т. 2004. – 398 б. [Электрон манба] // URL: [https://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Falsafa%20\(qomusiy%20lug'at\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Falsafa%20(qomusiy%20lug'at).pdf)

7. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. “Академия” нашриёти, Тошкент, 2007 й. – 352 б.

8. Ҳожиев Н.М. Терроризмнинг келиб чиқиши ва тарихий илдизлари // Терроризм ва экстремизмга қарши курашда тезкор-қидирув аппаратлар фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 61 б.

9. Таджиханов У. Умумий таҳририда. Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ нашриёти, 2001. – 356 б.

10. Закон Кыргызской Республики “О противодействии терроризму” № 178 от 8 ноября 2006 года [Электрон манба] // URL: <https://www.cisatc.org/1289/135/155/282/7917>

11. Закон Туркменистана “О противодействии терроризму” 25 ноября 2017 года [Электрон манба] // URL: <https://turkmenistan.gov.tm/index.php/ru/post/30197/zakon-turkmenistana-o-protivodeistvii-terrorizmu>

12. Закон Республики Казахстан “О противодействии терроризму” № 416 от 13 июля 1999 года [Электрон манба] // URL: <https://www.cisatc.org/1289/135/155/281/7914>

13. Амирокова Р. Политический терроризм один из уровней политического экстремизма: номзодлик диссертацияси. – Черкесск, 2006. – С. 145.

14. Терроризм: борьба и проблемы противодействия. Учебное пособие / Елизаров И.Е., Казанцев С.Я., Кикоть В.Я., Кофман Б.И., и др.; Под ред.: Кикоть В.Я., Эриашвили Н.Д. - М.: Закон и право, ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 592 с.



15. Гаврилин Ю.В., Смирнов Л.В. Современный терроризм: сущность, типология, проблемы противодействия. Учебное пособие. – М.: ЮИ МВД России, Книжный мир, 2003.– 66 с.

16. Францифоров Ю. Терроризм – преступление против общественной безопасности // История государства и права. –Москва, 2000. –№ 1. – 43 б.

17. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиной-хуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Т., 2002. – 156 б.



Алишер МУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

магистратура тингловчиси

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

## Терроризмни олдини олиш тактикаси тушунчасининг илмий таҳлили

**Аннотация:** Ушбу мақолада терроризмни олдини олиш тактикасининг моҳияти ёритилган бўлиб, олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари ва қарашлари, шунингдек миллий ва хорижий қонунчиликда келтирилган таърифлар қиёсий ва тизимли таҳлил қилинган. Терроризмни олдини олиш тактикаси бўйича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тактика, терроризм, террористик фаолият, терроризмни олдини олиш.

Алишер МУРОДОВ

Магистрант Академии МВД

Республики Узбекистан

E-mail: alishermurodov857@gmail.com

## Научный анализ концепции тактики предотвращения терроризма

**Аннотация:** В данной статье освещается сущность тактики предотвращения терроризма, мнения и мнения ученых и экспертов, а также определения, представленные в национальном и зарубежном законодательстве, носят сравнительный и систематический характер. Разработано авторское определение тактики предотвращения терроризма.

**Ключевые слова:** тактика, терроризм, террористическая деятельность, предотвращение терроризма.



Alisher MURODOV

*Master's student of the Academy of the Ministry of  
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

*E-mail: alishermurodov857@gmail.com*

## Scientific analysis of the concept of terrorism prevention tactics

**Abstract:** This article highlights the essence of terrorism prevention tactics, opinions and opinions of scientists and experts, as well as definitions presented in national and foreign legislation, are comparative and systematic. The author's definition of terrorism prevention tactics has been developed.

**Keywords:** tactics, terrorism, terrorist activity, prevention of terrorism.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг асосий вазифаси сифатида, жиноятларнинг олдини олиш белгиланган бўлиб, ушбу вазифани бажаришда жиноятларнинг содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун комплекс тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Шу ўринда, терроризмнинг олдини олишга қаратилган комплекс тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишда муайян тактика талаб этилади.

Терроризмнинг олдини олиш тактик хусусиятлари, яъни ушбу ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятнинг трансмиллий уюшган жиноий тузилмалар, шунингдек айrim давлатларнинг махсус хизматлари томонидан хуфёна тарзда содир этилишини инобатга олиб, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, чукур таҳлил қилиш асосида террорчилик ташкилотлари фаолиятига чек қўйиш, уларнинг террорчилик режаларини йўқ қилиш ҳамда террорчиларни қўлга олишни самарали ташкил этиш билан боғлиқdir.

Илмий адабиётларда тактика тушунчасига турли ёндашувлар мавжуд. Тактика (мазкур ибора XVIII асрда французча “tactique” сўзидан шаклланган бўлиб, ўз навбатида лотинча “tactica” сўзидан келиб чиқиб, «қўшинларни шакллантириш билан боғлиқ») мавжуд қўшинлар ва кучларни жойлаштириш қобилияти ҳисобланади [1]. Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг умумий қабул қилинган концепциясига мувофиқ, томонлар бир-бирига қаршилик кўрсатган жойда тактика қўлланилади [2].



Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, тезкор-қидирув тактикаси ўз ичига тезкор текширув (ишлов), тезкор комбинация ва бошқа назарий категорияларни қамраб олганлиги таъкидлашса, бошқалари уни алоҳида турдаги жиноятларни фош этишга қаратилган тавсиялар тизими деб атайдилар.

Жумладан, А.Г. Маркушин тактикани тезкор-қидирув тактикасининг умумий қоидалари ҳамда хусусий тактикага ажратишни таклиф қилган. Унинг фикрига кўра, биринчи тури тезкор-қидирув тадбирлари ташкиллаштириш ва амалга ошириш қонуниятларини, иккинчи тури эса, жиноятларнинг турлари бўйича уларнинг олдини олиш ва алоҳида тоифадаги жиноятчиларнинг қидируви бўйича илмий-амалий тавсиялари билан фарқланади [3, б. 287].

Шунингдек, Д.В. Гребельскийнинг фикрига кўра, «тезкор-қидирув тактикаси – ўзгарувчан ва вазиятга тез мослашувчан динамик режанинг категорияси бўлиб, илмий асосланган башорат асосида, тезкор-қидирув вазифаларини бажаришнинг шароит ва мақсадлари ўзариш эҳтимоли бўлганда ички ишлар органлари томонидан бошқа вариандаги хатти-харакатларни бажаришга тайёр бўлишини таъминлаш ҳисобланади» [4].

Шу билан бирга, В.Г. Самойлов тезкор-қидирув тактикасини бир томондан, илмий қоидалар тизими ва унга асосланган тавсиялар ҳамда иккинчи томондан амалий фаолият сифатида ўрганиб, тактикани шакллантиришда тезкор ходимларнинг шахсий тажрибаси, унинг мантиғи, ички ҳис-туйғулари ва тезкор вазиятни баҳолай олиши катта роль уйнашини таъкидлайди [5].

Умуман олганда, бу соҳадаги олимлар томонидан «тезкор-қидирув тактикаси» тушунчасига берилган таърифларда, айрим ўхшашлик ва тафовутлар шунингдек умумий ёндашувлар мавжуд. Яъни, тезкор-қидирув тактикаси – бу тезкор ходимлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш бўйича айрим турдаги тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда ўтказишга қаратилган ҳаракатлардир. Аммо, тадқиқотчининг фикрига кўра, мазкур тушунчаларда тезкор ходимлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш ёки фош этишга қаратилган ҳаракатларнинг қонунийлиги, шунингдек илмий асосланган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари каби асосий элементлари мавжуд эмас.

Мавжуд тушунчаларнинг таҳлили ва жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув тактикаси амалиёти нуқтаи назаридан муаллиф томонидан «тезкор-қидирув тактикаси»га қуйидагича таъриф шакллантирилди: «*тезкор-қидирув тактикаси – тезкор маълумотларни тўплаш ва унинг таҳлили асосида жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-тактик вазифаларни бажарииш*



*мақсадида қонун ва қонуности норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳамда илмий исботланган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари йигиндисидир».*

Шундай қилиб айтиш мумкинки, юқорида тактикага берилган тушунчалар таҳлили ушбу йўналишдаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида, терроризмнинг олдини олиш тактикаси тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «*Терроризмнинг олдини олиш тактикаси – терроризмни тайёрлашда иштирок этаётган шахсларни ва уюшган жиноий тузилмаларни, радикал экстремизмни тарғиб қилувчи ва ёлловчиларни, ўқ-дорилар ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қурол ва ўқ-дорилар етказиб берииш каналлари ҳамда унинг молиявий манбаларини аниқлаш ҳамда террорчилар томонидан ёлланган шахсларни терроризмни содир этишдан қайтариш, унинг олдини олишга қаратилган тезкор маълумотларни тўплаш ва унинг таҳлили асосида қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳамда илмий исботланган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари йигиндисидир».*

Терроризмнинг олдини олиш тактикасига бундай шаклдаги таърифнинг берилиши, ички ишлар органлари тезкор ходимлари томонидан террорчиларнинг мантигини билишда, турли шароитларда ўзларини қандай тутишларини олдиндан англашда, террорчиларнинг кучли ва кучсиз томонларига баҳо беришда, тезкор имкониятлардан фойдаланишининг аниқ тактикасини, уни қўллаш вақтини танлашда ва жиноятчиларнинг қаршилик кўрсатиш эҳтимолининг аниқ варианtlарини белгилашда ҳамда ушбу қарама-қаршиликнинг аниқ усул ва воситаларини қўллашда намоён бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, терроризм ўзини қаерда ва қандай намоён этиши, унга қандай таъриф берилаётганидан қатъи назар, моҳиятида зўравонлик ва куч ишлатишга асосланган турли мақсадлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жамиятда ўзгаришлар кечаётган даврда муайян диний қарашларнинг юксак эмоционал туйғулар орқали инсон психологиясига кўрсатаётган таъсири натижасида бундай салбий ҳодисалар содир бўлиб, уларни бир ҳилда тушунмаслик оқибатида унга қарши курашишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу сабабли, терроризм ҳодисасини доимий тадқиқ этиш, унинг моҳиятини англаш, унинг амалиётда намоён бўлиш шаклларини ўрганиш асосида бу борадаги чора-тадбирларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланиб, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан терроризмнинг олдини олиш тактикасини илмий



асосланган таклиф ва тавсиялар ҳамда илғор тажрибалар асосда тўғри танлашлари ҳамда бу жараённи самарали ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

## Адабиётлар рўйхати; Библиографические ссылки; References:

1. Тактика [Электрон манба] // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Тактика\\_\(значения\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Тактика_(значения))
2. Лукашов В.А. Некоторые аспекты оперативно-розыскной тактики. – М., 1978, № 99. – С. 52.
3. Маркушин А.Г. Оперативно-розыскная деятельность: учебник и практикум для бакалавриата и специалитета / А. Г. Маркушин. – 5-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 342 с.
4. Гребельский Д.В. Теоретические основы и организационно-правовые проблемы оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. – М., 1973. – С. 25.
5. Самойлов В.Г. Оперативно-розыскная тактика органов внутренних дел. – М., 1984. – С. 7-15.



## UMUMTA'LIM MAKTABLARINING BOSHLANG'ICH SINFLARIDA DARSLARNI TASHKIL ETISH TEENOLOGIYALARI

*Toshkent viloyati O'rta Chirchiq tumani 41-  
 umumta'lism maktabi o'qituvchilari  
 Turdiboyeva Dilnavoz va Dusanboyeva Zirohat*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada umumiy o'rta ta'lism maktablarining boshlang'ich sinflarida ona tili va o'qish fanlarini tashkil etish texnologiyalari va dars jarayonida didaktik o'yinlardan foydalananishning samarali jihatlari haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** pedagogik texnologiya, metod, o'quv jarayoni, ona tili, o'qish, yozuv, harf, tovush, didaktik o'yin.

Umumiy o'rta ta'lismning bir bosqichi bo'lgan boshlang'ich ta'lism 1-4-sinflarni o'z ichiga oladi. Milliy dasturlarimizda ta'kidlanganidek, bu bosqichda ta'lismning yangicha tizimini va mazmunini shakllantirish uchun quyidagilar zarur:

- o'quvchilarning qobiliyatlarini va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta'limga tabaqaqlashtirilgan yondashuvni joriy etish;
- ta'lism berishning ilg'or pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy o'quv-uslubiy majmualarini yaratish va o'quv-tarbiya jarayonini didaktik jihatdan ta'minlash.

Mashhur rus olimi K.D.Ushinskiy boshlang'ich maktab o'quv predmetlari tizimida ona tiliga katta ahamiyat berib, uni markaziy va yetakchi predmet hisoblagan. "Ajoyib o'qituvchi bo'lgan ona tili bolaga ko'p narsani o'rgatadi. Bola ikki-uch yil ichida shunchalik ko'p narsa o'rganadiki, ko'p narsa bilib oladiki, 20 yil qunt bilan metodik jihatdan juda to'g'ri o'qiganda ham uning yarmicha o'rgana olmaydi. Ona tilining ulug' pedagogligi ham ana shundadir", - deydi u.

Bu davrning asosiy vazifasi o'quvchilarni maktab, sinf, tartib-intizom qoidalari va o'quv qurollari bilan tanishtirish, nutq o'stirishga oid mashqlar o'tkazib, fonematik eshitishni oshirishdan iboratdir. Mazkur davrning o'zi ham quyidagi 2 bosqichga bo'linadi:

- a) harf o'rganilmaydigan bosqich (1 hafta).
- b) unli tovush va harf o'rganiladigan bosqich (1 hafta). Birinchi bosqichda o'quvchilarga og'zaki va yozma nutq, gap, so'z, bo'g'in va tovushlar, nutqning gaplardan, gaplarning so'zlardan tuzilishi, so'zlarning bo'g'lnarga bo'linishi, bo'g'lnarning tovushlardan tashkil topishi haqida ma'lumot beriladi, tovushlarning unli va undosh tovushlarga ajratilishi o'rgatiladi, ulardan amaliy foydalana bilish ko'nikmalari hosil qilinadi. Bu jarayonda maxsus



nusxalar asosida o'quvchilarning bog'lanishli nutqi ustida ishlanadi. Ularga "Alifbe"da berilgan rasmlar asosida hikoyalar tuzdiriladi. Maktab kutubxonasidagi kitoblardan foydalanib o'zlari bilgan she'r, ertak, hikoya, tez aytish, maqol, topishmoq, xalq ashulalari, alla, qo'shiqlar, latifalardan ayttiriladi.

Bundan tashqari ta'limgar jarayonida yaxshi samara berishi mumkin bo'lgan metodlardan yana biri tayanch so'zlar asosida gap tuzdirishdir. "Alifbe" kitobi sahifalaridagi so'zlarning talaffuzi, ularning o'qilishi va ma'nolari ustida ishslash kabi mashg'ulotlar uyuştiriladi. Bu tarzdagi ishlarning har bir darsda mavzularga bog'liq ravishda izchil davom ettirib borilishi dars samaradorligini oshiradi. Bu bosqichdagi yozuv darslarida o'quvchilar yozuv daftari va yozuv chiziqlari bilan tanishtirilib, harf elementlarini yozishga o'rgatiladi, ularda namunaga qarab grafik xatolarini aniqlash, o'z-o'zini tekshirish, harf oralarining tengligiga rioya qilish, chamalab yozish kabi ko'nikmalar hosil qilinadi. Ikkinci bosqichda esa unli tovush va harflar o'rgatiladi. Bunda quyidagi uch xususiyatni o'quvchilar tomonidan amaliy ravishda puxta egallashlariga erishish lozim:

1. talaffuzda (og'izda) to'siqqa uchramaslik;
2. cho'zib aytishini nazorat qilish;
3. faqat ovozdan tashkil topishi.

Shuningdek, bu bosqichda o'quvchilarni tovush bilan harfni farqlashga o'rgatish ko'zda tutiladi. Ushbu bosqichdanoq tovush va harf o'rtasidagi chegaraga qat'iy rioya qilinadi. Bolalarga tovush haqidagi ma'lumotlar kitob ochtirilmay beriladi. Tovushni ifodalovchi harf ko'rsatilgach, harf ustida ishlanadi. Tovush va harfga oid o'ziga xos xususiyatlar, ya'ni, tovushlarni talaffuz qilamiz, eshitamiz, harflarni yozamiz, ko'ramiz va o'qiyamiz. Bu tushunchalar bolalarga ularning o'zlashtirishlarini hisobga olgan holda sekin-asta tushuntirila boriladi. Alifbo davrini o'rganiladigan tovush-harfning va o'quv materialining murakkablik darajasiga ko'ra 3 bosqichga ajratish mumkin:

1. unli tovush-harflar, ovozdar, sirg'aluvchi undoshlar, o-na, a-na, il, in, bi-lan tuzilishidagi so'zlar o'rganiladigan bosqich.
2. artikulatsiyasi qiyin bo'lgan r, k, v, kabi undoshlar va yo'l-bars, do'st, rasm kabi tuzilishidagi so'zlar o'rganiladigan bosqich.
3. o'rganilganlar takrorlanib, harf birikmalari ng, sh, ch, ikki tovushni ifodalaydigan j, tutuq belgisi (') va jo'ja, jurnal, jirafa, tong, so'ng, bodring, choynak, shudring va shu kabi so'zlarni o'qishga o'rgatiladigan bosqich. Fonetik ishlar sohasida jarangli va jarangsiz undoshchlarni taqqoslashga, ularning so'z ma'nosini farqlashdagi holatini aniqlashga oid mashqlar o'tkaziladi. Masalan, (ziyrak-siyrak, dil-til kabi). Artikulyatsiyasi qiyin bo'lgan undoshchlarning masalan, tong, rang, keng, lab-tish undoshi v, qorishiq undosh ch, jarangli portlovchi j (go'ja) va jarangli sirg'aluvchi j (jurnal) kabilarni o'rganishda tovush



artikulatsiyasiga oid ishlar qiyinlashadi. Asosiy davrning oxirlarida jarangsiz jufti talaffuz qilinadigan undoshli so'zlar masalan, ko'rib-ko'rip, qaytdik-qayttik, aytib-aytip, ketayotib-ketayotip, tortib-tortip, terib-terip, olib-olip, obod-obot, borishdi-borishti, jumladan, qisqa talaffuz qilinadigan i unlii bor so'zlar masalan, bilan-blan, sira-sra, talaffuzda tushib qoladigan undoshli so'zlar: baland-balan, do'st-do's), Toshkent-Toshken, farzand-farzan, daraxt-darax kabilarni yozilgandek o'qish imloni o'rganishga tayyorlaydi. Bular avval orfografik, so'ng orfoepik o'qitiladi. Yuqoridagi kabi so'zlarni o'qish bilan bo'g'inlab o'qish malakasi takomillashadi. O'quvchilar talaffuzi va yozilishida farqlanadigan so'zlarni ham to'g'ri o'qishga o'rghanadilar. Alifbo davrining oxirida o'quvchilar quyidagi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlari zarur:

1. hamma tovushlarni tanishi va har qanday holatda to'g'ri talaffuz qilishi;
2. so'zning bo'g'in-tovush, tovush-harf tahlilini bilishi, so'zdagi tovushlarning izchil tartibini aniqlay olishi, kerakli tovushni so'z va bo'g'inga ajrata olishi;
3. kesma harf va bo'g'inlardan so'z tuza olishi va o'qishi;
4. 2-3 va 4 bo'g'inli so'zlarni yaxlit, adabiy-orfoepik talaffuz bilan o'qishi;
5. gaplarni ohangiga rioya qilib o'qishi;
6. o'zi o'qigan matnning mazmunini tushunib, ongli o'qishi;
7. o'qigan matn mazmunini savollar asosida soddagina qilib qayta hikoyalab berishi;
8. o'qigan matnga sarlavha topa olishi;
9. to'g'ri, tez, ongli va ifodali o'qish malakalariga ega bo'lishi.

Alifbo davri yozuv darslarining vazifasi kichik va bosh yozma harflarni to'g'ri shakllantirish, harflarni to'g'ri ulash, alifbeda o'qigan bo'g'in, so'z va gaplarni namunaga qarab yozish, harf, bo'g'in, so'z, gap diktantlarni yozish ko'nikmasini shakllantirish, izohli, saylanma, ko'rish rasm diktant kabi ta'limi diktant turlarini yoza olishlariga erishish, umuman, grafik malakani shakllantirishdir. Savod o'rgatish jarayonining oxirida bir darsda, agar darsning 2/3 qismi o'qitilsa, 20 tagacha so'z yoza oishlari talab qilinadi. Hozirgi kunda boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning yosh xususiyatlari, savodxonlik darajalari, shaxsiy tabiatiga ko'ra didaktik o'yinlar orqali, evristik suhbatlar loyihalashtirish asosidagi metodlar keng qo'llanilmoqda. Agar o'qitish jarayonida har bir o'quvchi o'zining o'zlashtirish imkoniyati darajasida topshiriqlar olib ishlaganida u yuqori sifat va samaradorlikni ta'minlagan bo'lar edi. Didaktik o'yinli metodlar o'quvchi faoliyatini faollashtirish va jadallashtirishga asoslangan. Ular o'quvchi shaxsidagi ijodiy imkoniyatlarni ro'yobga chiqarsih va rivojlantirishning amaliy yechimlarini aniqlash va amalga oshirishda katta ahamiyatga ega. Didaktik o'yinlarning asosiy turlari: intelektual (aqliy) va harakatli hamda aralash o'yinlardan iborat. Bular o'quvchilarda aqliy, jismoniy, axloqiy, ma'naviy, ma'rifiy,



psixologik, estetik, badiiy, tadbirkorlik, bunyodkorlik, mehnat, kasbiy ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi. Bu metod o'quvchini ichki imkoniyatlarini ishga tushirishga, o'ylashga, erkin fikr yuritishga, muloqotga, ijodkorlikka yetaklaydi. Ayniqsa, unda atrof-muhit, hayotni bilishga qiziqish ortadi, uchragan qiyinchilik, to'siqlarni, qanday yengish va tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantiradi. Ta'lismtarbiya jarayonida asosan o'quvchilarda ta'lism olish motivlarini, ularni turli yo'nalishlardagi qobiliyat va qiziqishlarini oshiradigan, biror kasbga moyilliklarini ko'rsatadigan, didaktik o'yinlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Didaktik o'yinlar nazariy, amaliy, jismoniy, rolli, ishchanlik, va boshqa yo'nalishdagi turlarga ajratiladi. Ular o'quvchilardagi tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, tadqiq qilish, hisoblash, o'lchash, yasash, sanash, kuzatish, solishtirish, xulosa chiqarish, mustaqil qaror qabul qilish, guruh yoki jamoa tarkibida ishslash, nutq o'stirish, til o'rganish, yangi bilimlar olish faoliyatlarini rivojlantiradi.

Umumiy o'yinlar nazariyasiga ko'ra, mavjud barcha o'yin turlarini tasniflashda ularni funksional, mavzuli, konstruktiv, didaktik, sport va harbiy o'yinlarga ajratiladi. Didaktik o'yin turlarini tanlashda, quyidagi mezonlarga rioya qilish yaxshi natijalar beradi:

- ishtirokchilarning tarkibi bo'yicha, ya'ni o'g'il bolalar, qiz bolalar yoki aralash guruhlar uchun o'yinlar;
- ishtirokchilarning soni bo'yicha - yakka, juftlikda, kichik guruh, katta guruh, sinfjamoasi, sinflararo jamoasi va ommaviy tarzdagi o'yinlar;
- o'yin jarayoni bo'yicha - fikrlash, o'ylash, topag'onlik, harakatlar asoslangan, musobaqa va boshqalarga yo'naltirilgan;
- vaqt me'yorি bo'yicha - dars, mashg'ulot vaqtining reja bo'yicha ajratilgan qismi, o'yи maqsadiga erishguncha, g'oliblar aniqlanguncha davom etadigan o'yinlar. Shuni ta'kidlab o'tish lozimki, ta'lism jarayonida uyushtiriladigan didaktik o'yinlar o'quvchilar tafakkurini rivojlantirishda asosiy vosita sanaladi. Unga dam olish yoki vaqt o'tkazish vositasi emas, balki ta'lism beruvchi faoliyat sifatida qarash lozim.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, boshlang'ich ta'limming 1-4 sinflari bola hayotida muhim davrni tashkil qilib, o'quvchining keyingi davrdagi o'qish jarayoniga bo'lgan tasavvurida eng ahamiyatli davrdir. Dars mashg'ulotlari vaqtida har bir o'qituvchi o'z o'quvchisini dars jarayonida faollashtira olsa, bolaning o'qish, o'zlashtirish, bilim, ko'nikma, malakalarni egallash darajasi yuqori ko'rsatkichlarni tashkil etadi.



## Foydalangan adabiyotalar:

1. Avliyakulov N.X. Zamonaviy o'qitish texnologiyalari. -T., 2001.
2. Yo'ldoshev J., Usmonov S. Pedagogik texnologiya asoslari. -T.: O'qituvchi, 2014.
3. Farberman B.L. Ilg'or pedagogik.texnologiyalar.-T.,1999.
4. Saydaxmedov N., Ochilov A. Yangi pedagogik texnologiya moxiyati va zamonaviy loyixasi.-T., 2015



## O`QITISHNI O`RGATISHDA BADIY ASARLARNING ROLI VA ULAR USTIDA ISHLASH JARAYONI

**Annotatsiya:** Bu maqola bugungi kunimizda ta`lim sohasidagi eng muhim masaala hisoblangan o`qitishni o`rgatishda badiy asarlarning roli va ular ustida ishlash jarayoni mavzusiga bag`ishlanib, maqolada o`qish darslarini samarali tashkillashda badiy asarlar, ularning turlari va tahlil qilish usullaridan foydalanishning ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so`zlar:** badiy asar, hikoya, she'r, ertak, masal, maqol, topishmoqlar, hikoya syujeti, nutq, iboralar, idrok, yod olish.

Boshlang'ich sinflarda badiy asar turlaridan hikoya, she'r, ertak, masal, maqol va topishmoqlar amaliy ravishda o`rganiladi. Bulardan tashqari amaliy ilmiy-ommabop maqolalar ham o`qitiladi. Turli janrdagi badiy asarlar qurilishi, stilistik janrlari jihatidan o`ziga xos hususiyatlarga ega bo`lib, o`quvchilarga ta'siri ham har hil bo`ladi. Shunga ko`ra, turli janrdagi badiy asarlarni o`qishda o`qituvchi unga mos usul va jarayonlar tanlashni talab etadi. Hikoya – kichik hajmli badiy asar bo`lib unda kishi hayotidagi ma'lum bir voqeа, hayotning muhim tomonlari umumlashtirilib tasvirlanadi. «Hikoya ko`pincha kishi hayotida bo`lgan bir epizodni tasvir etadi. Uning mazmuni ertakdagidan ortiqroq hayotiydir». Hikoya mazmunan boshlang'ich sinf o`quvchilari uchun mos janr hisoblanadi. Kichik o`quvchilarni qahramonning hatti-harakati, tashqi ko`rinishi, portret tasviri, voqeа-hodisalar haqidagi hikoyalar ko`proq qiziqtiradi. Shuning uchun bolalarni badiy asar turi bo`lgan hikoya bilan tanishtirish uning syujetini tushuntirishga bog`lab olib boriladi.

Boshlang'ich sinflarda hikoyani o`qishga bag`ishlangan izohli o`qish darslarida o`qilgan hikoya mazmunini ochish, lug`at ustida ishlash, o`qilgan matnni qayta hikoyalash asosiy ish turlaridan hisoblanadi. Hikoya mazmunini odatda savollar asosiyda tahlil qilinadi. Bunday savollar qatnashuvchi shahsning hatti-harakati va harakterini tahlil qilishga qaratilgan bo`ladi. Hikoya mazmunini tahlil qilish hamda faktlar, hulosalarni taqqoslash, voqeа-hodisalar, hatti-harakat o`rtasidagi bog`lanishlarni aniqlash va umumlashtirish uchun foydalaniladi. Hikoyani o`qish darsida o`quvchilar ma'nosini tushunmaydigan so`z va iboralar ma'nosini tushuntirish ham muhim, aks holda ular hikoya mazmunini tushuna olmaydilar. So`z ma'nosini tushuntirishga ko`p vaqt sarflanmay, asar mazmunini tushunishda eng zarur bo`lgan so`zni qisqa izoh berish bilan tushuntiriladi. Hikoyani o`qishda hikoya mazmunini tahlil qilish va shu asosiyda o`quvchilar nutqini o`stirish markaziy o`rin egallaydi. Hikoya o`qilgach, o`quvchilar o`ylashi, o`z mulohazalarini aytish uchun tayyorlanishga vaqt berish talab etiladi. O`qilgan asar yuzasidan beriladigan dastlabki savollardan maqsad hikoya bolalarga yoqqan, yoqmaganligi, undagi qaysi qahramonning harakteri bolaga ta'sir etgani, bolalar kim yoki



nima haqida hikoya qilib berishni istashni bilishdan iborat. Shundan keyingina hikoya syujeti, voqeanning yo'nalishini ochishga sharoitni, personajlar harakterini tushunishga niyoyat, asarning asosiy hajmini bilib olishga yordam beradigan savollardan foydalaniladi.

Badiiy asarni tahlil qilishda syujetni to'liq tushuntirishga berilib ketib, qatnashuvchilarga tavsifnama, asar ko'riliши va tilini tahlil qilish kabi ish turlari e'tiboridan chetda qolmasligi lozim. Savollarni odatda, o'qituvchi beradi, ammo asar mazmuni, qatnashuvchi shahslarning hulq-atvorini ochish yo'zasidan o'quvchilarga ham savol to'zdirish juda foydali. Bu usul bolalarga juda yokadi va ishni jonlantiradi, asar mazmunini yahshi tushunish, o'z fikrini izchil bayon qilish malakasini egallash, mazmun va voqealar orasidagi bog'lanishni to'liq esda saqlab qolishda o'quvchilarga yordam beradi. Hikoyani o'quvchilar yahshi o'zlashtirishlari, unda ilgari surilgan g'oyani bilib olishlari uchun matn bilan ishlash jarayonida tanlab o'qish, ma'lum topshiriq bilan qayta o'qish savollariga javob berish, hikoya qismiga o'zlari savol tuzishi, so'z bilan va grafik rasm chizish, reja tuzish, qayta hikoyalashning barcha turlaridan, ifodali o'qishga tayyorlanish kabi ish turlaridan foydalaniladi.

Boshlang'ich sinflarda hayvonlar haqidagi ertaklar ko'proq o'qitiladi. "Hayvonlarning tortishuvi", "Echki bolalari va bo'ri", "Inoq hayvonlar", "It bilan tulki", "Ikki ochko'z ayiqcha" kabi ertaklar aniq hayotiy hikoyalar tarzida o'qitiladi va tahlil qilinadi. Matn bilan ishlashda ham tanlab o'qish savollarga javob berish, o'quvchilarning o'zlari savol to'zib, javob berishlari, so'z bilan va grafika rasm chizish, reja tuzish, qayta hikoyalash, ertak aytish kabi ish turlaridan foydalaniladi. Bu ertaklarda hayvonlarning odatlari tahlil qilinadi, ammo ularni kishilar harakteriga taqqoslash tavsija etilmaydi. Maktab tajribasidan ma'lumki, kichik yoshdagi o'quvchilar ertakdagagi hayvonlar gapirmasligini, tulki va turna bir-biriga mehmonga bormasligini yahshi biladilar, ammo ertaklar dunyosini hayotiy hikoya kabi qabul qiladi. Ertakni o'qib tahlil qilganda, barcha ishlar uning mazmunini yahshi idrok etishga syujet rivojini, qatnashuvchi personajlarning hatti-harakati, o'zaro munosabatlarini to'g'ri tasavvur etishga yo'naltiriladi. Ertak ustida ishslashning ohirgi bosqichida, "Ertakdan sizga juda yoqqan joyini o'qing, Nima uchun yoqqanini aytинг, hayotingizda mana shu ertakdagiga o'hshash voqealar bo'lganligi kabi savol-topshiriqlar yordamida o'quvchilarning ertak hulosasini tushunishlariga erishiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari hayvonlar haqidagi ertaklardan tashhari "Yilbobo", "Yolg'onchi cho'pon", "Kecha, bugun va erta haqidagi ertak" kabi ertaklarni ham o'qiydilar. Ertak ustida ishslashda bolalarni ertak o'qishgagina emas, balki uni aytib berishga o'rgatish ham muhimdir, ertak aytish og'zaki nutqni o'stiradi, bolalar nutqini yangi so'z va iboralar bilan boyitadi. Ona tiliga muhabbatni tarbiyalaydi.

Ertakni o'qish darsning qurilishi quyidagicha bo'lishi mumkin:

- 1) o'quvchilarni ertakni idrok etishga tayyorlaydi;



- 2) ertakni ifodali o'qish, yod aytib berishi;
- 3) ertakni o'quvchilar qanchalik idrok etganliklarini aniqlash maqsadida qisqacha suhbat o'tkazish;
- 4) ertakni qismlarga bo'lib o'qish va tahlil qilish, tasviriy vositalar, sinonim so'zlarni topish, ayrim so'zlarni ma'nolarini tushunish;
- 5) ertakni aytib berishga tayyorlanish;
- 6) ertakni aytib berishga tayyorlanish, ichda o'qish;
- 7) umumlashtiruvchi suhbat;
- 8) ma'lum vazifa bilan ertakni qayta o'qish;
- 9) vazifani tekshirish va yakunlash;
- 10) uuda boshqalarni ham qiziqtiradigan qilib ertakni o'qib berishga tayyorlanish.

Boshlang'ich sinflarda masalni o'rghanishda bolalarni masalni ifodali o'qishga va uning mazmunini qisqa, ba'zan bir necha so'z bilan aytib berishga ayrim qatnashuvchilarning harakterli hususiyatlarini aytib, o'zaro qiyoslashga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Masal ahloqiy mazmuni kinoyaviy obrazlar orqali aks ettiradigan badiiy asardir. U ko'proq she'riy tarzda yoziladi. Masalda inson harakteriga hos hususiyat kinoyaviy obrazlar hayvonlar, jonivorlar va o'simliklar dunyosiga ko'chiriladi. Masalning kirish qismida, ba'zan ohirida qissadan hissa, ya'ni ibratli hulosa chihariladi. Bu o'quvchilarni ahloqiy tomondan tarbiyalashga katta imkon beradi. Masalda fikrning qisqa, lo'nda, chiroyli va ifodali tasvirlanishi tilining o'tkirligi va halqchiligi o'quvchilar nutqi va tafakkurini o'stirishda muhim material hisoblanadi. Masal kichik hajmli, ammo boy mazmunli, tugun, kulminatsion nuqta va echimi bo'lgan kichik pesani eslatadi. U biror voqeа-hodisani qisqa va mazmunli tasvirlashda ajoyib namuna bo'la oladi.

Masalning allegorik mazmuniga to'htalmasdan, bosh personaj obrazini tahlil qilishga kirishiladi. I sinfda bolalar masalni hayvonlar haqidagi ertakka o'hshash kulgili hikoya kabi qabul qilsalar, II sinfdan boshlab ular masaldagi hayvonlarning hatti-harakati, o'zaro munosabatlari ba'zan kishilar ham uchrashini masal ahloqiy bilim beradigan hikoya ekanini, ko'proq she'riy tarzda bo'lishini, unda kishilardagi ayrim kamchiliklar tasvirlanishini bilib ola boshlaydilar. Masal tili ustida ishlaganda, o'quvchilar nutqini boyitish uchun unda ishlatilgan obrazli iboralar, badiiy vositalar o'quvchilarga mustaqil toptiriladi. O'quvchilar o'qituvchi bergen gap yoki iborani masaldagi ibora bilan almashtiradilar.

Xulosa o'mida shuni ta'kidlash joizki, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy bog'liq holda o'stiriladi. Darsda o'qilgan asarni o'quvchilar ongли



tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab etishi uchun analiz, sintez, taqqoslash umumlashtirish kabi logik ishlar qo'llaniladi. O'qilgan asarni tahlil qilishda har hil ish usullaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asarning rejasini tuzadilar. Darslarni shu tarzda olib borish orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qish salohiyatini oshirishga erishish mumkin.

## Foydalaniłgan adabiyotlar:

1. Abdullaeva Q., S Rohmonbekova 2 sinfda o'qish darislari. T., "O'qituvchi" 2004 y., 24-30-42-46-b
2. Tuxtamirzaev N. Nutiq o'stirishda muloqatning roli." Til va Adabiyot ta'limi" jurnali 1991 yil, 9- son 23 – 25 betlar
3. Qo'chqorov K. O'quvchilarning nutq malakasini oshirishda yakkama-yakka ishslash. "Maktabda o'zbek tili va adabiyot o'qitish masalalari." Ilmiy-metodik to'plam. Toshkent, 1993 yil, 19-25 betlar.
4. . O'qish kitobi, 4-sinf uchun darslik. T.: «O'qituvchi» 1998 y, 30-bet.. A'zamov S. Maktab grammatikasi va ilmiy grammatikasi hususida.
5. "Til va adabiyot" jurnali, 1992 yil, 2-son, 32-33 betlar.



## O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNI NUTQINI O'STIRISH USULLARI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR

Toshkent shahar Shayxontohur tumani

180 A- maktab

Boshlang'ich ta'lism fani o'qituvchisi

Saribayeva Muattar Karimberdiyevna

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang'ich sinfda o'qish darslarini samarali tashkillashda muhim bo'lgan jihatlar namunalar asosida yoritilgan. Shuningdek, o'qish darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutq salohiyatini rivojlantirishda qo'llanuvchi metodlar va asosiy talablar aks ettirilgan.

**Kalit so'zlar:** *O'qish metodika, to'g'ri talaffuz, O'qish malakasi, tafakkur, tasavvur, Ongli o'qish, ko'nikma, O'qish texnikasi, o'qish sifati.*

O'qish inson hayotida muhim ahamiyatga ega. O'qish orqali inson borliq, jamiyat haqida bilimga ega bo'ladi, o'qishni bilmagan odamning ko'zi ojiz kishidan farqi yo'q. boshlang'ich sinfda o'qish faoliyati barcha predmet darslarida amalga oshiriladi. Lekin o'qishga o'rgatishning yo'l – yo'riqlarini o'qish metodikasi ishlab chiqadi. O'qish metodikasining kichik yoshdagi o'quvchilarining umumiy rivojlanishi, xususiy metodika sohasidagi yutuqlar borliq fanlar yutugi asosida shakllanib boradi. Masalan, eski maktablarda quruq yod olish metodida o'rganilagan bo'lsa, hozirgi maktablarda o'qish izohli o'qish metodida olib boriladi. Yod olish metodida matndagi so'zlarga izoh berishga, mazmunini tushuntirishga, oqilganini qayta hikoyalashga, umuman olganda, o'qishning ongli bo'lishiga mutlaqo e'tibor berilmagan. Ularda ko'proq to'g'ri talaffuzga, qiroat bilan o'qishga, katta e'tibor berilgan. Shuning uchun, hozir maktablarda o'qish izohli o'qish olib borilyapti. O'qish darslarida o'quvchilar tabiat, jamiyat, unda yashovchi, kishilar hayoti, ularning o'tmishi, hozirgi yashash tarzi, mashhur kishilari haqida, vatanning tabiatini: ob-



havosi, boyliklari, hayvonot dunyosi va boshqalar haqidagi bilimlarni egallaydilar. Sinfda o'qish darslari quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. O'qish malakasini takomillashtirish. O'quvchilarda yaxshi, to'g'ri o'qish sifatlari: to'g'ri tez, ifodali o'qish malakalarini shakllantirish.
2. Bolalarda kitobga muhabbat uyg'otish, kitobdan foydalanishga, undan kerakli bilimni olishga o'rgatish, ya'ni kitob bilan ishlashni biladigan, chuqur fikrlovchi, sermulohaza kitobxonalarini yetishtirish.
3. O'quvchilarni tevarak – atrof, borliq haqidagi bilimlarni kengaytirish, ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirish.
4. O'quvchilarni axloqiy, estetik va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash.
5. O'quvchilarning nutqini va tafakkurini o'stirish.
6. Adabiy tasavvur elementlarini shakllantirish.

Bu vazifalarni bajarishning aniq yo'li, yaxshi o'qish malakalarining sifatlari va ularni takomillashtirish yo'llaridir. Yaxshi o'qish malakalarining sifatlariga to'g'ri, tez, ongli va ifodali o'qish kiradi va ular o'qish darslarida o'zaro bog'liq holda takomillashtiriladi, bu to'rt o'qish sifati bir – biri bilan uzviy bog'liq. Ongli o'qish yaxshi o'qish malakalarining asosiysi hisoblanadi, chunki o'quvchi tez qisqa – o'qiganini anglamasa, bunday o'qish talabga javob bermaydi, o'qiganinitushunmaslikka olib keladi. To'g'ri o'qish ongli o'qishga xizmat qiladi. Tez, to'g'ri, ongli o'qish ifodali o'qishning asosi hisoblanadi. Yaxshi o'qish sifatlarini egallah maktabda barcha predmetlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishning sharti hisoblanadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari to'g'ri talaffuz bilan matn ma'nosini puxta sintez qilishda qiynaladilar. O'qish ko'nikmalarini takomillashtirish uchun asar ustida ishslashni o'qitish bilan birga amalga oshirish zarur. O'qish jarayonida xatolar turli sabablarga ko'ra chiqadi:

1. So'zni talaffuz qilish bilan uning ma'nosini tushunish o'rtasida puxta talaffuz qilishga harakat qiladi. va ma'nosini e'tibordan chetda qoldiradi.



2. So'zlar ko'p bo'ginli (murakkab bo'g'in tuzilishidagi so'zlarni o'qishda), ya'ni sozning tovush tarkibi murakkabligi uchun tez o'qiymen deb xatoga yo'l qo'yadilar.

3. To'g'ri o'qish yorug'likka, matn shriftiga, bolaning ko'rvuv sezgisiga ham bog'liq.

Ongli o'qish 2 xil ma'noda qo'llaniladi:

- O'qish texnikasi,
- O'qish sifati.

Asar qurilishini tushunish ongli o'qishdir.O'quvchining ongli o'zlashtirib o'qigani, uning ifodali o'qiganidan, asar yuzasidan berilgan savollarga javobidan aniqlaniladi.Ongli o'qish bilan ifodali o'qish biri – ikkinchisini taqazo etadi. Ifodali o'qish.Asrani uning g'oyasiga, yozuvchining niyatiga mos ravishda o'qish, asar jozibasini ifodalab, raxon, aniq, to'gri o'qish ifodali o'qish deyiladi. Ifodali o'qish adabiyotni aniq va ko'rgazmali o'qitishning dastlabki va asosiy formasidir. O'qituvchi, ifodali o'qish orqali asar mazmunini va emotsiyonallaigini o'quvchialarga ko'rgazmali ravishda yetkazadi. Intonatsiya – urg'u, temp, ritm, to'xtam, ovozning baland – pastligining yig'indisi.Bular og'zaki nutq elementlaridir.Bu orqali qahramonlarning turli kayfiyatları, ichki kechinmalri ifoda etiladi. Ifodali o'qishni egallashning asosiy shartlari:

1. Nafasni to'g'ri olish va to'g'ri sarflash.
2. Tovushlarni aniq talaffuz qilish, burro gapirish.
3. Adabiy talaffuz normalarini egallash.

Bular ifodali nutqqa ham taaluqli. Ifodali o'qish shartlaridan yana biri ovozning baland – pastligi, yoqimliligi, tinish o'rmini asar mazmuniga mos holda o'zgartira olishlik. O'qish darslari o'quvchilar fikrini va nutqini o'stirish, hamda o'quvchi shaxsini har tomonlama rivojlantiruvchi xususiyatlar bilan boshqa o'quv predmetlari orasida alohida o'rin tutadi. O'qish darslari jarayonida o'quvchilarning o'qish malakalari nakomillashib, to'g'ri, ongli va ifodali o'qish, badiiy asar g'oyasini tushunish qobiliyatları o'sib boradi. "O'qish kitobi"dagi turli janrlarga xos bo'lgan badiiy asarlarni o'qish va ular ustida ishslash



orqali o'quvchilarning borliq, voqelik haqidagi tasavvur – tushunchalari kengayadi. 1-sinfda o'quvchilar ongli, turli va bir me'yorda bo'g'inlab o'qish malakasini egallaydilar. Ayrim nutq tovushlarining talaffuzidagi qiyinchiliklar bartaraf etiladi.

O'quvchilar o'qigan matnlarning mazmunini o'qituvchining yordamchi savollari asosida hamda kichik hajmdagi matn mazmunini unga ishlangan rasmdan foydalanib, so'zlab berishga o'rganib boradilar. 2-sinfda o'quvchilarda so'zni butunicha o'qish malakalari shakllanadi va ongli, to'g'ri, ifodali o'qishga intilish yaqqol seziladi. O'qish tezligi ortadi. Ayrim matnlarni ovoz chiqarmay mustaqil o'qiy boshlaydilar. O'qituvchi rahbarligida o'qilgan matndagi asosiy fikrni aniqlaydilar, undagi ayrim voqe – hodisalarni so'z bilan tasvirlashga o'rganadilar. O'qish va matnni savollar asosida hikoyalashda o'quvchilar nutqining to'g'ri va aniq bo'lishiga, nutqda so'zlardan o'rinni foydalanishlarga e'tibor beriladi. 3-sinfda o'quvchilar so'zlarni butunicha o'qish malakalarini to'la egallab, ongli va ifodali o'qishga ko'proq e'tibor beradilar. O'qilgan matn mazmunini mulohaza qilish, voqealar yo'nalishini aniqlash qobiliyatiga ega bo'ladilar. Bu sinfda o'qilgan asarning badiiy – tasviriy xususiyatlari ustida ishlash davom ettiriladi. 3 – inf o'quvchilariga o'zaro fikr olishuv jarayonida xalq maqollari va obrazli ifodalardan o'rinni foydalanish, adabiy talaffuz normalariga rioya qilishga o'rgatiladi. 4 – sinfda o'quvchilar matndagi so'zlarni butunicha ma'nosiga tushunib to'g'ri o'qish malakalarini to'la egallaydilar.

O'qiganlari mazmunini qayta hikoyalsh, matnni qismlarga bo'lish va soda reja tuzish vazifalarini bajara oladilar. O'qish va gapishtirish jarayonida o'quvchilarning abadiy normalariga rioya qilishlari talab qilinadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari yuqorida belgilangan talablar asosida o'z ishlarini natijasini nazorat qilib borishi kerak. O'qish darslarida darsning asosiy qismini o'quvchilarning o'qishiga ajratish lozim. O'quvchilar turli xildagi aniq topshiriqlar asosida bir necha marta o'qitiladi va o'qish mas'uliyatlari orttiriladi. Boshlang'ich o'qish malakalarini (to'g'ri, tez, ongli, ifodali o'qishni takomillashtirish) bolalarni o'qigan asarlarining adabiy – estetik xususiyatlarini chuqur idrok etish, ularni tasvirklangan voqe – hodisalar mag'zini chaqish, muayyan xulosalar



chiqarishga tayyorlash; Bolalarda yuksak axloqiy sifatlarni va nafosat tuyg'usini tarbiyalash; O'quvchilarni matn ustida ishlash o'rgatish; O'quvchilarning atrof – muhit haqidagi bilimlarini boyitish. Bu vazifalar dasturda berilagan badiiy, ilmiy – ommabop asarlar, jumladan, xalq og'zaki ijodi namunalari asosida amalga oshiriladi. Har bir sinf o'qish dasturi quyidagi bilimlarni o'z ichiga oladi; DTS talabiga ko'ra 1 – sinf o'quvchilari matn ustida ishlash jarayonida quyidagicha ishlarni amalga oshiradilar:

1. O'qilgan matnda nima haqida fikr yuritilayotganligi to'g'risida suhbat o'tkaziladi.
2. O'qilgan adabiy asar namunasining umumiyligi mazmuni aniqlanadi.
3. O'qilganda ishtirok etuvchi shaxslarning xatti – harakatlariga elementlar ravishda baho berishga o'rgatilib boriladi.
4. O'qilgan badiiy asar namunasining tili o'rganiladi.

O'qilganda ishtirok etuvchi qahramonlarning xatti – harakatini, ularni bir – biriga taqqoslash yuzasidan mashq qildiriladi. Matn ustida ishlashning eng ko'p qo'llaniladigan usullaridan biri o'quvchilarning ichida o'qishidir. U yoki bu adabiy asar namunasi yoki ilmiy – ommabop maqolalar o'quvchilarga ichida o'qish uchun topshirishda o'qituvchi matnni o'qitishdan ko'zlangan maqsadga qarab quyidagi topshiriqlarni berishi mumkin.

O'qish, berilgan matn mazmuni bilan tanishish va o'quvchining fikri, nutqi har tomonlama rivojlanishiga yordam beradi.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Boshlang'ich ta'lif bo'yicha Yangi tahrirdagi o'quv dasturi // «Boshlang'ich ta'lif». Jurnali. Toshkent, 2005. - № 5.
2. .A. Zunnunov va boshqalar. Adabiyot o'qitish metodikasi. Toshkent «O'qituvchi», 1992.
3. A.G'ulomov. ona tili o'qitish prinsiplari va metodlari. Toshkent. «O'qituvchi», 1992.



4. .B.Ma'qulova, T.Adashboyev. Kitobim – oftobim (1-sinf uchun sinfdan tashqari o'qish kitobi). Toshkent.: «O'qituvchi», 1999.
5. .B.Ma'qulova, S.Sa'diyeva. Sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari (1-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma). Toshkent. «O'qituvchi», 1997. 1



## O`QITISHNI O`RGATISHDA BADIY ASARLARNING ROLI VA ULAR USTIDA ISHLASH JARAYONI

**Surxondaryo viloyati Muzrabet tumani**

**15-umumi o`rta ta`lim maktabi**

**Boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi**

**Kenjayeva Barno Abdig`aniyevna**

**Annotatsiya:** Bu maqola bugungi kunimizda ta`lim sohasidagi eng muhim masala hisoblangan o`qitishni o`rgatishda badiiy asarlarning roli va ular ustida ishlash jarayoni mavzusiga bag`ishlanib, maqolada o`qish darslarini samarali tashkillashda badiiy asarlar, ularning turlari va tahlil qilish usullaridan foydalanishning ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so`zlar:** *badiiy asar, hikoya, she'r, ertak, masal, maqol, topishmoqlar, hikoya syujeti, nutq, iboralar, idrok, yod olish.*

Boshlang`ich sinflarda badiiy asar turlaridan hikoya, she'r, ertak, masal, maqol va topishmoqlar amaliy ravishda o`rganiladi. Bulardan tashqari amaliy ilmiy-ommabop maqolalar ham o`qitiladi. Turli janrdagi badiiy asarlar qurilishi, stilistik janrlari jihatidan o`ziga xos xususiyatlarga ega bo`lib, o`quvchilarga ta`siri ham har xil bo`ladi. Shunga ko`ra, turli janrdagi badiiy asarlarni o`qishda o`qituvchi unga mos usul va jarayonlar tanlashni talab etadi.

Hikoya – kichik hajmli badiiy asar bo`lib unda kishi hayotidagi ma'lum bir voqeа, hayotning muhim tomonlari umumlashtirilib tasvirlanadi. «Hikoya ko`pincha kishi hayotida bo`lgan bir epizodni tasvir etadi. Uning mazmuni ertakdagidan ortiqroq hayotiydir». Hikoya mazmunan boshlang`ich sinf o`quvchilari uchun mos janr hisoblanadi. Kichik o`quvchilarni qahramonning xatti-harakati, tashqi ko`rinishi, portret tasviri, voqeа-hodisalar haqidagi hikoyalar ko`proq qiziqtiradi. Shuning uchun bolalarni badiiy asar turi bo`lgan hikoya bilan tanishtirish uning syujetini tushuntirishga bog`lab olib boriladi.

Boshlang`ich sinflarda hikoyani o`qishga bag`ishlangan izohli o`qish darslarida o`qilgan hikoya mazmunini ochish, lug`at ustida ishlash, o`qilgan matnni qayta hikoyalash asosiy ish turlaridan hisoblanadi. Hikoya mazmunini odatda savollar asosida tahlil qilinadi. Bunday savollar qatnashuvchi shaxsning xatti-harakati va xarakterini tahlil qilishga qaratilgan bo`ladi. Hikoya mazmunini tahlil qilish hamda faktlar, xulosalarni



taqqoslash, voqea-hodisalar, xatti-harakat o'rtasidagi bog'lanishlarni aniqlash va umumlashtirish uchun foydalaniladi. Hikoyani o'qish darsida o'quvchilar ma'nosini tushunmaydigan so'z va iboralar ma'nosini tushuntirish ham muhim, aks holda ular hikoya mazmunini tushuna olmaydilar. So'z ma'nosini tushuntirishga ko'p vaqt sarflanmay, asar mazmunini tushunishda eng zarur bo'lган so'zni qisqa izoh berish bilan tushuntiriladi. Hikoyani o'qishda hikoya mazmunini tahlil qilish va shu asosida o'quvchilar nutqini o'stirish markaziy o'rın egallaydi. Hikoya o'qilgach, o'quvchilar o'yashi, o'z mulohazalarini aytish uchun tayyorlanishga vaqt berish talab etiladi. O'qilgan asar yuzasidan beriladigan dastlabki savollardan maqsad hikoya bolalarga yoqqan, yoqmaganligi, undagi qaysi qahramonning xarakteri bolaga ta'sir etgani, bolalar kim yoki nima haqida hikoya qilib berishni istashni bilishdan iborat. Shundan keyingina hikoya syujeti, voqeanning yo'nalishini ochishga sharoitni, personajlar xarakterini tushunishga nihoyat, asarning asosiy hajmini bilib olishga yordam beradigan savollardan foydalaniladi.

Badiiy asarni tahlil qilishda syujetni to'liq tushuntirishga berilib ketib, qatnashuvchilarga tavsifnomasi, asar ko'rishi va tilini tahlil qilish kabi ish turlari e'tiboridan chetda qolmasligi lozim. Savollarni odatda, o'qituvchi beradi, ammo asar mazmuni, qatnashuvchi shaxslarning xulq-atvorini ochish yuzasidan o'quvchilarga ham savol tuzdirish juda foydali. Bu usul bolalarga juda yoqadi va ishni jonlantiradi, asar mazmunini yaxshi tushunish, o'z fikrini izchil bayon qilish malakasini egallash, mazmun va voqealar orasidagi bog'lanishni to'liq esda saqlab qolishda o'quvchilarga yordam beradi. Hikoyani o'quvchilar yaxshi o'zlashtirishlari, unda ilgari surilgan g'oyani bilib olishlari uchun matn bilan ishslash jarayonida tanlab o'qish, ma'lum topshiriq bilan qayta o'qish savollariga javob berish, hikoya qismiga o'zlari savol tuzishi, so'z bilan va grafik rasm chizish, reja tuzish, qayta hikoyalashning barcha turlaridan, ifodali o'qishga tayyorlanish kabi ish turlaridan foydalaniladi.

Boshlang'ich sinflarda hayvonlar haqidagi ertaklar ko'proq o'qitiladi. "Hayvonlarning tortishuvi", "Echki bolalari va bo'ri", "Inoq hayvonlar", "It bilan tulki", "Ikki ochko'z ayiqcha" kabi ertaklar aniq hayotiy hikoyalar tarzida o'qitiladi va tahlil qilinadi. Matn bilan ishslashda ham tanlab o'qish savollarga javob berish, o'quvchilarning o'zlari savol tuzib, javob berishlari, so'z bilan va grafika rasm chizish, reja tuzish, qayta hikoyalash, ertak aytish kabi ish turlaridan foydalaniladi. Bu ertaklarda hayvonlarning odatlari tahlil qilinadi, ammo ularni kishilar xarakteriga taqqoslash tavsiya etilmaydi. Maktab tajribasidan ma'lumki, kichik yoshdagi o'quvchilar ertakdagagi hayvonlar gapirmasligini, tulki va turna bir-biriga mehmonga bormasligini yaxshi biladilar, ammo ertaklar dunyosini hayotiy hikoya kabi qabul qiladi. Ertakni o'qib tahlil qilganda, barcha ishlar uning mazmunini yaxshi idrok etishga syujet rivojini, qatnashuvchi personajlarning xatti-harakati, o'zaro munosabatlarini to'g'ri tasavvur etishga yo'naltiriladi. Ertak ustida ishslashning oxirgi bosqichida, "Ertakdan sizga juda yoqqan joyini o'qing, Nima uchun



yoqqanini ayting, hayotingizda mana shu ertakdagiga o'xshash voqealar bo'lganligi kabi savol-topshiriqlar yordamida o'quvchilarning ertak xulosasini tushunishlariga erishiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari hayvonlar haqidagi ertaklardan tashqari "Yilbobo", "Yolg'onchi cho'pon", "Kecha, bugun va erta haqidagi ertak" kabi ertaklarni ham o'qiydilar. Ertak ustida ishslashda bolalarni ertak o'qishgagina emas, balki uni aytib berishga o'rgatish ham muhimdir. Ertak aytish og'zaki nutqni o'stiradi, bolalar nutqini yangi so'z va iboralar bilan boyitadi. Ona tiliga muhabbatni tarbiyalaydi.

Ertakni o'qish darsning qurilishi quyidagicha bo'lishi mumkin:

- 1) o'quvchilarni ertakni idrok etishga tayyorlaydi;
- 2) ertakni ifodali o'qish, yod aytib berishi;
- 3) ertakni o'quvchilar qanchalik idrok etganliklarini aniqlash maqsadida qisqacha suhbat o'tkazish;
- 4) ertakni qismlarga bo'lib o'qish va tahlil qilish, tasviriy vositalar, sinonim so'zlarni topish, ayrim so'zlarni ma'nolarini tushunish;
- 5) ertakni aytib berishga tayyorlanish;
- 6) ertakni aytib berishga tayyorlanish, ichda o'qish;
- 7) umumlashtiruvchi suhbat;
- 8) ma'lum vazifa bilan ertakni qayta o'qish;
- 9) vazifani tekshirish va yakunlash;
- 10) uyda boshqalarni ham qiziqtiradigan qilib ertakni o'qib berishga tayyorlanish.

Boshlang'ich sinflarda masalni o'rghanishda bolalarni masalni ifodali o'qishga va uning mazmunini qisqa, ba'zan bir necha so'z bilan aytib berishga ayrim qatnashuvchilarning xarakterli xususiyatlarini aytib, o'zaro qiyoslashga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Masal axloqiy mazmuni kinoyaviy obrazlar orqali aks ettiradigan badiiy asardir. U ko'proq she'riy tarzda yoziladi. Masalda inson xarakteriga xos xususiyat kinoyaviy obrazlar hayvonlar, jonivorlar va o'simliklar dunyosiga ko'chiriladi. Masalning kirish qismida, ba'zan oxirida qissadan hissa, ya'ni ibratli xulosa chiqariladi. Bu o'quvchilarni axloqiy tomondan tarbiyalashga katta imkon beradi. Masalda fikrning qisqa, lo'nda, chiroyli va ifodali tasvirlanishi tilining o'tkirligi va xalqchiligi o'quvchilar nutqi va tafakkurini o'stirishda muhim material hisoblanadi. Masal kichik hajmli, ammo boy mazmunli, tugun, kulminatsion nuqta va echimi bo'lgan kichik pyesani eslatadi. U biror voqealari qisqa va mazmunli tasvirlashda ajoyib namuna bo'la oladi.



Masalning allegorik mazmuniga to'xtalmasdan, bosh personaj obrazini tahlil qilishga kirishiladi. I sinfda bolalar masalni hayvonlar haqidagi ertakka o'xshash kulgili hikoya kabi qabul qilsalar, II sinfdan boshlab ular masaldagi hayvonlarning xatti-harakati, o'zaro munosabatlari ba'zan kishilar ham uchrashini masal axloqiy bilim beradigan hikoya ekanini, ko'proq she'riy tarzda bo'lishini, unda kishilardagi ayrim kamchiliklar tasvirlanishini bilib ola boshtagdilar. Masal tili ustida ishlaganda, o'quvchilar nutqini boyitish uchun unda ishlatilgan obrazli iboralar, badiiy vositalar o'quvchilarga mustaqil toptiriladi. O'quvchilar o'qituvchi bergen gap yoki iborani masaldagi ibora bilan almashtiradilar.

Xulosa o'mida shuni ta'kidlash joizki, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun u tafakkur bilan uзвиy bog'liq holda o'stiriladi. Darsda o'qilgan asarni o'quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab etishi uchun analiz, sintez, taqqoslash umumlashtirish kabi logik ishlar qo'llaniladi. O'qilgan asarni tahlil qilishda har xil ish usullaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asarning rejasini tuzadilar. Darsslarni shu tarzda olib borish orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qish salohiyatini oshirishga erishish mumkin.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

6. Abdullaeva Q., S Rohmonbekova 2 sinfda o'qish darislari. T., "O'qituvchi" 2004 y., 24-30-42-46-b
7. Tuxtamirzaev N. Nutiq o'stirishda muloqatning roli." Til va Adabiyot ta'limi" jurnali 1991 yil, 9- son 23 – 25 betlar
8. Qo'chqorov K. O'quvchilarning nutq malakasini oshirishda yakkama-yakka ishslash. "Maktabda o'zbek tili va adabiyot o'qitish masalalari." Ilmiy-metodik to'plam. Toshkent, 1993 yil, 19-25 betlar.
9. . O'qish kitobi, 4-sinf uchun darslik. T.: «O'qituvchi» 1998 y, 30-bet.. A'zamov S. Maktab grammatikasi va ilmiy grammatikasi hususida.
- 10."Til va adabiyot" jurnali, 1992 yil, 2-son, 32-33 betlar.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура “Ташкилий-тактик” йўналиши 4-гуруҳ тингловчиси капитан Саипов Одилжон Токтабаевич

## Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолияти объектлари билан боғлиқ масалалар таҳлили

**Аннотация:** Мақолада хукуқбузарликлардан виктимологик профилактикаси объектлари тушунчаларини илмий муомилага киритиш зарурати асослантирилган. Шунингдек, бу борада муаллиф томонидан хукуқбузарликларнинг барваҳт виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда аниқ ва манзилли ёндашиш заруратидан келиб чиқсан ҳолда хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объектлари таснифи ҳамда уларнинг бир-биридан фарқли бўлган туб моҳиятини очиб таклифлар асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** жабрланувчи, виктимлик, хукуқбузарлик, профилактика, виктимологик профилактика.

Хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ички ишлар органлари бўлинмаларининг фаолиятини самарадорлигини ошириш учун албатта уларнинг фаолияти аниқ объектларга йўналтирилган бўлишини талаб этади.

Хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси обьекти сифатида жабрланувчи тушунчасига виктимологик жиҳатдан ёндошиш мухим бўлиб, жабрланувчи деганда фақатгина жиноят ва маъмурий хукуқбузарликдан расман жабрланувчи сифатида тан олинган шахс эмас, балки ҳали жабрланиб улгурмаган, бироқ ғайриижтимоий хулқ-атвори, қонунга хилоф қилмиши туфайли реал хавф остида қолган шахсни ҳам ваколатли орган мансабдор шахсининг расман жабрланувчи сифатида тан олиши ёки олмаслигидан қатъий назар жабрланувчи сифатида эътироф этиш мумкин.

Одам савдосидан жабрланган шахс одам савдоси оқибатида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрган шахс ёки шундай зарар етказиш реал хавфи остида қолдирилган шахс[69; 290-б]<sup>11</sup> деб тушунилиши тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд.

<sup>11</sup> Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-хукукий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2016. – Б.290.



Тадқиқотимизда назарда тутилганидек, жабрланувчи доирасини виктимологик нуқтаи назардан ҳар хил салбий ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар (табиий иқлим шароити, табиий ва техноген вазиятлар, сув тошқини, зилзилалар, кўчкилар, жамият ва давлат ривожланишидаги бекарорликлар ва бошқа ҳолатлар)дан жабрланганлар ҳисобига кенгайтириш мумкин.

Юқорида келитирилганидек, жабрланувчи тушунчаси назарияда нисбатан кенгроқ талқин қилинсада, ҳуқуқ соҳасида ва амалиётда ишлатиладиган жабрланувчи ва ҳуқуқбузарликдан (жиноят ва маъмурий) жабрланувчи тушунчаларининг доираси чегараланган бўлиб, улар ўзаро алоқадор. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, жабрланувчи, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи, деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради” (ЖПК 54-м). Ушбу таърифни ишлаб чиқишида қонун чиқарувчи ЖКнинг 14-моддаси 2-қисми талабларини инобатга олмаган шунингдек, виктимологик жиҳатдан ўрганилганда жиноятларнинг ҳамда улардан жабрланувчиларнинг латентлиги ҳам ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, жабрланувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади (МЖтК 295-м.)<sup>12</sup>. Ушбу тушунчада ҳам бироз ноаниқлик мавжуд бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилиши мантиқан тўғридир.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчасига берилган таърифни янада

<sup>12</sup> Изоҳ: содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилган бўлиши лозим.



такомилаштириш зарурияти мавжуд. Чунки, ушбу тушунча жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсни англатиб, жабрланувчилар доирасини бироз чегаралайди.

Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объектлари турли хуқуқшуносалар назарида умуман бошқачароқ талқин қилинганларини ҳам учратиши мумкин. Масалан, Мошицкая Е.Ю. тадқоқотларида виктимологик профилактика объектлари сифатида потенциал ва виктимлашган жабрланувчилар келтирилган[139; 19-б]<sup>13</sup>. Потенциал ва виктимлашган жабрланувчилар бирламчи жабрланувчилар сифатида эътироф этилади[121;30-б]<sup>14</sup>.

Бизнингча потенциал ва виктимлашган жабрланувчи эмас, балки ҳар иккаласининг ўрнига жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахс деган атамани ишлатиши тўғрироқ бўлади. Чунки, бир қатор тадқиқотларда (А.Н. Красиков, Д.В. Ривман, Л.В.Франк ва бошқ.) бевосита жиноят натижасида шахсга реал зарар етказилган ҳоллардагина бундай шахсларни жабрланувчилар тоифасига киритиш мумкин деган ғоя илгари сурилган[109; 26-б]<sup>15</sup>. Жиноят натижасида одам ўлими юзага келганда эса жабрланувчининг хуқуқлари унинг яқин қариндошларидан бирига ўтган ҳолатлардагина, яқин қариндош қонунга кўра жабрланувчи деб топилиши мумкин[48; 245-б; 111; 218-б]<sup>16</sup>. Ҳақорат билан боғлиқ хуқуқбузарликларда эса агар ҳақорат оиласа қаратилган бўлса, оила аъзолари жабрланувчи ҳисобланади[123; 30-б]<sup>17</sup>. Демак, хуқуқбузарликнинг турига кўра унинг жабрланувчилари доираси кенгайиши ёки қисқариши мумкин.

<sup>13</sup>Мошицкая Е.Ю. Виктимологическая характеристика сексуального насилия несовершеннолетних (по материалам Иркутской области) /Афтефер. дисс.–И.: 2004. –С.19.

<sup>14</sup>Будякова Т.П. Виктимологическая профилактика преступлений, причинивших моральный вред // дисс. канд.юрид.наук. – ЕЛЕЦ., 2009. – С. 30.

<sup>15</sup> Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб., 2002. – С.26.

<sup>16</sup>Калашникова Н.Я. Расширение прав потерпевшего в уголовном судопроизводстве<sup>1</sup> // Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законодательстве Союза ССР. М., 1959. С. 245.; Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т. 1. М., 1970. С. 218.

<sup>17</sup>Будякова Т.П. Виктимологическая профилактика преступлений, причинивших моральный вред // дисс. канд.юрид.наук. – ЕЛЕЦ., 2009. – С. 30.



Шундай экан, юқридаги таҳлилларга асосланган ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчасини қўйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ ва мантиқан тўғридир.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи - бу ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги натижасида жисмоний, маънавий ҳамда мулкий зарар кўрган ёхуд ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида шундай зарар кўриш реал хавфи остида қолдирилган шахсдир. Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчасига берилган мазкур таърифни сўровга жалб этилганларнинг 82 фоизи маъқуллаган.

Тадқиқотларда профилактик чора-тадбирлар амалга ошириладиган шахслар доираси профилактиканинг турларига боғлиқлиги ҳам таъкидланган. Масалан, виктимологик профилактика – одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли (хавфи) юқори бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилади[70; 181-б]<sup>18</sup>. Мазкур ҳолатда тадқиқотчи ўз фикрини баён этишда индивидуал даражада ёндошган. Ваҳоланки, бир гурух тадқиқотчилар виктимологик профилактиканинг обьекти жабрланувчилар билан чегараланмайди, балки унга одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар, шунингдек одам савдосидан жабрланишни келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда сабаб-шароитлар[111;13-б; 46;62–69-б; 64; 33-б]<sup>19</sup> ҳам тааллуқли эканлигини эътироф этишган. Зеро, жамиятда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлишга мойил одамлар қанчалик кам бўлса, шунингдек, улардаги виктимлик даражаси паст бўлса, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида самара бериши мумкин[148]<sup>20</sup>.

Бошқа бир тадқиқотда эса юқоридагилардан фарқли равишда виктимологик профилактика обьектлари 3 та гурухга: а) ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атворли шахслар

<sup>18</sup>Фазилов И.Ю., Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқукий ва криминологик муаммолари: Монография. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 181;

<sup>19</sup>Ривман Д.В. Криминальная виктимология. СПб.: Питер, 2002. С. 13; Задорожный В.И. Виктимологическая профилактика преступлений: организационно-управленческий и правовой аспекты: Монография. М.: Академия управления МВД России, 2005. С. 62-69.; Сидоренко Э.Л. Отрицательное поведение потерпевшего и уголовный закон. СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. С. 33.

<sup>20</sup> Надтола С.В. Виктимологические аспекты профилактики насильтственных преступлений. Автореф. Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1999 (Nadtoka S.V. Victimological aspects of prevention of violent crimes. Abstract. Diss. ... Cand. the faculty of law sciences'. – M., 1999).



(айбли виктимлик); б) алоҳида шахсий хусусиятларга эга шахслар (айбиз виктимлик); в) потенциал қурбон бўлишни тақазо этувчи виктим омилларга ажратади[124; 118-б]<sup>21</sup>. Ҳукуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг обьектлари борасидаги ушбу фикрларга қисман қўшилиш мумкин. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, юридик адабиётларда виктимологик профилактиканинг умунижтимоий даражадаги обьекти сифатида барча фуқаролар (индивидул виктимлигининг даражасидан қатъий назар) бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд[168]<sup>22</sup>. Бу шундай маънони билдирадики, давлатнинг ўзига хос хусусиятлари (жойлашувчи, олиб бораётган сиёсати, криминаллашганлиги ва ҳ.к.)дан келиб чиқсан ҳолда у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг барчasi потенциал жабрланувчига айланиши мумкин. Масалан, ҳозирги кунда террор учоfiga айланган Афғонистон, Сурия, Ироқ мамлакатларининг фуқароларини шундай тоифага киритиш мумкин.

Тадқиқотларда ҳукуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг обьектларини тор ва кенг доираларга бўлиб таснифлашни ҳам қузатиш мумкин. Ушбу фаолиятнинг кенг доирадаги обьектлари сифатида криминал виктимлик ва унинг турларини, шунингдек тор доирадаги обьект сифатида эса ўзларининг ижтимоий ҳолати, ҳаёт тарзи ва ҳулқ-авторига кўра ҳукуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган алоҳида виктим аҳоли тоифалари, гурухлар, шахслар, шунингдек айrim тоифадаги шахсларнинг виктим ҳулқ-авторини шакллантирувчи ва уларга нисбатан жиноятнинг содир этилишини келтириб чиқарувчи виктим вазият ва омилларни келтириб ўтишган[171]<sup>23</sup>. Бироқ, мазкур таснифда ҳукуқбузарликдан жабрланувчилар эътибордан четда қолган.

<sup>21</sup>Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошеничества: виктимологические аспекты. дисс. канд.юрид.наук. – Т., 2004. – С. 118;

<sup>22</sup>Малков В.Д. Виктимологическая профилактика преступлений // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://lib.sale/kriminologiya-pravo-uchebnik/2viktimologicheskaya-profilaktika-prestupleniy-48443.html> (дата обращения: 12.02.2020).

<sup>23</sup>Николаева Ю., Виктимологическая профилактика преступлений: объект, субъект, правоотношения // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://pandia.ru/text/77/340/35028.php>. (дата обращения: 18.03.2020).



Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объектлари сифатида юридик адабиётларда келтирилганларнинг барчасини ҳам ушбу фаолиятнинг обьекти сифатида қабул қилиб бўлмаслиги ҳам таъкидланади. Чунки, виктимлик тушунчаси, виктимологик профилактиканинг турлари, усуллари, шакллари, чора-тадбирлари, йўналишлари ва хукуқий асосларини ўрганиш бу фаолиятнинг эмас балки фан ва тадқиқот обьекти ҳисобланади[119; 107–108-б]<sup>24</sup>.

Глобаллашув ва жадаллашув шароитида тез ўзгарувчанлик ва таъсирчанлик хусусусиятига эга бўлган хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси обьектларини илмий асосда ўрганиш ва таснифлаш натижаларига асосланмасдан уларга нисбатан манзилли ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиб ҳамда амалга ошириб бўлмайди. Чунки, ички ишлар органлари, хусусан унинг ҳар бир соҳавий хизматлари ва бўлинмаларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолияти муайян обьектларга манзилли йўналтирилади. Шу нуқтаи назардан обьектлар борасидаги тушунча ва таснифларга аниқлик киритиш зарурати юқори.

Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган хукуқбузарликлар виктимологик профилактика чора-тадбирлари *биринчидан*, хукуқбузарликлардан жабрланишга мойилликни шакллантирувчи ва жабрланишни тақозо этувчи омилларга, *иккинчидан*, хукуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлганларга, *учинчидан*, хукуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан қаратилади.

**Демак, ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг обьекти** - бу хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари йўналтирилган хукуқбузарликлардан жабрланишга мойиллик (эҳтимол юқори бўлиш)ни шакллантирувчи ва жабрланишни тақозо этувчи омилларнинг, жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда жабрланган шахсларнинг жамиятда бўлишини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Юқоридаги таҳлиллар ва ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси

<sup>24</sup>Хўжақулов С.Б., Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти// Ўқув кўлланма. –Т.: 2017. –Б.107-108.



фаолияти объектларини таснифлаш уларни шартли равишда уч гурухга ажратиш имконини берди.

**Биринчи гурухга** аҳоли, унинг алоҳида гурухлари ва муайян шахсларда виктимлик (хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини тақозо этувчи хусусиятлар)ни шакллантирувчи омилларни киритамиз. Ушбу гурухга киравчи объектларни қўйидагича таснифлаш мумкин: а) аҳоли, унинг алоҳида тоифаларида ва муайян шахсларда хуқуқбузарликлардан жабрланишга бўлган мойилликни(жабрланиш эҳтимолини) тақозо этувчи жамиятдаги (макро мухитдаги) воқеа-ҳодиса ва жараёнлар, катта ва кичик мухитдаги ижтимоий муносабатлар; б) ғайриижтимоий хулқ-автор нисбатан тез-тез қузатиладиган ёки хуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойлар; в) аҳолининг алоҳида тоифалари ва муайян шахслардаги хуқуқбузарлиқдан жабрланишга олиб келувчи ғайриижтимоий хулқ-авторлар.

**Иккинчи гурухга** хуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ва муайян вазиятларда жабрланувчига айланиши мумкин бўлган аҳоли тоифалари, гурухлар ва шахсларни киритамиз. Мазқур гурухга киравчи объектларни қўйидагича таснифлаш мумкин: а) жисмоний ва физиологик ҳолатига кўра: болалар, кекса ёшдаги шахслар, аёллар, ногиронлар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлганлар; б) касбий фаолиятига кўра: инкассатор ходимлари, банк ходимлари, тиббиёт ходимларри, ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчи, мажбурий ижро департаменти ходимлари ва ҳ.к; в) моддий-ижтимоий ҳолатига кўра: бой, ишсиз, тадбиркор; г) ижтимоий-хуқуқий ҳолатига кўра: етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётганлар, муайян яшаш жойига эга бўлмаганлар, камбағал оиласалар аъзолари, жиноий жазо ўтаётганлар, жазони ижро этиш муассасаларида сақланётганлар, ёлғиз яшовчи қариялар; д) индивидуал салбий хусусиятига кўра: бепарво, ишонувчан, ахлоқсиз, тажовузкор, қўрқоқ, ёлғончи кишилар; е) ижтимоий тармоқларда ўзлари тўғрисида маълумотларни (телефон рақами, манзили, ўзи, яқинлари ва хонадонининг фотосуръати ва ҳ.к.) мақсадсиз ва хавфсизлик қоидаларига



риоя қилмаган ҳолда жойлаштирган, нотаниш шахслар билан танишишни ёқтирадиган ҳамда муносабатга киришадиган, шунингдек тарқатилаётган турли маълумотларга ўта ишонувчан шахслар.

**Учинчи гуруҳга** ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни киритамиз. Ушбу гуруҳга киравчи обьектларни қўйидагича таснифлаш мумкин: **а) маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар** (бирламчи жабрланувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида жисмоний, моддий, маънавий зарар кўрган шахслар, шунингдек иккиламчи жабрланувчи яқин қариндоши, қонуний вакиллиги ёки хомийлиги остидаги шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида маънавий зарар кўрган шахс (хомий васий); **б) жиноятдан жабрланган шахслар** (бирламчи жабрланувчи жиноят содир этилиши натижасида жисмоний, моддий, маънавий зарар кўрган шахслар, шунингдек иккиламчи жабрланувчи яқин қариндошига, қонуний вакиллиги ёки хомийлиги остидаги шахсга нисбатан жиноят содир этилиши натижасида маънавий зарар кўрган шахс (хомий васий); **в) бошқа тоифадаги жабрланганлар** (тазиик, зўравонлик, эксплуатация, куролли можаролар натижасида, шунингдек табиий (зилзила, кўчки, сув тошқини, эпидемия, эпизотия, эпифитопия) ва техноген вазиятлар оқибатида жабрланганлар.

Юқорида келтирилган обьектларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларини умумий, маҳсус ва якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари билан уйғунликда самарали қўллаш биринчи навбатда ҳуқуқбузарликлар барваҳт профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимларидан чуқур ҳуқуқий ва психологик билимларга, малака ва кўникмаларга ҳамда бой амалий тажрибага эга бўлишни талаб қиласди.

Ҳар қандай жамиятда криминологик ходисаларни [48; 35-6]<sup>25</sup> шу жумладан виктимологик ходисалар билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишда диалектик билиш усулинин методологик асос қилиб олиш, уларни ҳаётда қандай бўлса шу ҳолатда ўрганишга ёрдам беради.

<sup>25</sup> Исмаилов И. Жиноятда уюшганлик: назарияси ва амалиёти муаммолари.–Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.–Б.35.



Хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объектлари: *биринчидан*, хилма-хил, мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди; *иккинчидан*, ўзгарувчан, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ва маъмурий худудлардаги жараёнлар таъсирида кўпайиши ёки камайиши мумкин; *учинчидан*, жамиятда очиқлик ва жамоатчилик назорати қучайган шароитда уларга бўлган эътибор ҳам қучайиб боради.



## Translation of Political literature and terms

**Gulimkhan Baltabaeva** Master student of UzSWLU

Tashkent Uzbekistan

### **ABSTRAT:**

The main features of translation of political literature and terms from lexical, grammatical, stylistic and other aspects have been thoroughly discussed. We should work out essential principles of classifying the main features of units of measurement which must be corresponding to the complicated nature of the world. The relation of the word to the sentence structure, to other types of semantic units in the English language should be thoroughly investigated using modern methods.

**Keywords:** Semantic theory, translation theory, units of translation, political discourse, terms comparative analysis etc.

### **Introduction:**

Political literature like any other scientific kind of literature have languages items characteristic to them, that requires the translator to be precise and sharp. Most books on general politics are characterized by the passion of expression, polemic style and the specific feature is in blending the elements of scientific speech from one side with different emotionally colored means of expression from another side.

The translation of political literature can be considered in two ways: as a field of linguistic activity and as a separate field in science.

As a field of linguistic activity translation of political literature represents one of the types of special translations possessing as objects of its activity different materials of political character.

The political translation comes out into a special field of study due to its specific features of written and verbal speech on political topics, which is specified by its essential character and the knowledge of this science. Sometimes these features are so diverse that in order to



understand them (Russian and English politics as well) one should have a special knowledge without which it would be very hard to clearly perceive the inner sense on politics or a translated piece.

Therefore, the study of specific features of written and verbal speech acquires great importance to translators (interpreters). To the features mention above belong the following:

1. maximal filling the political literature with special political terms, and in verbal speech (among the politicians) – filling it with words of political jargon – slang.
2. presence of special idiomatic expressions and phraseological units in verbal and written speech that are rarely used in colloquial speech and general literature.

As an example, I should bring the following idioms: blitzkrieg – молниеносная война,

**Comprehensive Program of Disarmament – Всеобъемлющая программа разоружения, principal powers – крупные державы, status quo – статус quo и many others.** We have to mark – if the quantity of political idioms is limited, then the amount of «politically» related phraseological idioms is vast in English and Russian languages.

3. the presence of some stylistic deflection from general literary norms is sometimes very great.
  - a) wide usage of elliptic constructions, especially in periodically publishing materials, propaganda and other kinds of politically important printing media.
  - b) precision and beauty of self-expression which is achieved by the usage of elliptic constructions along with wide usage of passive constructions and an often substitution of придаточных предложений by absolute constructions and деепричастными оборотами.
  - c) the presence of official writing style, mostly in documents of official provisions that cover administrative and political questions.
  - d) strictly regulated use of verbal forms and word phrases in special chapters of political literature and political documents.

As was told before, while translating a political character, like doing any other special translation a great importance is given to translation of special terms.

In our philological literature exist lots of definitions to the concept of term, but the essence of majority comes to the following:

Term – is a word or a combination of words, which define a notion (subject, a phenomenon, property, relation or a process) that is characteristic for the given field of science, technology, art or a sphere of social life.



Terms differ from the words of general usage by definite semantic limitations and specific meanings they define. It's very hard to overestimate the general and scientific meaning of terms since the concrete knowledge demands definite expression and a term does not only fix the concept by its notion (name) but specifies it diverging it from adjacent components.

For better functioning, terms must express systematization of notions, express their essence or at least be semantically neutral and at the same time be unambiguous and precise.

The phenomenon of a separate field of science and the terms that fix them should be systemized that offers gender availability around which group notions are formed. Thus an English term representative which presents a group notion and forms a group of notions that belong to this group: representative forum (представительный форум), business world representative (представитель делового мира), representative to the talks (представитель на переговорах), representative to the public (представитель общественности), representative of political circles (представитель политических кругов), representative to NATO (представитель НАТО), representative of various strata or the population (представитель различных слоёв населения).

The capability of a term to express a systematic state of notions and easily merge with new phrases that represent new group notions that consequently appear along with the development of a definite field of science or knowledge maybe called its systematic capability.

The systematic capability of notions helps us to clarify the relation of notions, raise their semantic definiteness and ease their understanding and remembering.

In terms, formed on the base of mother tongue we may differ direct meaning and terminological meaning.

The direct meaning of a term is formed through the elements of the language used for

their formation; the terminological meaning defines the concept of notion expressed by the term. The terms, direct and terminological meaning of which correspond to each other, correctly orientate and underline the so-called their interrelation. These terms are able to express the

essence of notions.

The terms, whose direct and terminological meaning does not correspond to each other belong to semantically neutral group of terms.



And at last, the terms whose direct and terminological meaning contradict each other, should be admitted as completely unsatisfactory because they distort the genuine relations among the notions, disorientate the hearer and do not possess any semantic definiteness.

Unambiguousness of a term also influences its clear semantic features but since we do not have any researches in this field this concept cannot always be applied. Therefore, up to 10% of English and American political terms do not possess even a relative semantic definiteness, i.e. definiteness in some political concerns. This situation may be explained by the fact that the terms according to their nature are firstly simple words, and consequently, they develop according to general laws of linguistics. The result of this is the appearance terminological homonyms that hinder the normal functioning of political terms in a language.

The definiteness of a term requires preciseness of an expressed idea. It also raises the semantic definiteness of the term averting its misusage according to its form.

Not all the terms, of course, possess the above-mentioned qualities, but the translator/interpreter of political material should take them into consideration while forming new terms and solving the question of preference to one of the available term-synonyms.

The correct translation of political literature is a laborious work despite the terms' considerable possession of definite semantic clearness and independence in usage.

жараёнигинг муҳим таркибий қисми саналади. Бошланғич таълимнинг фаол ва етакчи субъектлари бўлган ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, шунингдек, тасвирий санъат, меҳнат, мусиқа ва жисмоний тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ўқитувчидан ижодий ёндашувни талаб қиласди. Мактаб ва ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга таълим беришгина эмас, балки уларнинг қобилиятларини ҳам ўстиришдан иборат. Қобилиятларни ўстиришда ўқув ишининг аҳамияти нихоятда каттадир. Бошланғич синф ўқитувчиси ўз ўқувчиларида қандай қобилиятларнинг борлиги, уларнинг ўқишга бўлган интилишлари, ўқув материалини ўзлаштириш даражалари, эслаб қолишилари ва ўз билимларини ўқув топшириқларни бажаришда қўллай олишлари, масалаларни ечишда пухта фикр юритишлари, ёзма ва оғзаки нутқни қанчалик эгаллаганликларига қараб билиб олиши мумкин.

Шунингдек, қуидаги сифатлар: зийраклик, тез ва пухта эслаб қолиш, ўйлай олиш, топқирлик, ривожланган хаёл, ишда ташаббускорлик, мустақиллик ва унинг маҳсулдорлиги болалар қобилиятларининг баъзи бир кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Ўқитувчи болалар билан ҳар бир ишда ташаббус ва ижодкорлик кўрсаткичларида уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириб туриши керак. Ўқувчи қийналиб қолганда унга ёрдам беришга шошилиш ярамайди. Қийинчиликларни эса аста-секин ошириб бориш лозим. Бошланғич синф ўқитувчиси таълим олувчилар орасида ижодий қобилияти юқори бўлган ўқувчини таваккал қилиши; бой тасаввури; ички сезгининг ривожланганлиги; фалсафий фикрлаши; фикр юритиш ва ҳаракатни ташкил этишдаги тезкорлиги; тафаккур тезлигига эгалиги; турли вазиятларни бирдек қабул қилиши ва уларга жавоб бериши; юксак бадиий қадриятлар, янгилик яратиш лаёқатига эгалиги; ўзига хос оригинал ғояларни илгари сура олиш каби сифатларга қараб аниқлаши ва бу сифатларни ўқув жараёнида ривожлантиришга эътибор қаратиши муҳим.

Шунингдек, ижодий фаоллик қуидаги ички компонентлардан ташкил топади:

- ўқув топшириқларини бажаришга тайёрлик;
- мустақил фаолиятга интилиш;



- топшириқларни онгли бажариш;
- ўқишининг тизимлилиги;
- ўзининг шахсий имкониятларини оширишга ҳаракат қилиш ва бошқалар.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўкувчиларда ижодий фаолликни шакллантиришда қатор тамойилларга амал қилиши талаб этилади:

1. Таълимни индивидуаллаштириш.
2. Таълимни ривожлантириш.
3. Фаолият турларига қулай шароитларни яратиш.
4. Ўкувчилар қобилияtlарининг фаолиятда намоён бўлишига имкониятлар яратиш.
5. Дарсдан ташқи фаолиятлар (ишлар) имкониятларидан унумли фойдаланиш.
6. Таълимнинг ривожлантирувчилик тамойилини қўллаш.

Бошланғич синф ўқитувчиси бир нечта фандан дарс беришини инобатга оладиган бўлсак, у ўз ўкувчиларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришда куйидагиларни ҳам инобатга олиши лозим:

- ўкувчиларнинг ўкув предметлари ичida қай бирига кўпроқ қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш;
- ўкув фанлари буйича тайёрланган ўкув материаллар, масала, топшириқларнинг мураккаблиги, ижодийлиги, илмий-тадқиқот даражаларини ўз ичига олган ҳолда ижодий фаолликни болалар билан ишлаш буйича тематик режа ва дастурларини тузиш;
- ўкувчиларда ижодий фаолликни шакллантириш юзасидан индивидуал иш режалари ишлаб чиқиши. Ўқитувчи дарс лойиҳаси тузишда ўкувчиларнинг ижодий



фаоллигини ривожлантиришда самарали натижа берадиган қуйидаги фаоллаштириш вазиятларини инобатга олиши муҳим:

- ўз фикрида туриш;
- баҳс-мунозараларда иштирок этиш;
- ўз ўртоқлари ва ўқитувчи олдига саволлар қўйиш;
- ўртоқларининг жавобларини изоҳлаш;
- ўртоқларининг жавоби ва ёзма ишларини баҳолаш;
- орқада қолганларга кўмаклашиш;
- бўш ўзлаштирувчиларга тушунмаганларини тушунтириш;
- кучи етадиган топшириқни мустақил танлаш;

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -13-б.
2. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топишмоклардан фойдаланиш. / Пед. фан. ном. дисс. автореф. 1997. -20-б.
3. Фузайлов С., Худайберганова М., Йўлдошева Ш. Она тили: Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. / Қайта ишланган 11-нашри. – Т.: «Ўқитувчи» НМИУ, 2010. –144-б.



## QUR'ONI KARIM – ISLOM DININING MUQADDAS KITOBI

Xolmuxamedov Baxtiyor, SamDU doktoranti

**Annotatsiya.** Qur'oni karim yirik diniy-falsafiy, huquqiy, adabiy-tarixiy, musulmon va umumjahon madaniyatining qadimiyligi, muhim yodgorligidir. Qur'oni karim musulmonlarning diniy hayotida asosiy qonun, dastur vazifasini o'taydi. U diniy ibodatlarning tartib-qoidalari, diniy huquqshunoslikka oid barcha qonun-qoidalarni o'z ichiga oladi. Mazkur maqolada Qur'oni karimning ma'nolari, qay holatda nozil bo'lgani, ko'chirilishi, yetib kelishi haqida qisqacha ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Qur'oni karim, Islom dini, Payg'ambar alayhissalom, sura, oyat, xattotlar.

Olamlar tarixidagi eng muhim hodisa sanalmish bu jarayonning – Qur'oni karim nozil bo'lishining boshlanish nuqtasi Hiro g'orida, Ramazon oyining o'n yettinchi kuni sodir bo'ldi. Insoniyat tarixidagi bu ulug' sanada Alloh taoloning so'nggi va mukammal kitobi nozil bo'la boshladi. Ilk vahiyi buyruq maylidagi «Iqra'», ya'ni «O'qi» («Qiroat qil») ma'nosini anglatuvchi so'z bilan boshlangan bu ilohiy ta'limotning nomi «o'qimoq», «qiroat qilmoq» degan ma'noni anglatuvchi masdar shakli – «Qur'on» bo'lib qoldi. Lug'at ilmi mutaxassislari «Qur'on» lafzining «jamlamoq» degan ma'nosini ham borligini ta'kidlaydilar. Bunda Alloh taoloning oxirgi kalomi o'zidan oldin nozil bo'lgan barcha ilohiy kitoblarning ma'no, hikmat va ahkomlarini o'zida jamlaganiga ishora bordir. Mana, o'n besh asrdan buyon ko'pchilik insonlar «Qur'on» lafzining lug'aviy ma'nosini bilmasalar ham, u musulmonlarning muqaddas kitobi ekanligini bilib kelmoqdalar [1].

Qur'oni karim muhim ilmiy ahamiyat kasb etadi. Sharqning g'oyaviy tarixi bilan qiziquvchilar uchun u nodir bir yodgorlikdir. Qur'onidagi turli rivoyat, so'z va iboralar Islomni qabul qilgan turli tilda so'zlashuvchi xalqlarning adabiyoti, og'zaki ijodi va kundalik so'zlashuv tiliga chuqr singib ketgan. Islomni qabul qilgan xalqlar tilidagi ilmiy, tarixiy, diniy, adabiy asarlar xoh she'riy, xoh nasriy bo'lsin Qur'onidan iqtibossiz, uning ta'sirisiz yozilmagan. Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy, Mashrab, So'fi Olloyor, Huvaydo, Xaziniy kabi ko'p shoirlarning asarlarida Qur'on oyatlari ba'zan aynan, ba'zan she'r



mazmuniga singdirib berilgan. Qur'on nafaqat musulmon mualliflari ijodiga, balki boshqa dindagi xalqlarning olim va adiblari ijodiga ham barakali ta'sir ko'rsatgan. Jumladan, A.S.Pushkin Qur'oni karimning fransuz tiliga qilingan tarjimasini o'qib, uning 15 ta surasiga 15 ta she'r bag'ishlagan [1].

«Al-Qur'on» – o'qiladigan muqaddas Kitob, lekin qulaylik uchun «al»ni olib tashlab, «Qur'on» atalib kelinmoqda. U «al-Qur'on ul-karim», «al-Qur'on ush-sharif», «Kalomulloh», «al-Kitob», «al-Mushaf» kabi bir qancha nomlar bilan yuritiladi [3].

Qur'on 114 suraga bo'linadi. Suralar hajmi jihatidan tartib bilan joylashtirilgan, bundan Fotiha (alhamd) surasi mustasno bo'lib, Qur'on shu sura bilan boshlanadi. Har qaysi suranining o'z nomi bor. Bu nomlar yo suranining avvalgi so'zidan olingan yoki o'sha surada zikr etilgan biror narsaning nomi bilan atalgan. Qur'onning hamma surasi «Bismillohir rahmonir rahiym» iborasi bilan boshlanadi, faqat to'qqizinchi – Tavba surasida bu ibora qo'yilmagan. Qur'on suralari hajman turlicha bo'lib, ular oyatlarga bo'lingan. Eng uzun sura – ikkinchi – Baqara surasi (286 oyat), eng qisqa sura esa – Kavsar va Asr suralari (3 oyat)dir. Qur'onning barcha oyatlari 6204 tadan 6236 tagacha hisoblanadi [4].

Qur'on 610-633 yillar mobaynida Muhammad (s.a.v.)ga Allohdan kelgan vahiy sifatida tushirilgan va u kishi tomonidan og'zaki ravishda bayon qilingan hamda hofizlar tomonidan yodlab olingan. Payg'ambar hijratlaridan oldin nozil bo'lgan suralar Makka suralari, hijratdan keyin nozil bo'lganlari Madina suralari, deb ataladi. Muhammad alayhissalom hayotlik vaqtlaridayoq ayrim suralar xatga ko'chirilgan, Payg'ambarimiz vafotlaridan keyin hofizlarning ayrimlari vafot etib ketishlari natijasida Qur'on matni astasekin xotiradan ko'tarilib, o'zgarishga yuz tutilishi xavfi tug'iladi va Abu Bakr Siddiq tashabbusi bilan 22 yoshlik Zayd ibn Sobit tomonidan Qur'on suralari to'planib, ayrim-ayrim sahifalarga ko'chirilgan. 651 yili hazrati Usmonning buyrug'i bilan o'sha paytda Madinada yashayotgan yana o'sha Zayd ibn Sobit tomonidan qat'iy tartibga solinib, yagona va qat'iy matn sifatida kufiy xatida kiyik terisidan ishlangan sahifalarga 4 nusxa (ba'zi manbalarda 6 nusxa) ko'chirilib ommalashtirildi. Bu nusxalar Qur'onning birinchi sahih matni hisoblanib, hozirgi kungacha hech o'zgarishsiz nusxalar olinib, keyinchalik nashr etib kelinmoqda [4].



Yurtimiz Qur'oni karimning eng qadimiylari va noyob-nodir qo'lyozmalarini ko'z qorachig'iday asrab kelayotgani bilan ham shuhratli. Bularning eng noyobi va qadimiysi musulmonlar idorasi kutubxonasida saqlanayotgan Hazrati Usmon Mushafidir. Bundan tashqari, sakkizinchasi asrda ko'chirilgan «Katta Langar» Qur'oni, hijriy 665 yili mashhur xattot Ismoil Muborak ko'chirgan Qur'oni karim (ma'nolarining forscha tarjimasi bilan), O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar xazinasida saqlanayotgan Abdullobek kotib tomonidan ko'chirilgan (yili noma'lum) Mushafi sharif qo'lyozmasi ham eng qimmatli yodgorliklardan sanaladi.

Shuningdek, Mahmud Zamaxshariy, Hoja Muhammad Porso, Abul Qosim Kushayriy va boshqalarning tafsirlari, Qur'oni karimning turli yillarda mashhur xattotlar tomonidan ko'chirilgan o'nlab nusxalari saqlanmoqda. Qur'onning o'zida va hadisi sharifda Qur'oni karimga bir qancha sifatlar bilan ta'rif berilgan. Alloh taolo aytadi: «Ushbu Kitob (Qur'on) shubhadan holi va taqvodorlarga hidoyatdir» (Baqara, 2); «U sizga Kitobni nozil qilgan Zotdir» (Oli Imron, 7); «Ey mo'minlar, Allohga, Payg'ambariga, unga nozil qilgan Kitobga... imon keltiringiz» (Niso, 156); «Axir ularga tilovat qilinayotgan Kitobni Biz sizga nozil qilganimiz ularga yetarli emasmi?» (Ankabut, 51); «Oyatlarini tafakkur qilishlari va aql egalari eslatma olishlari uchun Biz sizga nozil qilgan muborak Kitobdir» (Sod, 29) [2].

Zayd ibn Arkam roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi. Rasululloh sollallohu alayhi vasallam: «Allohning kitobi osmondan yerga tortilgan bir arqondir», deganlar (Termiziyy, Muslim rivoyati). Abu Umoma Boxiliydan rivoyat qilinadi. Rasululloh sollallohu alayhi vasallam: «Qur'on o'qinglar, chunki u Qiyomat kuni o'qiganlarga shafoatchi bo'ladi», deganlar (Muslim rivoyati) [2].

«Ulumul Qur'on» ulamolari Qur'oni karimga bunday ta'rif berishgan: «Qur'on Alloh taolonning Muhammad alayhissalomga vahiy orqali nozil qilgan, tavotur ila naql qilingan, ibodat-da o'qiladigan ojiz qoldiruvchi Kalomidir» [2].

Shayx Usmonxon Alimovning yozishicha, Qur'oni karim Alloh taolo tomonidan arabiylardan tilda, arab adabiy tilining namunasi, barcha arab qabilalari lahjalarining onasi hisoblangan eng fasohatli va chiroyli Quraysh lahjasida nozil qilingan. Buxoriy va



Muslimlarning rivoyat qilishicha, Qur'oni karim yetti harf (uslub)da sodir bo'lgan. Lekin musulmonlar o'rtasida ixtilof va tafrikalar bo'lmasligi uchun bitta Quraysh lahjasida qiroat qilishga buyurilgan. Payg'ambar alayhissalom davrlarida sahobiylardan (hammalari anstorlar) Ubay ibn Ka'b, Ali ibn Abu Tolib, Muoviya ibn Abu Sufyon, Zayd ibn Sobitlar Qur'onni to'la yozib olib, yodlashgan. Boshqa bir rivoyatda bu ro'yxatga Abu Dardo ham kiritilgan [2].

Payg'ambar alayhiccalom vafotlaridan so'ng, milodiy 642 yili (hijratning 12-yili) Islom uchun bo'lgan janglarda ko'plab murattab qorilarning shahid bo'lishlari tufayli Qur'on oyatlarini to'plab, bir yerga jam qilish ehtiyoji tug'ilgan. Bu ish Abu Bakr Siddiq (roziyallohu anhu) xalifaliklari davrida yigirma uch yoshli vahiy kotibi Zayd ibn Sobit tomonidan amalga oshirilgan. Zayd ibn Sobit Qur'onni yod olgan kishilardan xurmo yaproqlari, terilar, yapaloq toshlar, kurak suyaklarga bitilgan yozuvlarni birma-bir yig'ib, Allohning kalomini bir joyga jam qilgan.

Qur'oni karim uch marta – Rasululloh alayhissalom zamonlarida, Abu Bakr Siddiq, va hazrati Usmon roziyallohu anhu davrlarida jam qilingan. Birinchi holatda oyatlar suralardagi o'z o'rniga qo'yib, tartibi bilan yozilgan, Payg'ambar alayhisalom yangi tushgan oyat qaysi suradan ekanini, qayerda turishi lozimligini kotiblarga ko'rsatib turganlar. Ikkinci holatda oyat va suralar tartibga solinib, sahifalarda jam qilingan, bu «Suhuf» (sahifalar) deb nom olgan. Kishilar qo'lidagi Qur'on yozilgan parchalar Rasululloh huzurlarida yozilganiga ikki guvoh keltirilgandagina tekshirib qabul qilingan va bir necha yilda jamlangan. Uchinchisida esa vaqt o'tishi bilan Islom davlati chegaralari kengayib, ko'p xalqlar musulmonlikni qabul qilib, Qur'onni o'qishda turli kelishmovchiliklar chiqa boshlagan. Shunda (yuqorida aytiganidek) davlat rahbari Hazrati Usmon buyrug'i bilan Abu Bakr davridagi sahifalardan kiyik terisiga oltita nusxa ko'chirildi. Bu sahifalar yagona qiroat asosida Mushaf qilinib, kitob holida Makka, Shom, Kufa, Basra shaharlariga yuborildi, bir nusxa poytaxt Madinada qoldi, Imom (bosh) nusxani Hazrati Usmon o'zlariga oldilar. Ana shu tabarruk Mushafning bir nusxasi hozir Toshkentda saqlanmoqda. Yagona Qur'oni karim nusxasini tuzishda Hazrati Usmonning xizmatlari katta bo'lgan [2].



## *Foydalanolgan adabiyotlar:*

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Hilol nashr, 2018. – 632 б.
2. Шайх Усмонхон Темурхон Самарқандий. Тафсири Ирфон. 1-китоб. – Тошкент: Sharq, 2019. – 736 б.
3. [http://old.muslim.uz/index.php/english/rukn/quran/item/1256-ur-oni-karimga-oid-ba-zি-atamalar](http://old.muslim.uz/index.php/english/rukn/quran/item/1256-ur-oni-karimga-oid-ba-zि-atamalar)
4. <http://old.muslim.uz/index.php/kutubxona/item/20717>



## JISMONIY VA YURIDIK SHAXSLARNING HUQUQ VA MANFAATLARIGA DAXLDOR BO'LGAN HUJJATLAR BILAN ISHLASHNING KONSTITUTSIYAVIY KAFOLATLARI

**Nabiyev Dilmurod To'rayevich**  
**Buxoro davlat pedagogika instituti**  
**Jismoniy va yuridik shaxslar murojaatlari bilan ishlash,  
ichki nazorat va monitoring bo'limi boshlig'i**

**Annotatsiya:** maqolada inson va fuqaroning huquqi va erkinligi haqida tushuncha berilib, ularning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasidagi o'rni ko'rib chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** fuqaro, erkinlik, shaxs, inson huquqlari, konstitutsiya.

Mamlakatimizda o'tgan yillar mobaynida inson huquqlarini ishonchli himoya qilishga qaratilgan keng ko'lamli islohotlar amalga oshirildi. Avvalo, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida xalq hokimiyatchiligi prinsipining muhim qoidalaridan biri sifatida inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanishi belgilab qo'yildi (13-modda).

Ushbu konstitutsiyaviy prinsip doirasida Asosiy Qonunimizning 7-9-boblarida inson va fuqarolarning shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy huquq, erkinliklari hamda ularning kafolatlari belgilab berildi. Xususan, Qomusimizning 7-bobida insonning shaxsiy huquq va erkinliklari belgilangan bo'lib, ular tizimida fuqarolarning ularning huquq va manfaatlariga daxldor bo'lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish huquqi muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 30-moddasi mazmunidan anglashiladigan ushbu huquq mazkur moddada O'zbekiston Respublikasining barcha davlat organlari, jamoat birlashmalari va mansabdor shaxslari zimmasiga ushbu materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini yaratib berish majburiyati tarzida yuklangan.

Mazkur konstitutsiyaviy norma o'z mohiyatiga ko'ra, fuqarolarning Konstitutsiyaning 29-moddasida mustahkamlangan har kim o'zi istagan axborotni izlash, olish va uni tarqatish huquqi hamda 32-moddada belgilangan jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etish huquqi bilan uzviy bog'liqdir. Ya'ni, fuqarolar o'zlarining huquq va manfaatlariga daxldor bo'lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib



chiqish orqali boshqa konstitutsiyaviy huquqlarini amalga oshirish uchun sharoit yaratadilar.

Asosiy Qonunimiz 30-moddasida belgilangan jismoniy va yuridik shaxslarni ularning huquq va manfaatlariga daxldor bo‘lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqishi uchun imkoniyat yaratib berish majburiyati axborot erkinligi kafolatlaridan biri bo‘lib, ushbu konstitutsiyaviy norma O‘zbekiston Respublikasining o‘ndan ortiq qonun hujjatlarida yanada rivojlantirilgan, uni ta’minlashga qaratilgan qo‘sishimcha mexanizm va tartibotlar belgilab berilgan.

Xususan, “Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonunning 8-moddasida davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlari, jamoat birlashmalari va boshqa nodavlat notijorat tashkilotlari hamda mansabdor shaxslar qonun hujjatlarida belgilangan tartibda har kimga o‘zining huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga daxldor bo‘lgan axborot bilan tanishib chiqish imkoniyatini ta’minlab berish bilan bog‘liq bir qator mexanizmlar belgilab berilgan. Unga ko‘ra, Konstitutsiya bo‘yicha tegishli majburiyat yuklangan yuqorida qayd etilgan sub’ektlar maqbul axborot resurslari yaratishlari, foydalanuvchilarni fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va majburiyatlariga, ularning xavfsizligiga doir hamda jamiyat manfaatlariga taalluqli boshqa masalalar yuzasidan axborot bilan ommaviy tarzda ta’minlashlari shart.

Shu singari normalar O‘zbekiston Respublikasining boshqa bir qator amaldagi qonun hujjatlarida ham o‘z aksini topgan. Xususan, “Axborotlashtirish to‘g‘risida”gi Qonunning 14-moddasi to‘g‘ridan to‘g‘ri “O‘zlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ichiga olgan axborot resurslaridan yuridik va jismoniy shaxslarning erkin foydalanishi”ga bag‘ishlangan. Unga ko‘ra, yuridik va jismoniy shaxslar o‘zlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ichiga olgan axborot resurslaridan erkin foydalanish, mazkur ma’lumotlarning to‘liqligi hamda to‘g‘riligini ta’minlash maqsadida ularga aniqliklar kiritish huquqiga ega. O‘zlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ichiga olgan axborot resurslaridan yuridik va jismoniy shaxslarning erkin foydalanishi qonun bilan cheklanishi mumkin. Yuridik va jismoniy shaxslarga o‘zlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ichiga olgan axborot resurslaridan erkin foydalanishni axborot resurslarining mulkdori yoki egasi rad etganligi ustidan sudga shikoyat qilinishi mumkin.



Bu borada 2017-yil 24-avgust kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining o‘n birinchi yalpi majlisida ma’qullangan “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining yangi tahririda ham Asosiy Qonunimizning 30-moddasidan kelib chiquvchi bir qator muhim qoidalar belgilangan. Xususan, unda davlat organi, tashkilot va ularning mansabдор shaxslari murojaatni ko‘rib chiqish chog‘ida murojaat qiluvchilarga ularning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga daxldor hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini, agar ular davlat siri yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan boshqa sir bo‘lgan ma’lumotlarni o‘z ichiga olmasa, jismoniy va yuridik shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga, jamiyat va davlat manfaatlariga zarar yetkazmasa, ta’minalashi shartligi belgilangan.

Shu bilan bir qatorda qonun hujjatlarida sud ish yurituviga jalb qilingan shaxslarning axborot bilan tanishishga bo‘lgan huquqlarining qo‘sishimcha mexanizmlari ham belgilangan. Xususan, “Sudlar to‘g‘risida”gi Qonunning 8-moddasida, FPK 9-moddasi; XPK 10-moddasi va JPK 20-moddasida sud ishlari olib borilayotgan tilni bilmaydigan sudda qatnashuvchi shaxslarning tarjimon orqali ish materiallari bilan to‘la tanishish huquqi ta’minalishi belgilangan.

Asosiy Qonunimizning 30-moddasida belgilangan normaning amalga oshirilishida “Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiysi” doirasida ishlab chiqilgan va 2014-yil 5-may sanasida qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqligi to‘g‘risida”gi Qonuni muhim ahamiyatga ega.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 30-moddasida belgilangan normalarni amalga oshirishda 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yilda amalga oshirishga oid Davlat dasturi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 8-fevralda qabul qilingan “Qonun hujjatlarini tarqatish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2761-sonli qarori muhim ahamiyat kasb etdi.



Shu bilan bir qatorda ta'kidlash lozimki, ushbu konstitutsiyaviy normani to‘liq realizatsiya qilinishini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksining 44-moddasida “Hujjatlar bilan tanishib chiqishni asossiz ravishda rad etish” uchun ma’muriy javobgarlik o‘rnatalgan. Unga ko‘ra, mansabdor shaxslar tomonidan fuqaroga uning huquq va manfaatlariga daxldor bo‘lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini berishni asossiz ravishda rad etishi tegishli tartibda ma’muriy javobgarlikka sabab bo‘ladi.

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldaggi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmoni ushbu konstitutsiyaviy normani amalga oshirish bilan bog‘liq bir qator muhim qoidalarni belgilab berdi. Xususan, unda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqligini ta’minlash, jismoniy va yuridik shaxslarning huquq va erkinliklari hamda qonuniy manfaatlariga oid axborotni taqdim qilishning zamонавиy shakllarini joriy etish ko‘zda tutilgan.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 30-moddasida belgilangan fuqarolarning o‘zlarining huquq va manfaatlariga daxldor bo‘lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqishga bo‘lgan huquqlari mamlakatimizda axborot sohasini isloh qilish, axborot va so‘z erkinligini ta’minlash sohasidagi amalga oshirilayotgan izchil va uzlusiz islohotlar sharoitida yangicha mazmun bilan boyimoqda hamda ushbu konstitutsiyaviy huquqni ta’minlashning yangi usul va mexanizmlari joriy etilmoqda.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Islomov Z.M. Huquq tushunchasi, mohiyati, ijtimoiy vazifasi. –T.: TDYUI, 2014.
2. Mahmudov R. Huquq va madaniyat. – Toshkent, O‘zbekiston, 2019.
3. Tadjibayeva O.A., Ramazonova N.K. Inson huquqlari. O’quv qo’llanma.- Toshkent: ”O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018.



**PQ-112-SON O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
QARORI O'RTA TA'LIM MAKtablarda BITIRUVCHILARI 1 TADAN  
CHOLG'U ASBOBINI O'RGANIB VA UNI IJROSINI QILISH.**

Xoliqova Sevara Baxodirovna musiqa ta'lism 1 kurs magistranti

**ANNOTATSIYA:**

Ushbu maqolada PQ-112-Son O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga ko'ra o'rta ta'lism maktablarda bitiruvchilari 1 tadan cholg'u asbobini o'rganib va uni ijrosini qilish va uning faqat sozanda bo'lishning o'zi etarli bo'lmay, undan pedagogik fikrlash, o'quvchining ichki dunyosiga ko'ra bilish, uning individual xususiyatlarini hisobga olish kabi sifatlar keltirilgan.

**KALIT SO'ZLAR:**

Cholg'u torlari, pardalar joylashuvi, o'quvchilar nigohlari, dam nota, tekst, grafik, musiqa darsliklari, notalar to'plamlari.

**KIRISH**

Aholi, ayniqsa, olis hududlarda istiqomat qiladigan fuqarolarga madaniy dam olish xizmatlari ko'rsatish darajasini oshirish, respublikaning barcha hududlarida teatr, sirk va boshqa turdagи ommaviy-madaniy va konsert-tomosha tadbirlarini tizimli ravishda yo'lga qo'yish, madaniyat va san'at sohasida iste'dodli yosh ijodkorlarni izlab topish va qo'llab-quvvatlash, ta'lism muassasalarini milliy cholg'ular, musiqa darsliklari, notalar to'plamlari va o'quv-metodik adabiyotlar bilan ta'minlashning yaxlit tizimini yaratish maqsadida, shuningdek, 2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasini "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturiga muvofiq: musiqa san'ati bo'yicha professional ta'lism hamda oliy ta'lism to'g'risidagi hujjatga ega bo'lgan, kamida 3 ta milliy musiqa cholg'ularida mahorat bilan kuy iじro eta oladigan mutaxassislarni asosiy ish joyidan bo'sh vaqtida u erdag'i mehnatga



haq to'lash shartlarini saqlab qolgan holda o'rindoshlik asosida umumiyl o'rta ta'limg muassasalari musiqa fani o'qituvchisi va musiqa yo'nalishidagi to'garak rahbari lavozimiga to'liq stavkada ishga qabul qilishga ruxsat beriladi;

Insonlar individual xususiyatlari bilan bir-biridan farq qilishi ma'lum. Mutlaqo bir xil xususiyatli odamlar bo'limganidek, har bir o'quvchining xususiyatlari ham o'ziga xos va takrorlanmasdir. Ta'limg - tarbiyaning talablari esa barcha o'quvchilar uchun yagona bo'lib qolaveradi. Samarali natijaga erishish uchun o'quvchilarga nisbatan pedagogik vositalarni qanday qo'llash kerak? Ta'limg ishida o'quvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olish, shu xususiyatlar asosida ishni tashkil etish yuqoridagi savolga ma'lum darajada javob bo'lishi mumkin. Ta'limg jarayonida o'quvchilarga individual yondashish muammosi ijodiy xarakterga ega. Bu jarayonning har bir bosqichiga oldindan aniq ko'rsatma berib bo'lmaydi. Pedagogikada tarbiyalanuvchilarga individual yondashish masalasi ta'limg -tarbiya ishining barcha bo'g'inlarini o'z ichiga oladi. Individual yondashishning mohiyati o'quvchi oldiga qo'yilgan umumiyl tarbiya vazifasining har bir o'quvchiga, uning barcha xususiyatlarini hisobga olgan holda pedagogik ta'sir ko'rsatish orqali amalga oshirilishishidir. Amalda xulqi, xarakteri, salohiyati turlicha bo'lgan o'quvchilarni uchratish mumkin. Bazi o'quvchilarning qobiliyatları yoshlik chog'laridanoq sezilsa, boshqalarida qobiliyatni aniqlash ancha vaqt talab etadi. Ayrim o'quvchilar sho'x, o'yinqaroq bo'lib, ko'p narsaga qiziqsalar, boshqalari vazmin, bosiq bo'ladilar. O'quvchilarning xarakter va xulqlari qanday bo'lishidan qat'iy nazar ularga o'qituvchining e'tibori talab etiladi. O'quvchilarga individual yondashish birinchi navbatda ularda ijobiyl sifatlarni mustahkamlash va salbiylarini yo'qotishga qaratiladi. O'quvchilarning salbiy sifatlarini o'qituvchi vaqtida sezib, bartaraf etish choralarini ko'rishi, kelajakda o'quvchini qayta tarbiyalashdek qiyin ishning oldini oladi.

Tarbiyada individual yondashish samaradorligini oshirishda o'quvchi xarakteridagi ijobiyl sifatlarga tayanish foydali, degan fikr avvaldan ma'lum. Masalan, cholq'uni o'rganayotgan o'quvchida biror usul boshqalariga nisbatan yaxshi rivojlangan deylik,



Repertuar tanlashda o‘qituvchi o‘quvchining xuddi shu sifatlarini hisobga olishi maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Demak biz cholg‘u torlarini va uni ijrosini o’rganamiz. Cholg‘u torlari va pardalar joylashuvini yaxshi o‘zlashtirib olmagan o‘quvchilarning nigohlari dam nota tekstiga, dam cholg‘u grafika ko‘chib turadi. O‘quvchi notaga qarab, uning balandligini belgilab olgandan so‘ng, nigohini cholg‘u grafikasidagi pardalarga ko‘chirishga majbur, chunki pardalarni yaxshi o‘zlashtirib olmaganligi sababli grifga qaramasdan barmoqlarni pardaga aniq qo‘ya olmaydi. Navbatdagi notani aniqlashda o‘quvchi yana nigohini nota tekstiga ko‘chiradi. Bunday vaziyatda ko‘p o‘quvchilar tekstning qaysi joyiga kelganliklarini yo‘qotib qo‘yadilar. Kerakli joyni topish uchun esa bir oz vaqt talab etiladi. Mana shu kamchiliklar natijasida o‘quvchining ijrosida noto‘g‘ri to‘xtashlar sodir bo‘ladi. Bu esa asarning uzluksiz ijrosiga putur etkazadi. Shu sababli ijrochi nigohining bir manbadan ko‘chishi qanchalik kam bo‘lsa, shunchalik ijro uchun foydali bo‘ladi. Demak, cholg‘u ijrochiligi ta’limida o‘quvchi - sozandaning cholg‘u grafaga qaramasdan kerakli pardani topa bilishni boshqa ko‘nikmalar qatori muntazam ravishda o‘rganib borishi notaga qarab bemalol ijro eta olish qobiliyatini rivojlantirishida muhim ahamiyat kasb etadi. Notaga qarab ijro etishni amalga oshirayotgan paytda o‘quvchidan nota yozuvidagi barcha belgilariga qat’iy rioya qilishni birdaniga talab qilib bo‘lmaydi. O‘qituvchi bu jarayonda o‘quvchi birinchi navbatda e’tibor berishi kerak bo‘lgan narsalarni olindan tushuntirib, belgilab berishi katta ahamiyat kasb etadi. Bizningcha, o‘quvchi asarlardagi yaxlit musiqiy fikrning boshlanishi va tugallanishiga birinchi navbatda e’tibor berishi kerak. Ya’ni asarda bayon etilgan tugal fikrning uzilib qolishi yoki tushunarsiz ijro etilishiga yo‘l qo‘ymaslik kerak. Notaga qarab ijro etishni asarda bayon etilayotgan musiqiy fikrlar asosida tashkil qilish yaxshi natija beradi.

Ijro paytida o‘ng va chap qo‘l harakatining mutanosibligiga erishish ijro sifati uchun katta ahamiyatga egadir. Cholg‘uda ijroni o‘zlashtirishning dastlabki bosqichida o‘ng va chap qo‘llar holati ularning asosiy harakatlarini alohida o‘rganish va o‘rgatish maqsadga muvofiq bo‘lsa, keyinchalik ikkala qo‘l harakatining bir-biriga mutanosabligi asosida ish



olib boriladi. Ya’ni o’rtacha qiyinchilikdagi musiqa asarini ijro etish paytida ikkala qo‘l harakatiga sozanda bir xil e’tibor berishi kerak. Agar bu paytda sozanda e’tiborni bir qo‘lga qaratib, ikkinchisini nazoratdan chiqarib qo‘ysa albatta, ijro kamchilikdan xoli bo‘lmaydi. Bunday paytda uchraydigan kamchiliklardan biri o‘quvchi chap qo‘l barmoq almashinuvining o‘ng qo‘l tovush hosil qilish harakati bilan mutanosibligini buzishidir. Masalan, birinchi tovush ijro etilgandan so‘ng, ikkinchi tovush o‘ng qo‘l yordamida chalinadi-yu, lekin chap qo‘lning barmog‘I kerakli paytda ko‘rsatilgan pardani bosishga ulgurmaydi. Natijada, tovush umumiy eshitilmaydi yoki bo‘g‘iq jarangsiz bo‘ladi. Goxida esa buning aksi ham bo‘lishi mumkin. Yana bir kamchilik, tordan-torga o‘tib ijro etishda qo‘llar xarakatining nomutanosibligidir. Bunda chap qo‘lning barmoqlari bir tordan boshqa torga o‘tish vaqtida ulgursa, o‘ng qo‘l harakatni vaqtida bajara olmaydi. Osoyishta, rez bilan uzilmasdan ijro etishni talab qiladigan kuylarda chap qo‘l barmoqlari almashgan paytda rez usulini bajarayotgan o‘ng qo‘lning harakati, odatda, uzilib qoladi, ohangning uzlusizligi buziladi.

Va nixoyat, chap qo‘lning barmoqlari har bir yangi tovush ijrosi paytida bosish harakatini qaytadan ta’kidlab amalga oshiradi. Bunday harakat ham kuyning uzilishiga olib keladi. Yuqorida ko‘rsatilgan kamchiliklarning barchasi o‘quvchining e’tiborsizligidan yoki ijro vazifasini to‘g‘ri tushunib etmaslididan dalolatdtr. O‘qituvchi uning sababini aniqlab, o‘quvchiga tushuntiradi so‘ngra uni yo‘qotish choralarini belgilaydi.

Musiqa ijrochiligidan ta’lim berish o‘qituvchidan turli bilim, ko‘nikma va qobiliyat talab etadigan ishdir. O‘qituvchi uchun faqat sozanda bo‘lishning o‘zi etarli bo‘lmay, undan pedagogik fikrlash, o‘quvchining ichki dunyosiga ko‘ra bilish, uning individual xususiyatlarini hisobga olish kabi sifatlarga ega bo‘lish ham talab etiladi. Cholg‘u ijrochiligidan ta’lim beradigan o‘qituvchi umumiy pedagogika va psixologiya sohalaridan ham xabardor bo‘lishi kerak. O‘quvchi o‘z o‘qituvchisini xaqqoniy va talabchan, kundalik hayot muommolarini to‘g‘ri hal qilishga o‘rgatuvchi shaxs sifatida tasavvur etadi. O‘quvchilar o‘qituvchidagi har bir noaniq harakatlarni o‘z vaqtida ilg‘ab oladilar. Shu bilan birga ayrim o‘quvchilar paydo bo‘lgan muammoni asosan bir taraflama, voqeanning



emotsional tarafiga asoslangan holda hal etmoqchi bo‘ladi. O‘z o‘quvchisining tabiatini yaxshi o‘rganib, tushungan o‘qituvchi bunday paytda talabaga muayyan holatdan to‘g‘ri xulosa chiqarib olishda yordam berishi kerak. O‘qituvchi o‘z fikrini doimo xaqiqiy fikrga asoslangan holda ishontirish yo‘li bilan tushuntirishi lozim. O‘zaro ishonch va yaxshi munosabatning paydo bo‘lishida o‘qituvchining xulqi, muomala madaniyati katta ahamiyatga ega. O‘quvchilar o‘zlari yoqtirgan o‘qituvchilarga taqlid qilishlari yaxshi ma’lum. Agar o‘qituvchining so‘zi bilan amaldagi ishlari orasida to‘la mutanosiblik, bo‘lsa, o‘quvchilarning shu o‘qituvchiga bo‘lgan hurmati yanada ortadi. O‘qituvchiga nisbatan oddiy va samimi y munosabatda bo‘lish o‘qituvchilarning asosiy vazifasidir. Qo‘pol muomalada bo‘lgan o‘qituvchilar oldida o‘quvchilar kamgap bo‘lib, haqiqiy munosabatlarni berkitishga xarakat qiladilar. Ba’zi o‘quituvchilar o‘z o‘quvchilarining boshqa o‘qituvchilar sinfidagi ishlar bilan tanishishlariga qarshilik ko‘rsatadilar. O‘quvchida namoyon bo‘layotgan ijodiy intilishga hech qachon qarshilik ko‘rsatish kerak emas. Undagi kelajakka bo‘lgan umid va ishonchni qo‘llab-quvvatlash yaxshi natija beradi. O‘zidan avvalgi o‘qituvchilarning ishini tanqid ostiga olish o‘quvchiga salbiy ta’sir ko‘rsatib o‘qituvchiga bo‘lgan ishonchga putur etkazishi mumkin. Pedagogik qobiliyat – insonning boshqa sifatlari kabi amaliy ish faoliyatida rivojlanib boradi. Pedagogik qobiliyat bilimlarni o‘quvchilarga aniq, ravon, tushunarli va qiziqarli qilib etkazish, o‘quvchining psixologiyasini tushunish, bajariladigan ishda o‘xshashliklarga yo‘l qo‘ymaslik, o‘z faoliyatini tanqid va tahlil qila olish kabilarni o‘z ichiga oladi. Bundan tashqari, o‘qituvchi ba’zi tashkiliy ishlarni ham amalga oshirishi kerak bo‘ladi: ishni rejalashtirish, konkret sharoit va o‘quvchining imkoniyatlarini hisobga olgan holda sinf va uy mashg‘ulotlarini tashkil etish va boshqalar. O‘qituvchi xarakteridagi individual hususiyatlar tarbiya ishida katta ahamiyatga ega. O‘qituvchilardan irodali bo‘lish, maqsadga to‘g‘ri intilish, talabchanlik bilan har bir ishni o‘z vaqtida oxiriga etkaza olish, qiyinchilaklarni engishda mardlik ko‘rsata olish kabilalar talab etiladi. O‘quvchi tufayli bilimlar poydevori o‘rnataladi, inson dunyoqarashi va xarakteri shakillanadi. Sifatlari erkin fikrlash, mexnatga muxabbat, odamiylik, ijodiy sifatlar bevosita o‘qituvchining ta’sirida tarbiyalanadi.



## *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. H.Nurmatov – Qashqar rubobi T. 2003.
2. O‘zbekiston Respublikasi madaniyati ishlari vazirligi – Rubob navolari T. 1993.
3. R.Qosimov – An’anaviy rubob ijrochiligi O‘zbekiston 2000.
4. Sh.Raximov – Dutor .T. 2005.
5. B.Raximjonov – Dutorchilar ansamblı T. 2002 y.
6. R.Hamroqulov – Rubob taronalari to‘plami. Samarqand.– 2003
7. Boltaboeva U., Sh U., Rahmonova N. CREATIVE PERSON-THE ROLE OF LIVE WORD IN EDUCATING AN ACTOR //European Journal of Arts. – 2019. – №.3.
8. Boltaboyeva U., Rakhmonova N., Usmonov S. Characteristics of speech Art: problems and solutions //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 4. – C. 559-567



## МАКТАБЛАРДА ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Мингбоева Соҳиба*

*Сирдарё вилояти гулистан тумани 1- ИДУМ нинг она тили ва адабиёт фани  
ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада мактабларда она тили ва адабиёт фанини ривожлантириши масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, мактабларда она тили ва адабиёт фанини ривожлантириши бўйича хulosса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** таълим, умумий, ўрта, мактаб, ўқувчи, фан, кўникма, ривожлантириши, билим, усул.

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш ва бунда миллий педагогик тажрибалар ҳамда жаҳон мамлакатлари ҳалқарининг таълим тажрибаларидан уйғун фойдаланиш жараёни кечмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёти даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ана шу вазифалар қаторида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини амалий жиҳатдан кучайтириш масалалари ҳам қўйилган. Шу жиҳатдан ўқувчиларда она тилига бўлаги мухаббатни уйғотиш билан уларда ҳалқнинг руҳини, минталитетини ва қадриятларини шакллантиришга, уларда мазкур қадриятларни асраб-авайлаб кўникмасини ривожлантиришга эришиш мумкин. Дунёдаги барча малакатлар ўз она тилиси воситасида ёш авлодни миллат ва ҳалқига садоқатли қилиб тарбиялаш концептига амал қилиб келмоқда.

Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида она тилига мухаббат руҳини уйғотиш билан уларнинг миллий кўникмаларини ривожлантириш мумкин ҳамда мазкур тоифа шахсларнинг она тили бўйича компетенцияларини кутилган даражада шакллантириш имкониятига эга бўлинади.



1. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Она тили- миллат тафаккурининг намоён бўлишидир” мазмунидаги фикри бу борадаги методологик асослардан бири бўлиб хизмат қиласи. Эътибор берилса, ўқувчиларда ўқувчиларда она тилига муҳаббат кўникмасини уйғотиш билан қуидагиларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларнинг онги, аҳлоқи ва дунёқарашини миллий руҳда шакллантириш;
- ўқувчиларда халқ руҳи, минталитети ва қадриятларини тушуниш ҳамда ўзлаштириш имкониятларига эга бўлиш;
- ўқувчиларни бугунги кун талаблари асосида баркамол вояга етказиш.

Шу сабабли умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг “Она тили” ўқув фани бўйича кўникмасини ривожлантиришнинг бирламчи манбаси бу миллий тилга муҳаббатдир.

2. Сўз бойлигини ривожлантириш. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари “Она тили” ўқув фани якунида энг кўп сўз бойлигига эга бўлиши лозим. Она тили бўйича сўз бойлигига эга бўлиш ўқувчиларда миллий характерни шакллантиради, ўзга тилларни ўзлаштиришда таянч вазифасини ўтайди. Шу сабабли ўқувчиларнинг сўз бойлигини талаб даражасида ривожлантириш барча замонларнинг бирламчи вазифаси бўлиб келмоқда. Педагог ва филолог олимларнинг яқдил ҳulosага келишича, дунёдаги сўз бойлигига эга тиллардан бири ўзбек тилидир. Айни пайтда, ўзбек тилидаги синонимга эга қўп сўзларни ўзга тилларга таржима қилиш қийин. Мисол учун, хаё, ибо, шарм, уят каби сўзларнинг Европа халқлари тилларида муқобир варианти йўқ.

Она тили бўйича сўз бойлигига эгалик ўқувчиларнинг миллий тафаккурини, миллий характерини ва миллий қиёфасини шакллантиради. Аслида она тили бўйича сўз бойлигига эга бўлиш аждодларимиздан қолган ўзига хос қадриятдир. Мисол учун, Алишер Навоий ўз асарларида бир-бирини такрорламайдиган 56 мингдан ортиқ сўз ишлатгани маълум ёки рус мутафаккири Александр Сергеевич Пушкин ўз асрларида бир-бирини такрорламайдиган 40 мингдан ортиқ сўз ишлатганини олимлар



томонидан аниқланганлиги ҳайрат уйғотади. Демак, она тили бўйича сўз бойлигига эга бўлиш ҳар бир шахс учун бирмас-туганмас манбаи хазинадир.

Дикқат қилинса, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг она тили бўйича сўз бойлигини ривожлантириш билан қуидагиларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларда миллий тафаккур, миллий характер ва миллий қиёфани ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг сўз бойлигини ривожлантириш билан уларда юксак онг, етук маънавият ва ўзига хос миллий аҳлоқни шакллантиришга эришиш;
- ўқувчиларни она тили бўйича сўз бойлиги воситасида ўзга тилларни ўрганишга тайёрлаш.

Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг сўз бойлиги устида ишлаш ишларини замонавий даражада йўлга қўйишни тақозо этади.

3. Ёзма нутқни ривожлантириш. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ёзма нутқини талаб даражасида ривожлантириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Чунки ёзма нутқ – бу шахснинг мустақил фикри, орзу-умидлари ва мақсад-муддаоларини ифодаловчи ҳодисадир. Айни пайтда, ўқувчилар ўз она тилисида оғзаки ўзига хос тарзда нутқ сўзлаш кўникмасини кутилган даражада эгаллаётган бўлса-да, уларнинг ёзма нутқи масаласида мураккабликларга дуч келаётганликлари сир эмас. Бундай мураккабликлар сўз бойлигининг етишмаслиги, сўзларнинг ёзилиши бўйича кўникманинг пастлиги, ўз фикрини равон ва тушунарли ифодалай олмаслиги кабиларда кўринади. Бошланғич синфларда иншо ва баён ёзиш орқали ўқувчиларнинг ёзма нутқ кўникмаси шакллантирилиши маълум.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёти даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Алишер Навоий. Ҳамса. –Тошкент, 1989.
3. Константин Ушинский. Танланган педагогик асарлар. – Тошкент, 1959.
4. Жабборова О.М., Умарова З.А., Бобоходжаева Л.Г. Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси. Дарслик. –Тошкент, 2021.

***EMBRIONAL RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA ULARNING DAVRLARI******Aliyeva Durdonaxon Shukurullo qizi***

***Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti bilogiya fakulteti biologiya yo`nalishi talabasi***

**Annotatsiya** - Ushbu maqola orqali yuksak mavjudot ya`ni odamning embrional bosqichlari va rivojlanish jarayonida qisqacha to`htalib o`tamiz bu tirik organizimning dastlabki bosqichlari va atavizm hodisalarida ro`y beradigan jarayonlar orqali barcha tirik organizimlarning kelib chiqishini anglash mumkin.

**Annotation** - through this article, we will briefly dwell on the embryonic stages and development process of a high being, that is, a person, the first stages of this living organism and the processes that occur in the events of atavism, it is possible to understand the origin of all living organisms.

**Аннотация** - посредством данной статьи мы кратко остановимся на зародышевых стадиях и процессе развития высшего существа, то есть человека, первых стадиях этого живого организма и процессах, происходящих в явлениях атавизма, можно понять происхождение всех живых организмов.

**Kalit so`zlar**- ontogenet, filogenezi, yadro parda, xromosomalar, vorsinkalar, gemofiliya, menstruatsiya, ejakulyatsiya.

Tirik mavjudotlarning o`zlariga o`xshash nasllarni bunyod etish xususiyati irsiyat deyiladi. Avlodlardagi organizmning asosiy xossalari va xususiyatlari (tashqi belgilar, xarakterlar, ya`ni oliy nerv faoliyatları) nasldan naslga o'tadi. Ammo tashqi muhit o'zgarishi bilan bu ko'satkichlar ham o'zgarib, nasi o`zining qator xususiyatlarini o`zgartirishi mumkin.

Irsiyat organizmning filogenezi (tarixiy rivojlanishi)da tashqi va ichki muhit ta'siriga qarab shakllanadi va belgi, xususiyatlarni nasllarga o`tkazadi. Irsiy belgilarning nasldan naslga o`tish qonun-qoidalarini xromosoma nazariyasi orqali tushuntirish mumkin. Jumladan, hujayralarning bo`linishida yadrosining bo`linishi muhim ahamiyatga egadir. Yadro parda, bo`yalmaydigan (axromatik) ip va bo'lakchalar ko`rinishida to'r orasida joylashgan bo`yaluvchi qism (xromatin), yadro shirasi (asosiy massa) va yadrochalardan iborat. Hujayralar mitotik bo`linganda yadro xromatini mitoz to'riga to'planadi. Xromatinli to'r astasekin qalinlashib ayrim

bo'lakchalar (xromosomalar)ga bo`linadi. Yadrocha yo'qolib, o'mida ikkita tuzilma (sentriol) paydo bo'ladi. Bular yadroning ikki tomoniga (qutbga) ajraladi. Bu vaqtida yadro pardasi erib, axromatik modda hujayra protoplazmasi bilan qo'shilib, qattiqlashadi-da, iplar ko`rinishidagi sentriollar o'rtasida joylashadi. Ayni vaqtida har bir xromosoma ikkiga boiinib, juft-juft bo'lib joylashadi. Keyinchalik xromosomalarga birikkan axromatinli iplar



qisqarib, bir-biridan ajralgan xromosomalaming yarim bo'lakchalarini qutblar tomon tortadi. Qutblarda xromosomalalar qisqarib, ip koptogini hosil qilib, shakllanayotgan yangi yadro xromatiniga aylanadi. Ota-onalardan birida nasldan naslga o'tadigan patologik alomatlar (qo'l yoki oyoq barmoqlarining bir-biriga yopishishi, barmoqlarning kalta bo'lishi, eshituv nervining tug'ma atrofiyasi va b.q.) bo'lsa, unga dominant tip deyiladi. Ana shunday genni tashuvchi ota yoki ona nikohlanganda avlodda yuqorida keltirilgan nuqsonlar paydo bo'lishi mumkin. Shuning uchun yaqin qarindoshlardan qiz olib, qiz bermagan ma'qul. tug'ilishi ehtimoli bor. Ba'zan (faqat erkaklarda) qonning yetarlicha ivimasligi (gemofiliya) kuzatiladi. Bunday kasallikka x-xromosoma geni sabab bo'ladi. U nasldan-naslga faqat ayollar orqali o'tadi. Gemofiliya geni bo'lgan x-xromosomani tashuvchi ayoldan tug'ilgan o'g'il bolalarning qariyb 50% ida qon ivimaslik kasalligi kuzatiladi. Bunday kasallik qizlarda uchramaydi. Gemofiliyali erkak bilan geni bo'lgan ayol (qarindoshlar) o'rtasidagi nikohdan tug'iladigan bolalar yashashga layoqatsiz bo'ladi. Ba'zan qizil va yashil ranglarni farq qila olmaydigan (daltonizm) bola tug'iladi. Bu nuqson nasldan-naslga o'tishi mumkin. Bulardan tashqari, tug'ma kar-soqov va ruhiy kasal bolalar ham tug'iladi. Xromosoma kasalliklari xromosomalalar sonining o'zgarishi natijasida paydo bo'ladi. Gametalar yetilayotganda xromosomalardan bir jufti ajralib, urug' hujayrasiga qo'shilishi yoki aksincha, xromosomalalar yetishmasligi

natijasida rivojlanuvchi organizmning barcha hujayralari buzilgan xromosomalalar to'plamini tutadi. X-xromosomaning zigotada bo'lmasligi (O) homilani halokatga uchratadi. XXU, XO



bo'ladi. Gametalar yetilayotganda xromosomalardan bir jufti ajralib, urug' hujayrasiga qo'shilishi yoki aksincha, xromosomalalar yetishmasligi

natijasida rivojlanuvchi organizmning barcha hujayralari buzilgan xromosomalalar to'plamini tutadi. X-xromosomaning zigotada bo'lmasligi (O) homilani halokatga uchratadi. XXU, XO



va XXX hollarda organizm rivojlanishida turlicha o'zgarishlar bo'ladi. Xromosomalar kompleksining buzilishi jinsiy xromosomalargagina emas, balki ularning har bir juftiga ham bog'liq. Ona qornida mnrtakning rivojlanishi. Bu davrda murtak hujayralari hisobidan murtak pardasi hosil bo'madi. Murtak parda sirtida qon tomirlari bilan ta'minlangan vorsinkalar paydo bo'ladi (rasm). Vorsinkalar orqali murtak ona organizmidan kislorod va oziq moddalar olib turadi. Tez orada vorsinka pardasi ichida yana bitta yupqa parda hosil qiladi. Bu parda o'sib pufakka aylanadi. Murtak ana shu pufak ichidagi suyuqlikda suzib yuradi. Pufak murtakni shikastlanishdan himoya qiladi. Yo'ldoshning hosil bo'lishi. Murtakning rivojlanishi davrida qon tomiriga ega bo'lgan vorsinkalar murtak pardasining faqat bachadon devoriga qaragan tomonida saqlanib qoladi. Ana shu vorsinkalar o'sib, bachadonning qon tomirlarga boy bo'lgan shilimshiq pardasiga chuqurroq botib kiradi. Yo'ldosh murtak parda vorsinkalari va bachadon devori shilliq pardasining birga yopishib o'sishidan hosil bo'ladi. Yo'ldoshning hosil bo'lishi bilan ona qornida rivojlanishning homila davri boshlanadi (rasm). Yo'ldoshdagi kapillarlar orqali ona organizmi bilan homila o'rtaida gaz va oziq moddalar almashinib turadi. Homilaning rivojlanishi. Homila bachadonda tez rivojlanib, bir oylikda uning boshi tanasining uchdan bir qismini tashkil etadi; ko'zları shakllana boshlaydi. Bir oylik homilaning barmoqlari bo'ladi. 2 oylik homila 3 cm ga yetadi, uning ko'rinishi odamga o'xshaydi. 3 oylik homilaning deyarli barcha organlari rivojlangan bo'ladi.

4—5 oylik homilaning yuragi ura boshlaydi. Bu davrdan boshlab homilaning o'sishi tezlashadi. Homilaning og'irligi 5 oylik davrida 500 g, tug'ilishidan oldin 3 3,5 kg ga yetadi. Bolaning tug'ilishi. Tug'i ish gipofiz bezi ishlab chiqaradigan gormon bilan bog'liq Gormon ta'sirida bachadon devori kuchli qisqarib, to'lg'oq boshlanadi.

Muskullar qisqarishi tufayli homila bachadondan jinsiy qin tomonga suriladi.


Tug'ilgan chaqaloqning yig'isi uning o'pka bilan nafas ola boshlaganligini bildiradi.

Doya - akusher chaqaloqning kindigini kesib, yoidoshdan ajratadi va kesilgan kindik uchini

bogiab qo'yadi. Homiladorlik - bo'lg'usi farzandning bachadonda rivojlanish davri

bo'lib, 270-280 kun davom etadi. Menstruatsiya siklining to'xtashi, uyqu bosishi,

ko'ngil ay nab turishi, sut bezlarining yiriklashuvi homiladorlikning asosiy belgilari hisoblanadi. Homilador ayol shifokor nazorati ostida boladi,





Ejakulyatsiya natijasida tuxumga kimyoviy ta'sir ko'rsatadigan 300 millionga yaqin sperma hosil bo'ladi. Ayol kanaliga kirgandan so'ng, erkaklar jinsiy hujayralari qondagi kimyoviy modifikatsiyaga uchraydi va plazma membranasidagi lipidlar va glikoproteinlar konstitutsiyasini o'zgartiradi.

Har bir tirik organizm nasl qoldirish hususiyatiga ega bu 2 xil yo`l bilan amalga oshadi jinsiy va jinssiz yo`llar bilan amalga oshadi insonlar esa jinsiy yo`l bilan ko`payadi

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Gilbert S.F. (2000) Rivojlanish biologiyasi. 6-nashr. Sanderlend (MA): Sinauer Associates.
2. Qiyosiy embriologiya. Mavjud: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK9974> Gilbert, S. F. (2005).
3. Rivojlanish biologiyasi. Panamerican Medical Ed. Gomes de Ferraris, M. E. & Campos Muñoz, A. (2009).
4. Og'iz histologiyasi, embriologiyasi va to'qima muhandisligi. Panamerican Medical Ed.
5. Gratacós, E. (2007). Xomilalik tibbiyat. Panamerican Medical Ed.
6. Rohen, J. W., va Lutjen-Drecoll, E. (2007). Funktsional embriologiya: rivojlanish biologiyasining istiqboli.



## BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA O'QITISH METODIKASIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

**Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi**

**18-sonli mакtabning boshlanгich sinf o'qituvchisi**

**Yusupova Ozoda Otaboyevna**

**Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi**

**18-sonli mакtabning boshlanгich sinf o'qituvchisi**

**Davletova Gulnora Quranboyevna**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi va ta'lif texnologiyalari, fanlar bilan bog'liqligi, o'qitish samaradorligini oshirish bo'yicha fikrlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** *Pedagogika, psixologiya, boshlang'ich matematika, fikriy hujum, insonparvarlashtirish, metodika.*

Matematika o'qitish metodikasi eng avvalo kichik yoshdagi o'quvchilarni umumiy tizimda o'qitish va tarbiyalash vazifasini qo'yadi.

Umumiy metodika boshlang'ich sinf matematikasining mazmunini va tizimliligini aks ettiradi, har bir bo'limni o'qitishning o'ziga xos xususiy metodlarini o'rgatadi.

Xususiy metodika matematika o'qitishning asoslangan metodlarini va o'qitish formalarini, shuningdek o'quv faoliyatini tashkil qilish yo'llarini ko'rsatadi. Ma'lumki o'qitish tarbiyalash bilan o'zaro mustahkam bog'liqdir. Ushbu metodika o'qitishni tarbiyalash bilan qo'shib olib borish yo'llarini o'rgatadi.

Boshlang'ich matematika o'qitish metodikasi bir necha fanlar bilan chambarchas bog'liqdir.

O'qitish asosi bo'lgan matematika bilan;

Pedagogika;

Psixologiya;

Boshqa o'qitish metodikalari bilan (ona tili, mehnat ...). Boshlang'ich matematika o'qitish kursi o'quv predmetiga aylangan. Boshlang'ich matematika o'qitish metodikasining o'qitish vazifalari:



- ta'lism-tarbiyaviy va amaliy vazifalarni amalga oshirishi;
- nazariy bilimlar tizimini o'rghanish jarayonini yoritib berishi kerak;
- o'quvchilarning dunyoqarashini shakllantirish yo'llarini o'rgatishi kerak;
- ta'limi insonparvarlashtirish;
- matematika o'qitish jarayonida insonni mehnatni sevishga, o'zining qadr-qimmati, bir-biriga hurmati kabi fazilatlarini tarbiyalashni ko'rsatib beradi;
- o'qitish metodikasi I-IV sinflar matematikasining davomi bo'lgan V-VI sinf matematikasi mazmuni bilan bog'lab o'qitishni ko'rsatadi.

Boshlang'ich matematika kursining vazifasi maktab oldiga qo'yilgan "o'quvchilarga fan asoslaridan puxta bilim berishda yangi texnologiyadan foydalanish, ularga hozirgi zamон ijtimoiy-iqtisodiy bilimlarni berish, turmushga, kasb-hunarga yo'naltirish, kasblarni ongli tanlashga o'rgatish" kabi vazifalarni hal qilishda yordam berishdan iborat.

Shunday qilib, boshqa har qanday o'quv predmeti kabi matematika boshlang'ich kursi matematika o'qitishning maqsadi quyidagi uch omil bilan belgilanadi:

- Matematika o'qitishning umumta'limi maqsadi.
- Matematika o'qitishning tarbiyaviy maqsadi.
- Matematika o'qitishning amaliy maqsadi.
- Matematika o'qitishning umumta'limi maqsadi o'z oldiga quyidagi vazifalarni qo'yadi:
- o'quvchilarga ma'lum bir dastur asosida matematik bilimlar berish.

Bu bilimlar matematika fani to'g'risida o'quvchilarga yetarli darajada ma'lumot berishi, ularni matematika fanining yuqori bo'limlarini o'rganishga tayyorlashi kerak.

Bundan tashqari, dastur asosida o'quvchilar o'qish jarayonida olgan bilimlarning ishonchli ekanligini tekshira bilishga o'rganishlari, nazorat qilishning asosiy metodlarini egallashlari lozim.

Matematikani o'rganish o'quvchilarning o'z ona tillarida nutq madaniyatini to'g'rishakllantirish, o'z fikrini aniq, ravshan va lo'nda qilib bayon eta bilish malakalarini o'zlashtirishlariga yordam berishi kerak.

d) o'quvchilarni matematik qonuniyatlar asosida real haqiqatlarni bilishga o'rgatish.

Bunday bilimlar berish orqali esa o'quvchilarning fazoviy tasavvur qilish xususiyatlari shakllanadi hamda mantiqiy tafakkur qilishlari yanada rivojlanadi.



Boshlang‘ich matematika o‘qitishning tarbiyaviy maqsadi o‘z oldiga quyidagi vazifalarni qo‘yadi:

o‘quvchilarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirish.

o‘quvchilarda matematikani o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlarni tarbiyalash.

Boshlang‘ich sinf o‘qituvchisining vazifasi o‘quvchilarda mustaqil mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bilan birga ularda matematikaning qonuniyatlarini o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlarini tarbiyalashdan iboratdir.

d) o‘quvchilarda matematik tafakkurni va matematik madaniyatni shakllantirish.

Matematika darslarida o‘rganiladigan ibora, amal belgilari, tushuncha va ular orasidagi qonuniyatlar o‘quvchilarni atroflicha fikrlashga o‘rgatadi.

Boshlang‘ich sinflarda matematika o‘qitishning amaliy maqsadi o‘z oldiga quyidagi vazifalarni qo‘yadi:

o‘quvchilar matematika darsida olgan bilimlarini kundalik hayotda uchraydigan elementar masalalarini yechishga tatbiq qila olishga o‘rgatish, o‘quvchilarda arifmetik amallar bajarish malakalarini shakllantirish va ularni mustahkamlash uchun maxsus tuzilgan amaliy masalalarini hal qilishga o‘rgatish,

matematika o‘qitishda texnik vosita va ko‘rgazmali qurollardan foydalanish malakalarini shakllantirish. Bunda assosiy e’tibor o‘quvchilarning jadvallar va hisoblash vositalaridan foydalana olish malakalarini tarkib toptirishga qaratilgan.

d) o‘quvchilarni mustaqil ravishda matematik bilimlarni egallahsha o‘rgatish.

O‘quvchilar imkonи boricha mustaqil ravishda qonuniyat munosabatlarini ochishlari, kuchlari etadigan darajada umumlashtirishlar qilishlari, shuningdek, og‘zaki va yozma xulosalar qilishga o‘rganishlari kerak.

O‘qitish samaradorligining zaruriy va muhim sharti o‘quvchilarning o‘rganilayotgan materialni o‘zlashtirishlari ustidan nazoratdir. Didaktikada uni amalga oshirishning turli shakllari ishlab chiqilgan. Bu o‘quvchilardan og‘zaki so‘rash; nazorat ishlari va mustaqil ishlari; uy vazifalarini tekshirish, testlar, texnik vositalar yordamida sinash kabi usullardir. Didaktikada dars turiga, o‘quvchilarning yosh xususiyatlariga va h.k. bog‘liq ravishda nazoratning u yoki bu shaklidan foydalanishning maqsadga muvofiqligi masalalari, shuningdek, nazoratni amalga oshirish metodikasi yetarlicha chuqr ishlab chiqilgan.

Boshlang‘ich mакtabda matematika o‘qitish metodikasida mustaqil va nazorat ishlari, o‘quvchilardan individual yozma so‘rov o‘tkazishning samarali vositalari yaratilgan. Ba’zi didaktik materiallar dasturning chegaralangan doiradagi masalalarining o‘zlashtirilishini reyting tizimida nazorat qilish uchun, boshqalari boshlang‘ich mакtab matematika



kursining barcha asosiy mavzularini nazorat qilish uchun mo‘ljallangan. Ayrim didaktik materiallarda (ayniqsa, kam komplektli maktab uchun mo‘ljallangan) o‘qitish xarakteridagi materiallar, boshqalarida esa nazoratni amalga oshirish uchun materiallar ko‘proqdir.

Boshlang‘ich maktab matematikasida barcha didaktik materiallar uchun umumiy topshiriqlarning murakkabligi bo‘yicha tabaqlashtirilishidir. Bu materiallar tuzuvchilarning g‘oyasiga ko‘ra ma’lum mavzu bo‘yicha topshiriqning biror usulini bajarishi o‘quvchining bu mavzuni faqat o‘zlashtirganligi haqidagina emas, balki uni to‘la aniqlangan darajada o‘zlashtirganligi haqida ham guvohlik beradi.

Amaliyotda o‘qituvchilar ko‘pincha biror topshiriqning usullarini biri boshqalaridan soddarоq yoki murakkabroq deb aytadilar. Bundan tashqari, didaktik materiallar qanchalik san’atkorona tuzilgan bo‘lmасin, ularning mazmuni va tuzilishida qanchalik sermahsul va chuqur g‘oyalар amalga oshirilmasin, ular baribir barcha metodik vazifalarni tezda hal etishga qodir emas, chunki hech qanday o‘rgatuvchi mashina o‘quvchining intuisiyasini, ya’ni hissiyotini almashtira olmaydi.

Shunday qilib, didaktik materiallarni o‘quvchilarning o‘quv materialini o‘zlashtirish darajasini nazorat usullaridan biri sifatida qarash lozim. Shu bilan birga muayyan usul mazkur sinf, mazkur o‘quvchi uchun eng yaxshi usul bo‘lmасligi ham mumkin. Shu sababli didaktik materiallar o‘quvchini o‘quvchilarning bilimlarni o‘zlashtirish darajasini aniqlash imkonini beradigan individual tekshirish uchun nazorat turlarini tuzishdan xalos eta olmaydi. Bu umummetodikaning asosiy vazifalaridan biridir.

O‘quvchilarni matematika kursini o‘rganishga tayyorlash.

I–IV sinflarda matematika o‘qitishning asosiy vazifasi bo‘lgan ta’lim-tarbiyaviy vazifalarni hal qilishda ulardagi matematika kursi bo‘yicha qanday darajada tayyorgarligi borligiga bog‘liq.

Shuning uchun 1-sinfga kelganlarning bilimlarini aniqlash, sinf o‘quvchilarining bilimlarini tenglashtirish, ya’ni past bilimga ega bo‘lgan o‘quvchilarning bilimlarini yaxshi biladigan o‘quvchilarga yetkazib olish vazifasi turadi. O‘quvchi quyidagi tartibda o‘quvchilar bilimini maxsus daftarga hisobga olib boradi:

Nechagacha sanashni biladi?

Nechagacha sonlarni qo‘shishni biladi?

Nechagacha sonlarni ayirishni biladi?.

>, <, = belgilarini ishlata oladimi?

Noma’lumlar bilan berilgan qo‘shish va ayirishda bu noma’lumlarni topa oladimi?



Qaysi figuralarning nomlarini biladi va chiza oladi?

Nechagacha sonlarni yoza oladi?

O'ngga, chapga, kam, ko'p, og'ir, engil, teng kabilarni farqlay oladimi?

Pul, narx, soat, minut, uzunlik, og'irlik o'lchov birliklari bilan muomala qila oladimi?

Bolalarni o'qitishga tayyorlashda asosiy ish metodi tahlil, sintez, taqqoslash, umumlashtirish, tabaqalashtirish kabi aqliy operasiyalarni bajarish malakalarini shakllantirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Bunday ishlar o'quvchilarnig og'zaki va yozma nutqlarini rivojlantirishga katta yordam beradi, matematik bilimlarni o'zlashtirishga qiziqishi kuchaya boradi.

Bugungi kunda bir qator rivojlangan mamlakatlarda o'quvchilarning o'quv va ijodiy faoliyklarini oshiruvchi hamda ta'lif-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolatlovchi pedagogik texnologiyalarni qo'llash borasida katta tajriba to'plangan bo'lib, ushbu tajriba asoslarini tashkil etuvchi metodlar interfaol metodlar nomi bilan yuritiladi. Quyida amaliyotida foydalaniladigan interfaol metodlardan bir nechtasining mohiyati va ulardan foydalanish borasida so'z yuritamiz.

#### “Fikriy hujum” metodi

Mazkur metod o'quvchilarning mashg'ulotlar jarayonidagi faoliyklarini ta'minlash, ularni erkin fikr yuritishga rag'batlantirish hamda bir xil fikrlash inertsiyasidan ozod etish, muayyan mazvu yuzasidan rang-barang g'oyalarni toplash, shuningdek, ijodiy vazifalarni hal etish jarayonining dastlabki bosqichida paydo bo'lgan fikrlarni yengishga o'rganish uchun xizmat qiladi.

“Fikriy hujum” metodi A.F.Osborn tomonidan tavsiya etilgan bo'lib, uning asosiy tamoyili va sharti mashg'ulotning har bir ishtirokchisi tomonidan o'rta ga tashlanayotgan fikrga nisbatan tanqidni mutlaqo ta'qiqlash, har qanday luqma va hazil-mutoyibalarni rag'batlantirishdan iboratdir. Bundan ko'zlangan maqsad o'quvchilarning mashg'ulot jarayonidagi erkin ishtirokini ta'minlashdir. Ta'lif jarayonida ushbu metoddan foydalanish o'qituvchining pedagogik mahorati va tafakkur ko'laming kengligiga bog'liq bo'ladi.

“Fikriy hujum” metodidan foydalanish chog'ida o'quvchilarning soni 15 nafardan oshmasligi maqsadga muvofiqdir. Ushbu metodga asoslangan mashg'ulot bir saotga qadar tashkil etilishi mumkin.

#### “Yalpiy fikriy hujum” metodi

Ushbu metod J.Donald Filips tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, uni bir necha o'n (20-60) nafar o'quvchilardan iborat sinflarda qo'llash mumkin.



Metod o'quvchilar tomonidan yangi g'oyalarning o'rtaga tashlanishi uchun sharoit yaratib berishga xizmat qiladi. Har bir 5 yoki 6 nafar o'quvchilarni o'z ichiga olgan guruhlarga 15 daqiqa ichida ijobjiy hal etilishi lozim bo'lgan turli xil topshiriq yoki ijodiy vazifalar belgilangan vaqt ichida ijobjiy hal etilgach, bu haqida guruh a'zolaridan biri axdorot beradi.

Guruh tomonidan berilgan axborot (topshiriq yoki ijodiy vazifaning yechimi) o'qituvchi va boshqa guruhlar a'zolari tomonidan muhokama qilinadi va unga baho beriladi. Mashg'ulot yakunida o'qituvchi berilgan topshiriq yoki ijodiy vazifalarning yechimlari orasida eng yaxshi va o'ziga xos deb topilgan javoblarni e'lon qiladi. Mashg'ulot jarayonida guruhlar a'zolarining faoliyatlari ularning ishtiroklari darajasiga ko'ra baholab boriladi.

"Fikrlarning shiddatli hujumi" metodi

"Fikrlarning shiddatli hujumi" metodi Ye.A.Aleksandrov tomonidan asoslangan hamda G.Ya.Bush tomonidan qayta ishlangan.

Metodning mohiyati quyidagidan iborat:

jamoa orasida muayyan topshiriqlarni bajarayotgan har bir o'quvchining shaxsiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashish;

o'quvchilarda ma'lum jamoa tomonidan bildirilgan fikrga qarshi g'oyani ilgari surish layoqatini yuzaga keltirishdan iborat.

"Fikrlarning shiddatli hujumi" metodidan foydalanishga asoslangan mashg'ulot quyidagi bosqichlarda tashkil etiladi:

bosqich: Ruhiy jihatdan bir-biriga yaqin bo'lgan o'quvchilarni o'zida biriktirilgan hamda son jihatdan teng bo'lgan kichik guruhlarni shakllantirish;

bosqich: Guruhlarga hal etish uchun topshirilgan vazifa yoki topshiriqlar mohiyatidan kelib chiqadigan maqsadlarni aniqlash;

bosqich: Guruhlar tomonidan muayyan g'oyalarning ishlab chiqilishi (topshiriqlar hal etilishi);

bosqich: Topshiriqlarning yechimlarini muhokama etish, ularni to'g'ri hal etilganligiga ko'ra turkumlarga ajratish;

bosqich: Topshiriqlarning yechimlarini qayta turkumlashtirish, ya'ni ularning to'g'riliqi, yechimni topish uchun sarflangan vaqt, yechimlarning aniq va ravshan bayoni etilishi kabi mezonlar asosida baholash;



bosqich: Dastlabki bosqichlarda topshiriqlarning yechimlari yuzasidan bildirilgan muayyan tanqidiy mulohazalarni muhokama etish hamda ular borasida yagona xulosaga kelish.

Metodni qo'llash jarayonida quyidagi holatlar yuzaga keladi:

o'quvchilar tomonidan muayyan nazariy bilimlarning puxta o'zlashtirilishiga erishish;

vaqtini iqtisod qilish;

har bir o'quvchini faollikka undash;

ularda erkin fikrlash layoqatini shakllantirish.

“6x6x6” metodi

“6x6x6” metodi yordamida bir vaqtning o'zida 36 nafar o'quvchini muayyan faoliyatga jalgan etish orqali ma'lum topshiriq yoki masalani hal etish, shuningdek, guruhlarning har bir a'zosi imkoniyatlarini aniqlash, ularning qarashlarini bilib olish mumkin. Bu metod asosida tashkil etilayotgan mashg'ulotda har birida 6 nafardan ishtirokchi bo'lgan 6 ta guruh o'qituvchi tomonidan o'rtaga tashlangan muammoni muhokama qiladi. Belgilangan vaqt nihoyasiga yetgach o'qituvchi 6 ta guruhni qayta tuzadi. Qaytadan shakllangan guruhlarning har birida avvalgi 6 ta guruhdan bittadan vakil bo'ladi. Yangidan shakllangan guruh a'zolari o'z jamoadoshlariga guruhi tomonidan muammo yechimi sifatida taqdim etilgan xulosani bayon etib beradilar va mazkur yechimlarni birgalikda muhokama qiladilar.

“6x6x6” metodining afzallik jihatlari quyidagilardir:

guruhlarning har bir a'zosining faol bo'lishiga undaydi;

ular tomonidan shaxsiy qarashlarning ifoda etilishini ta'minlaydi;

guruhning boshqa a'zolarining fikrlarini tinglay olish ko'nikmalarini hosil qiladi;

ilgari surilayotgan bir necha fikrni umumlashtira olish, shuningdek, o'z fikrini himoya qilishga o'rgatadi.

Eng muhimmi, mashg'ulot ishtirokchilarining har bir qisqa vaqt (20 daqiqa) mobaynida ham munozara qatnashchisi, ham tinglovchi, ham ma'ruzachi sifatida faoliyat olib boradi.

Ushbu metodni 5, 6, 7 va 8 nafar o'quvchidan iborat bo'lgan bir necha guruhlarda qo'llash mumkin. Biroq yirik guruhlar o'rtaida “6x6x6” metodi qo'llanilganda vaqtini ko'paytirishga to'g'ri keladi. Chunki bunday mashg'ulotlarda munozara uchun ham, axborot berish uchun birmuncha ko'p vaqt talab etiladi. So'z yuritilayotgan metod



qo'llanilayotganda mashg'ulotlarda quruqlar tomonidan bir yoki bir necha mavzuni qilish imkoniyati mavjud.

"6x6x6" metodidan ta'lif jarayonida foydalanish o'qituvchidan faollik, pedagogik mahorat, shuningdek, guruhlarni maqsadga muvofiq shakllantira olish layoqatiga ega bo'lishni talab etadi. Guruhlarning to'g'ri shakllantirmasligi topshiriq yoki vazifalarning to'g'ri hal etilmasligiga sabab bo'lishi mumkin.

Bu metod yordamida mashg'ulotlar quyidagi tartibda tashkil etiladi:

O'qituvchi mashg'ulot boshlanishidan oldin 6 ta stol atrofiga 6 tadan stul qo'yib chiqadi.

O'quvchilar o'qituvchi tomonidan 6 ta guruhg'a bo'linadi. O'quvchilarni guruhlaga bo'lishda har o'rindiqni nomlab, nomlangan varaqchalarni olganlar o'z o'rinaliga joylashadilar.

O'quvchilar joylashib olganlaridan so'ng o'qituvchi mashg'ulot mavzusini e'lon qiladi va guruhlarga muayyan topshiriqlarni beradi. Ma'lum vaqt belgilanib, munozara jarayoni tashkil etiladi.

O'qituvchi guruhlarning faoliyatini kuzatib boradi, kerakli o'rnlarda guruh a'zolariga maslahatlar beradi, yo'l-yo'ruqlar ko'rsatadi hamda guruhlar tomonidan berilgan topshiriqlarning to'g'ri hal etilganligiga ishonch hosil qilganidan so'ng guruhlardan munozaralarini yakunlashlarini so'raydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" / Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa kontserni. 1997.
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lif to'g'risida"gi Qonuni (1997 yil 29 avgustda qabul qilingan) /Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa kontserni. 1997.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o'rta ta'lifning davlat ta'lif standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori (1999 yil 16 avgust)/Xalq ta'limi j. 1999. № 5



## BOSHLANG'ICH SINFLARDA IFODALI O'QISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi

**18-sonli maktabning**

boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Davletova Zumrad Quranboyevna

Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi

**18-sonli maktabning**

boshlanğich sinf o'qituvchisi

Shonazarova Nigora

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining mustaqil ijodiy faoliyatini tashkil etishning muammolari va yechimlari yoritilgan. Unda bo'lajak o'qituvchini tayyorlashda ijodiy ishlarni bajarishning o'ziga xos xususiyatlari ochib berilgan bo'lib, talabalarda ijodiy mehnat ko'nikma va malakalarni takomillashtirishning samarali shakllari tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** *faoliyat, tizimlilik, mustaqil, ijodiy ish, kurs ishi, muammoli topshiriq.*

Bugungi pedagogika va unga davr munosabati masalasini o'rganish alohida ilmiy muammoga aylanib bormoqda. Shaxs o'zining mustaqil ijodiy faoliyati va o'z sohasining mahoratli mutaxassis sifatida millat ijtimoiy tafakkurining rivojiga o'z ta'sirini ko'rsata olmog'i lozim. Mustaqil ijodiy faollik, ijodkorlik talaba-yoshlarning ijtimoiy bilimdonlik va ong asosida ijtimoiy hayotga tayyorgarlik darajasini ta'minlovchi mezon vazifasini o'taydi. Oliy pedagogik ta'lim tizimi bu borada muhim bosqich bo'lib, ayniqsa, pedagogika fakultetlarida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy mahorati, axloqi, odobi va zaruriy xislat, fazilatlarini shakllantirish va rivojlantirish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Oliy pedagogika o'quv yurtlarida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy tayyorlashda zarur bo'ladigan malaka ko'nikmalari hamda mustaqil ijodiy ishlariga har bir fanni o'rganish negizida 35–45 foiz vaqt taqsimoti ajratiladi.

Dars mashg'ulotlarida nazariy, amaliy va mustaqil ta'lim sifatida talabalarining mustaqil ijodiy faoliyatiga keng o'rinn ajratilgan holda o'quv rejasi va dasturidagi ta'lim mazmunini o'zlashtirish tashkil etiladi. O'quv mashg'ulotlarining nazariy qismida yangi pedagogik va axborot texnologiyalari, interfaol noan'anaviy usullar keng qo'llanilmoqda.



Amaliy mashg‘ulotlar esa seminar, laboratoriya mashg‘ulotlari, suhbat tarzida tashkil etilib, muammoli vaziyatlar hosil qilish va ularning yechimlarini topish uchun yo‘naltirilgan. Mustaqil ta’limda esa bevosita o‘quv reja va dasturlarining uzviyligini ta’minlovchi nisbatan muhim va murakkab hisoblangan mavzularni talabalar tomonidan mustaqil ravishda chuqur va har tomonlama kengroq o‘rganishga mo‘ljallangan.

Hozirgi davrda oliy ta’lim muassasalarida talabalarning bajarayotgan mustaqil-ijodiy ishlaringin asosiy ko‘rinishlari, shakllari quyidagilardan iborat: Kurs ishlari va loyihamonlari bajarish. Diplom (bitiruv malakaviy) ishlari va loyihamonlari ishlab chiqishda va amalga joriy etishda qatnashish. Masalan, ta’lim tizimining turli bosqichlarida ta’lim oluvchilar yozma mustaqil ishlarni bajarish uzlusizligini ta’minlash quyidagicha amalga oshiriladi: – umumiy o‘rtalik maktablarida, xususan, boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilar kichik insho, bayon, diktant yozsalar, o‘rtalik va yuqori sinflarda ular turli referatlar yozib, hisobotlar tuzishadi; – o‘rtalik maxsus, kasb-hunar va oliy ta’lim tizimida ular mustaqil ravishda kurs ishlari, bitiruv malakaviy (diplom) ishlarni bajarishadi; – magistrlik va doktorlik ilmiy tadqiqotlar esa ushbu ishlarning bevosita davomi va asosiy maqsadi hisoblanadi. 3. Turli xil muammoli topshiriqlarni o‘quv fanlari yo‘nalishlari bo‘yicha bajarish, masalan, hisobot, sinov darslari uchun nazorat savollari tuzish va boshqalar. O‘quv chiyoshlarning turli xil muammoli topshiriqlarni mustaqil holda fan yo‘nalishlari bo‘yicha bajarishlari ta’lim tizimining bir necha bosqichlarida davom etishi mumkin. Masalan, umumiy o‘rtalik limning DTSlarida amaliy mashg‘ulotlarga vaqt ajratilgan. O‘quvchilar ana shu amaliy mashg‘ulotlarga qatnashganlarida mustaqil holda ishlab chiqarishda qatnashishning dastlabki ko‘nikmalari paydo bo‘ladi.

Ta’limning keyingi bosqichlarida, masalan, litsey va kasb-hunar kollejlarida ular turli xil amaliyotlarda bo‘lib, muammoli topshiriqlarni mustaqil ravishda bajarishadi, hisobotlar tuzishadi, referatlar yozishadi. Oliy ta’lim muassasalarida talabalar ishlab chiqarish, diplomoldi va pedagogik amaliyotlarda bo‘lishadi. Pedagogik amaliyotlar bilim sohasi gumanitar bo‘lgan musiqa, tasviriy va amaliy san’at, mehnat ta’limi, boshlang‘ich ta’lim va psixologik ta’lim yo‘nalishlarida oxirgi bosqich talabalari uchun 14 hafta muddatda tashkil etiladi. Amaliyot davrida talabalar turli xil darslarni va darsdan tashqari ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarni tashkil etishadi va kuzatishadi, tahlil qilishadi, xulosalar yozishadi. Amaliyot davrida ular mustaqil holda darslarga tayyorlanadi, dastlab o‘qituvchi kuzatuvida, asosiy davrda esa mustaqil holda dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlar ishlanmalarini ishlab chiqishadi va o‘quv tarbiyaviy jarayonda tatbiq etishadi. Amaliyot yakunida hisobotlar tuziladi va taqdimot o‘tkaziladi. Muammoli vaziyatlarga duch kelganlarida esa mustaqil holda yechimlarni yengib o‘tish uchun tinimsiz izlanadilar. Bu haqdagi taklif va tavsiyalarini keltirib o‘tishadi.

Quyida oliy o‘quv yurtlarida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tayyorlash jarayonida samarali foydalanilishi mumkin bo‘lgan mustaqil ijodiy ishlarning nomlari



keltirib o‘tiladi. Ularni turli xil hududiy, mintaqaviy, mahalliy xususiyatlarni hisobga olgan holda amalga muvaffaqiyatli joriy etish mumkin. – mehnat ta’limi metodikasi fani negizida qog‘oz, karton, simlar va gazlamalar hamda har xil tabiiy, sun’iy materiallardan turli xil shakllar, o‘yinchoqlar, narsalar yasash; – tasviriy va amaliy san’at darslarida turlituman jarayonlar, manzaralar, narsalar va buyumlarning ko‘rinishlarini chizish, tasvirlash; – ta’lim tizimida, o‘quv jarayonida va tarbiyaviy ishlarni tashkil etishga doir (amaliyotlar davrida) uslubiy ishlanmalar tayyorlashda ishtirok etish; – o‘quv mashg‘ulotlarining elektron ishlanmalarini tayyorlash va amalga joriy etish; – jurnallarda, gazetalarda, to‘plamlarda mavzuli anjumanlar va konferensiyalarda ilmiy-amaliy, uslubiy, pedagogik va psixologik mazmundagi maqolalar, ma’ruzalar, tezislar tayyorlash bilan chiqishlar qilish; – ilmiy hisobotlar tayyorlashda ishtirok etish (xo‘jalik hisobidagi shartnomalar asosida tadqiqot ishlarini bajarish bo‘yicha); – ta’lim muassasasi (maktabgacha, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi) o‘quv reja va dasturining alohida qismlari, bo‘limlarini takomillashtirish uchun uslubiy tavsiyalar, ishlanmalar tayyorlashda qatnashish; – ta’limning didaktik vositalarini loyihalash, tuzish, qurish ishlarini bajarish. Texnologik va perfo xaritalar tayyorlash, slaydlar yaratish; – o‘quvchilarining turli faoliyatları (o‘yin, o‘yin-dars, mehnat, sport-sog‘lomlashtirish, ijodkorlik, ishlab chiqarish, jamoatchilik va boshqalar)ni tashkil etishni takomillashtirish bo‘yicha uslubiy tavsiyalar ishlab chiqishda va ularni amalga joriy etishda qatnashish; – turli pedagogik, psixologik, didaktik, metodik va ilmiy tadqiqot izlanish va kuzatishlarda, tajriba-sinov ishlarida ishtirok etish, – testlar, test-anketa, suhbatlar savolnomalari, kuzatishlar kartochkalarini tuzish, intervylar o‘tkazish, ularni muhokama hamda tahrir qilishda qatnashish; – fanlar olimpiadalari, ko‘rik-tanlovlari, turli musobaqalarda, ilmiy-metodik anjumanlar va seminarlarda ishtirok etish; – ta’lim muassasasi jamoatchilik tashkilotlari, mahalla, hokimiyatlar vakillari bilan turli xil madaniy, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarda, hasharlarda faol ishtirok etish va boshqalar.

Umuman olganda, bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining mustaqil ijodiy ishlarini muvaffaqiyatli tashkil etishni zamon talablari darajasida yo‘lga qo‘yish uchun quyidagi taklif va tavsiyalarni keltirish mumkin: – Bo‘lajak boshlang‘ich ta’lim o‘qituvchilarini kasbiy pedagogik faoliyatga tayyorlashda mustaqil ijodiy ishlarning turlitumanligi muhim o‘rin tutadi, chunki talabalar tahsil davomida qanchalik turli ijodiy topshiriqlarni bajarsalar, mustaqil pedagogik faoliyatining xilma-xil qirralari tobora oydinlashib boradi. – Talabalarning mustaqil ijodiy faoliyatini tashkil etishda uzlucksizlik, uzviylik va izchilliklar davomiyligiga alohida e’tibor berish zarur. Chunki bunday holatlarda muammoli topshiriqlarni bajarishda “oddiydan murakkabga” va “osondan qiyingga” tamoyillariga rioya qilinsa, maqsadga muvofiqdir. – Talabalarga o‘quv va auditoriyadan tashqari mashg‘ulotlarda, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarda va amaliyotlar davrida bajargan mustaqil ijodiy ishlari namunalari nusxalarini saqlab borishlari tavsiya



etiladi, chunki ulardan mustaqil pedagogik faoliyatda bevosita namunalar, andozalar sifatida foydalanish ham mumkin.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, talabalarni kasbiy ko‘nikma hamda malakalarga ega bo‘lishlarini ta’minlash masalasini samarali hal etilishida mustaqil amaliy ijodiy faoliyatini tashkil etishning shakllariga alohida e’tibor qaratish lozim. Bu esa izlanuvchan ijodiy boshlang‘ich sinf o‘qituvchisini tayyorlash muammosini yengillashtirishga yordam beradi.

### Foydalaniłgan adabiyotlar:

1. Jurayev Z. H., Tolipov O‘., Sharipov Sh.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirishning ilmiy-pedagogik asoslari. — T.: Fan, 2004, 120-b.
2. Haydarov I. O. Uzluksiz kasb-hunarga yo‘naltirishning maqsadi, vazifalari, metod va vositalari. // “Maktab va hayot” jurnali, 2012 y., № 7–8, 5–6-betlar.
3. Пронина Е. Н., Лукашевич. В. В. Психология и педагогика. Учебник для студентов вузов. — М.: Элит, 2004.



UO'K 372.412

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QITISHNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH USULLARI

**Hadjiyeva Muyassar Ro'zumovna**-Xorazm viloyati Hazorasp tumani 49-sonli  
maktabning boshlang'ich ta'lif fani o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Ta'lifni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish yo'llari izlanmoqda, ta'limda yangi axborot texnologiyalarni joriy etish masalasi ommalashmoqda. Bu esa o'qituvchilarning o'z mehnati faoliyatiga yangicha yondashuvini talab etadi. O'quv jarayonida yangi texnologiyalarning joriy etilishi, o'qituvchini texnikaviy vositalar tomonidan siqib chiqarilishiga emas, balki o'qituvchining vazifalari va rolini o'zgartiradi.

**Kalit so'zlar:** kontseptsiya, texnologiya, pedagog, innovatsion, motivizatsiya, ko'nikma, metod, vosita, mantiqiy, g'oya, kommunikativ.

УДК 372.412

## МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБУЧЕНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

**Хаджиева Муяссар Розумовна** -учитель начальных классов школы №49  
Хазораспского района Хорезмской области

**Аннотация:** Ищутся пути развития образования и повышения его эффективности, набирает популярность внедрение новых информационных технологий в образовании. Это требует от учителей нового подхода к своей работе. Внедрение новых технологий в учебный процесс меняет задачи и роли учителя, чтобы не давить учителя техническими средствами.

**Ключевые слова:** концепция, технология, педагог, инновация, мотивация, умение, метод, инструмент, логика, идея, коммуникативное.



UDC372.412

## METHODS OF USING MODERN TEACHING TECHNOLOGIES IN PRIMARY SCHOOL

**Abstract:** Ways of developing education and increasing its efficiency are being sought, the introduction of new information technologies in education is gaining popularity. This requires teachers to take a new approach to their work. The introduction of new technologies into the educational process changes the tasks and roles of the teacher so as not to pressure the teacher with technical means.

**Key words:** concept, technology, teacher, innovation, motivation, skill, method, tool, logic, idea, communicative.

Zamonaviy o'qituvchi kelajak bunyodkori, yangi pedagogik texnologiyalar, nazariyalar, kontseptsiyalarning muallifi, ishlab chiqaruvchisi, tadqiqotchisi, foydalanuvchisi va targ'ibotchisidir.

Zamonaviy o'qituvchi tomonidan o'quv jarayonining tashkil etilishi jarayonida dars mazmunidagi asosiy ma'lumotlar va o'quv materiali shunday taqdim etilishi kerakki, u o'quvchining vizual idrok qilish qobiliyatini osonlashtirsin. Zero o'qituvchi ta'lim islohotining bosh ijrochisidir. Bunda har bir o'qituvchini qisqa vaqt ichida juda katta miqdordagi axborot to'plamini o'zlashtirish, qayta ishlash va amalda qo'llay olishga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Uni hal qilishda o'qituvchiga o'qitishning an'anaviy usullari bilan birga zamonaviy axborot texnologiyalari, jumladan, kompyuterlardan foydalanish yordam beradi.

Innovatsion ta'lim texnologiyalarini majburan qo'llash orqali maqsadga erishib bo'lmaydi. Aksincha, tajribali pedagoglar tomonidan asoslangan yoki ular tomonidan qo'llanilayotgan ilg'or texnologiyalardan foydalanish bilan birga ularni ijodiy rivojlantirish maqsadga muvofiqdir. Innovatsion pedagogik texnologiyalar bog'chada bolaning rivojlanishida ijobjiy o'zgarishiga olib keladi, bunda idrok etish, hissiy motivizatsiya



jarayonida ular bolaning xarakteriga ta'sir ko'rsatadi, bu vaqtda ta'lism oluvchini idrok etishga qiziqishi kuchayadi.

Innovatsion texnologiyalaridan foydalanish ta'lism oluvchining o'quv jarayonida mustaqil ishlash, o'z-o'zini tarbiyalash, o'z-o'zini o'qitish, o'z faolligini oshirish, o'zi mustaqil qaror qabul qilish ko'nikmalarini shakllantiradi. Bundan ko'rinish turibdiki, o'qitishning yangi pedagogik texnologiyalari qatoriga kompyuter texnologiyasini kiritish zarurati kundan-kunga oshib bormoqda. Biroq ta'lism jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda darslarni tashkil etish uchun kerakli shart-sharoitlar va texnik vositalar mavjud bo'lishi lozim.

Ta'lism-tarbiya jarayonidagi innovatsiyalar, ilg'or pedagogik texnologiyalar, yangiliklar, dars o'tishning interfaol usullari o'z-o'zidan ta'limga kirib kelmaydi. Demak, o'qituvchidan bilim, ijodiy mehnat va kasb mahorati talab qilinadi. Chunki o'qituvchi faoliyati yangilanmasa ta'limda samaradorlikka erishib bo'lmaydi. O'qituvchi tomonidan bolalarni ijodiy izlanish, faollik, erkin fikr yuritishga yo'naltiruvchi ta'lism shakli, metod va vositalarining to'g'ri tanlanishi darslarning qiziqarli, bahs-munozaralarga boy bo'lishi, ijodiy tortishuvlarning yuzaga kelishiga turtki beradi. Mana shu holatdagina bolalar tashabbusni o'z qo'llariga oladilar, o'qituv-chining zimmasida esa ularning foliyatini ma'lum yo'nalishga solib yuborish, umumiyl faoliyatni nazorat qilish, murakkab vaziyatlarda yo'l-yo'riq ko'rsatish, maslahatlar berish hamda ular faoliyatini baholash kabi vazifalar qoladi. Berilayotgan bilim oddiygina xotira yordamida emas balki, bolaning o'z fikrlash sa'y-harakatlari bilan egallangandagina mustahkamlanadi. Bolaning erkin fikrlash, ayniqsa tasavvur etish, faraz qila olish qobiliyatini rivojlantirish, ko'nikma va malakalarni vujudga keltirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun har bir o'qituvchi o'z darslarida bolalarga chuqur bilim berishi uchun axborot va pedagogik texnologiyalar, innovatsion metodlardan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Darslar o'tishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash natijasida samarali natjalarga erishadi. Bugungi kunda boshlang'ich ta'limda innovatsion texnologiyalardan foydalanishga alohida e'tibor berilayotganining asosiy sababi quyidagilardir:



Birinchidan, innovatsion texnologiyalarda shaxsni rivojlantiruvchi ta'limga amalga oshirish imkoniyatining kengligida.

Ikkinchidan, innovatsion texnologiyalar o'quv-tarbiya jarayoniga tizimli faoliyat yondashuvini keng joriy etish imkoniyatini beradi.

Uchinchidan, innovatsion texnologiya o'qituvchini ta'limg-tarbiya jarayonining maqsadlaridan boshlab, tashxis tizimini tuzish va bu jarayon kechishini nazorat qilishgacha bo'lgan texnologik zanjirni oldindan loyihalashtirib olishga undaydi.

To'rtinchidan, innovatsion texnologiya yangi vositalar va axborot usullarini qo'llashga asoslanganligi sababli, ularning qo'llanilishi «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini amalga oshirishni ta'minlaydi.har qanday innovatsion texnologiyaning o'quv-tarbiya jarayonida qo'llanilishi shaxsiy harakterdan kelib chiqqan holda, bolani kim o'qitayotganligi va o'qituvchi kimni tarbiyalayotganiga bog'liq.

Innovatsion texnologiya asosida o'tkaziladigan mashg'ulotlar bolalarning muhim hayotiy yutuq va muammolariga o'z munosabatlarini bildirishlariga intilishlarini qondirib, ularni fikrlashga, o'z nuqtai nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi. Shuning uchun ham ta'limg muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o'qitish uslublari interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir.Innovatsion texnologiya va ularning ta'limga qo'llanilishiga oid bilimlar, tajriba bolalarni bilimli va yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi. Shu bilan birga ta'limg-tarbiya jarayonlarida yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashda allomalarimizning g'oya va qarashlaridan foydalanish o'quvchi-talabalarni o'qitish va tarbiyalashni yanada sam\*arali bo'lishiga olib keladi.

Ta'limgning maqsadi jamiyat ehtiyojiga mos ravishda shakllanadi. Shunday ekan, ta'limg-tarbiya maqsadi mos va mutanosib bo'lishi kerak. Ilmiy adabiyotlarda ta'limgning maqsadi imkoniyatlaridan to'g'ri, aniq, o'rini foydalanish ko'nikma va malakalarini hosil qilish, mantiqiy-ijodiy tafakkurni rivojlantirish, kommunikativ savodxonlikni oshirish, milliy g'oyani singdirish, sharqona tarbiyani shakllantirish, shaxsni ma'naviy boyitishdan



iboratligi ta'kidlangan. Ta'limi maqsad asosida o'quvchilarda mustaqil fikrlash, og'zaki va yozma savodxonlikni oshirish, mantiqiy tafakkurni rivojlantirish orqali ularning muloqot madaniyati takomillashtiriladi. Tarbiyaviy maqsad esa ma'naviy, g'oyaviy, nafosat tarbiyasi beriladi. Til o'rghanish jarayonida xalqning madaniy-axloqiy qadriyatlariga yaqinlashtirish imkonini paydo bo'ladi.

Ulug' donishmandlardan biri «... kelajak tashvishi bilan yashasang, farzandlaringga yaxshi bilim ber, o'qit», degan ekan. Yurtimizda ta'lism-tarbiya tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar haqiqiy ma'noda bir-ikki yillik yoki qisqa davrda samaraga erishishga qaratilgan ish emas, balki chin ma'noda bir necha yuz yillarga tatiydigan o'zgarish bo'ldi, desak xato bo'lmaydi. Bu prezidentimizning kelajagimiz, kelajak avlodimiz haqida qayg'urib, yurtimizning barcha farzandlari – mening farzandlarim, ular bizlardan ko'ra kuchli, bilimli va albatta baxtli bo'lishlari kerak, degan g'oyasi zamirida donishmandlarcha siyosat yotganini ko'rsatadi.

Hozirgi kunda ta'lism jarayonida interfaol metodlar va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lган qiziqish kundan-kunga ortib bormoqda. Bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish esa ularni egallayotgan bilimlarini o'zлari qidirib topish, mustaqil o'rghanish va fikrlash, tahlil qilish, hatto yakuniy xulosalarni ham o'zлari keltirib chiqarishga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxs rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funktsiyasini bajaradi. Bugungi kunda ta'limda «Aqliy hujum», «Fikrlar hujumi», «Tarmoqlar» metodi, «Sinkveyn», «BBB», «Beshinchisi ortiqcha», «6x6x6», «Bahs-munozara», «Rolli o'yin», FSMU, «Kichik guruhlarda ishlash», «Yumaloqlangan qor», «Zigzag», «Oxirgi so'zni men aytay» kabi zamonaviy texnologiyalar qo'llanmoqda.

Dars mashg'ulotlarida o'yin-topshiriqlarni takrorlash yoki mustahkamlash darslarida foydalanilsa ijobiy natija beradi. O'yin-topshiriqning qaysi bir turini tanlash darsning turiga, sinf o'quvchilarining o'yin-topshiriqlarni bajarishga o'rgatilganlik darjasini, ularning bilim



saviyasi, mustaqil ijodiy ishlash imkoniyatlari, o'rganilganlarni xotirada tez tiklay olishi, ijodkorlikning qay darajada shakllanganiga ham bog'liq bo'lishi kerak.

Ta'linda o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgalar fikrini anglash va shu fikrni og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon eta olishga o'rgatish masalasiga e'tibor qaratilgan bo'lib, mustaqil fikrlaydigan, nutq madaniyati rivojlangan savodxon shaxsni kamol toptirish asosiy o'rin egallaydi. Millatning turmush tarzi, madaniy yaratuvchanligi uning boy tarixiy merosi asosida o'rganiladi.

Bugungi kun o'qituvchidan ilg'or pedagogik va yangi axborotlar texnologiyalaridan o'quv jarayonida foydalanishni talab etmoqda. Yuqoridagilardan kelib chiqib, tajribalarimiz asosida dars mashg'ulotlarida interfaol metodlarni qo'llash orqali ta'lim-tarbiya berish yo'llariga doir fikrlarimizni bayon etamiz. O'yaymizki, u o'quv mashg'ulotlari samaradorligini oshirishda hamkasblarimizga amaliy yordam beradi. Shuningdek, o'quvchilarni o'z yo'nalishini tanlash va mustaqil hayotga tayyorgarlik ko'nikmalarini shakllantirishdek mas'uliyatli vazifani bajarishda ularning yaqin ko'makchilardan biriga aylanadi. Quyida sinflar kesimida ayrim mavzular asosida o'qitishning zamonaviy usullarini tatbiq etish bo'yicha tavsiyalar beramiz. Siz undan ijodiy yondashgan holda foydalanasiz va birinchi prezidentimizning: «Har qarichi muqaddas bo'lган ona yerimizга nisbatan farzandlarimizда г'урур ваiftixor, sadoqat tuyg'ularini uyg'otish uchun biz bugun nima qilyapmiz, degan savolga javob izlab ko'raylik»[1], - degan fikrlariga javoban ta'lim va tarbiya berishning zamonaviy usullarini tatbiq etish orqali ko'zlangan maqsadga erishishga o'z hissangizni qo'shasiz degan umiddamiz.

Boshlang'ich sinflarda interfaol metodlar va ta'limiy o'yinlardan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, ijodiy izlanish va mantiqiy fikrlash doiralarini kengaytirish bilan birga ularni darslarda o'rganganlarini hayot bilan bog'lashga, qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. O'qituvchilarning bunday zamonaviy talablar asosida yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanib, darslarni ilg'or pedagogik hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etilishi ta'lim-tarbiya jarayonini sifatini kafolatlaydi.



Xulosa qilib aytganda, ta'limiy o'yinlarga qo'yiladigan asosiy talablar quyidagilardan iborat:

- ✓ Ta'limiy o'yinlar o'quvchilar yoshiga mos bo'lishi kerak;
- ✓ O'yinlar o'tilayotgan mavzu mazmun-mohiyatiga mutanosib bo'lishi lozim;
- ✓ Ta'limiy o'yinlarni o'tkazish vaqtি aniq belgilanishi shart;
- ✓ Ta'limiy o'yinlar ham ta'limiy, ham tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lishi kerak;
- ✓ Ta'limiy o'yinlarning o'tkazilish maqsadi, ahamiyati belgilanishi lozim.

Yuqoridagi talablarga amal qilingandagina dars samaradorligi ortadi va zamonaviy texnologiyalar ta'lim samaradorligiga xizmat qiladi. Yangicha fikrlash, o'z fikriga ega, bozor sharoitlarida muvaffaqiyatli ish yuritadigan, yuksak malakali, chuqur bilimli yoshlarni tarbiyalash yumushi o'qituvchilarning innovatsion faoliyatni jadallashtirish samarasi o'laroq rivojlanadi

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati/ References

1. R. Ergashev. Bo'lajak o'qituvchi shaxsida yestetik madaniyatni shakllantirish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. — T., «O'qituvchi», 2017
2. R. Ergashev, X.Sanaqulov. Pedagogik diagnostika. O'quv-uslubiy qo'llanma. — T., TDPU, 2014
3. Q. Raximov. Matematika o'qitish metodikasi. O'quv-uslubiy qo'llanma. — T.: 2016.



## MNEMONIKA - ESLAB QOLISH SAN'ATI

Ermatov Muxriddin Murtozaqulovich

GulDU, Ishlab chiqarish texnologiyalari  
fakulteti, 4-kurs talabasi

**Annotatsiya:** maqolada eslab qolish san'ati bo'lgan mnemonika va uning ahamiyati haqida ma'lumotlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** kuchli xotira, mnemonika, fikrlash jarayoni, xotira, obrazli tafakkur.

Xotira inson miyasining asosiy funksiyalaridan biri hisoblanadi. Uning yordamida qilinajak ishlarimizni, rejalarimizni, umuman, ko'plab axborotlarni yodda saqlab qolish imkoniyatiga egamiz.

Aslida kuchli xotiraga ega bo'lishni istamaydigan kishining o'zi topilmasa kerak. Xotirani mustahkamlash borasidagi mashg'ulotlar bilan muntazam shug'ullanilsa, tasavvur kengayib, eslab qolish qobiliyati ham oshib boraveradi. Darvoqe, inson muvaffaqiyatlarining kaliti deganda, xotiraga urg'u bersak, nazarimda, mubolag'a bo'lmaydi.

Nima uchun yoshlar o'rtaida xotira sustligi juda ko'p uchramoqda? Ehtimol, ular birovlarga xotirasi yomonligidan shikoyat qilar. Aslida esa, ularda xotira emas, balki kuzatuvchanlik juda yomon.

Mnemotexnika so'zi grekcha „xotira va eslash) va san'at” so'zlaridan olingan bo'lib, xotirani san'at darajasiga ko'tarish ma'nosini beradi. Mnemotexnika tushunchasi greklarning xotira ilohasi Mnemosyne nomidan olingan. Sh.Rahmonov va I.Sattiboyevlar o'zlarining “So'z yodlash sirlari” nomli kitoblarida mnemonikaga “...o'xshashlik va bog'liqlik asosida xotira hajmiga kengaytirish va kerakli ma'lumotlarni eslab qolish uchun ishlab chiqilgan maxsus uslublar to'plamidir. Bunda yangi noma'lum bo'lgan tushunchalar inson ongida allaqachon ma'lum bo'lgan ma'lumotlar bilan bog'lanadi va natijada yangi ma'lumotni eslab qolish osonlashadi.” deb ta'rif beradilar.

Mnemotexnikalar eslash va yodda saqlash uchun yordamchi vositalar hisoblanib, o'rganilayotgan yoki o'rganilgan ma'lumotlarni xotirada uzoq saqlash hamda o'rganilayotgan narsani tezroq yodga tushirishga yordam beradi. Mnemotexnikalar



o'rganilishi lozim bo'lgan ma'lumotlarni xotiramizda mavjud bo'lgan ma'lumotlarimizga assotsatsiya qilish, oddiy so`zlarga aylantirish yoki rasmlar, eslab qolish usullari yordamida tez yodga tushirish texnikasidir.

Xotira san'atining o'ylab topilishi miloddan avvalgi 556-468-yillarga borib taqaladi. Ushbu davrda xotira san'ati haqidagi ma'lumotlar notiq Cicero va lirk shoir Simonides von Keosning qarashlarida paydo bo`ladi. Cicero o`zining mnemonikaga bag`ishlangan asarida bu texnikani joy va rasmlar bilan bog`lab tasvirlaydi. Simonides esa o`z texnikasining asosi sifatida narsalar hamda g`oyalarni unga bog`liq bo`lgan hudud va joylar bilan bog`lash orqali xotirada saqlashni tushuntiradi. Xatto Simonidesning “Loci” metodi bilan bog`laydigan anekdot ham mavjud bo`lib, anekdotda Simonidesning bayramona kechki ovqatga taklif qilingani, lekin bazmning fojiyaviy yakun topgani haqida gap boradi. Bayram kechasi barcha mehmonlarni uy qulab bosib qoladi, ularni ichida faqat Simonidesgagina tirik qolish nasib etadi. Keyinchalik Simonides o`lganlarning o`tirgan joylarini ko`z oldiga keltiradi. Chunki u barchaning qayerda o`tirganini eslab qolgan bo`ladi. Shundan so`ng uning qarashlari natijasida mnemotexnikada „Loci“ metodi yuzaga keladi. „Loci“ so`zi grekcha „lokation“ so`zidan olingan bo`lib, „joylashish“ degan ma`noni bildiradi. Bu xotira san'ati antik davr Rim notiqligiga tegishli bo`lib, chunki bu davrda Rimda notiqlik san'ati juda rivojlangan edi. Notiqlar esa xotiralarini kuchaytirishga muhtoj edilar.

Simonidesdan so`ng mnemotexnikaga murojaat qilgan antik davr olimlari qatoriga Hippias (mil.av. 5 asr) va Aristotel(mil.av. 384-322 yillar)larni misol qilib keltirish mumkin. Rimda notiqlik gullagan davrini bevosita mnemotexnikaning ham gullagan davri deb ko`rsatish mumkin. Mnemotexnika notiqlik san'ati darslari doirasida o`rgatilgan va ko`pincha sud nutqlarida qo`llanilgan. Keyinchalik mnemotexnika unutila borgan.

XII asrga qadar mnemotexnika deyarli unutib yuborilgan edi. Uning qayta yuzaga kelishida noma'lum muallif tomonidan yozilgan “Ad Herennium” nomli asar alohida ahamiyatga ega hisoblanadi. Shu paytdan boshlab mnemonika yana notiqlikning bir qismi sifatida o`qitila boshlandi.

XV asrga kelib esa antik davrdagi mnemotexnika yana rivojlantirila boshlandi. Avvallari asosan “loki” metodidan foydalanilgan bo`lsa, bu davrga kelib uning yoniga



assotsatsiyaga asoslangan yordamchi vositalar, hayvon yoki inson tanasidan foydalanish ham boshlandi. Harflar va sonlar bilan ma'lumotlarni bog`lash usullari paydo bo`la boshladi.

XVII asrdan keyin esa mnemotexnikaning mashhurligi yana pasaya boshladi. Faqatgina XX asrning ikkinchi yarmiga kelibgina, yana qayta yuzaga chiqo boshladi. Bu davrga kelib, mnemotexnikaning doirasi yanada kengaydi. Uning imkoniyatlari o`rganish psixologiyasi hamda miya tuzilishini o`rganish borasidagi tadqiqotlar doirasidan o`rin olib, avvalgidan ham qiziqroq darajaga ko`tarila boshlandi. Bugungi kunda esa mnemotexnikadan turli o`rganish jarayonlarida, ko`pincha katta hajmdagi va o`zaro bog`lanmagan ma'lumot va faktlarni eslab qolish uchun qo'llanilmoqda. Ayniqsa ularni chet tillarni o`rganishda yordamchi usul sifatida qo'llash doirasi kengayib bormoqda. “...mnemonika uslubi chet tillarni o`rganayotgan o`quvchilar uchun juda qo'l keladi. Zero, bugungi kunga kelib, o`quvchilarining oldida turgan eng katta muammolar – yangi so`zlarning yod olishning zerikarli ekanligi, katta miqdordagi so`zlarni qisqa muddat ichida yod olishga to`g`ri kelishi va allaqachon yodlangan so`zlarning xotirada uzoq muddat saqlanmasligidir.”

Nemis tilidagi asarlar orasida H.Shperberning „Mnemotechniken im Fremdsprachenerwerb“ asari mashhur bo`lib, bu asarda ham mnemotexnikaning tarixi haqida shunga yaqin fikrlarni bildiradi: Mnemotexnikadan odatda siyosatchilar o`z nutqlarida, aktyorlar uzun monologlarida foydalanganlar. Aristotelning xabar berishicha, notiq va tragediya shoiri Teodektes mnemotexnikadan ko`p foydalangan. O`rta asrlarda Rim imperiyasi ikkiga bo`linib ketganidan keyin, mnemotexnika haqida umuman unutib yuborilgan. VIII asrda yana paydo bo`la boshladi, lekin o`rganish sohasiga kirib kelmadidi. XII asrda mnemotexnikaning antik manbalari yana balqib chiqo boshladi. Aristotelning xotira nazariyasi Albertus magnus hamda uning shogirdi Tomas von Aquin tomonidan etik-diniy sohaga moslashtirildi. XV asrga kelib mnemotexnikalarni rasmlar, ta`na a`zolari va alifboni vizuallashtirish orqali qo'llana boshlandi. XVII asrdagi reformatsiyadan keyin yana bir bor yuqori bosqichga ko`tarildi, professorlar tomonidan keng o`rganila boshlandi. Buning sababi Bibliyani yod olishning oson yo`llarini yaratish edi.



Mnemotexnikalar tizimi antik davrdagidan hech qancha farq qilmasdi. XVIII – XIX asrlarda ulardan foydalanuvchilar doirasi juda tor edi. XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab mnemotexnikalar yana eslab qolishning sevimli vositalariga aylana boshladi va xotiraning empirik tadqiqotlarida asosiy prinsip, aniqlik hamda interaksiya sifatida ko`rsatiladi. Bugungi kunga kelib 2500 yoshdan oshdi va uning rivojlanishiga qaramasdan asosiy prinsiplari o`zgarmadi. Bugungi kunda mnemotexnikalarning qo`llanilishi tushunchani kodlashga aloqador bo`lib, o`rganilayotgan ma'lumot haqida yaxshiroq tasavvur qilishga olib keladi. Bu texnikani ayniqsa chet tilini o`rganish jarayoni ko`p yodlashni talab qiladigan hollarda taklif qilinadi.

Mnemotexnikani yoritishdagi asosiy tushuncha xotira hisoblanadi. Nemis tadqiqotchisi H.Shperber mnemotexnika borasidagi turli nazariyalarni keltirib o`tadi. U Platondan tortib Jon Lokke singari zamonaviy xotira tadqiqotchilariga bo`lgan olimlarning fikrini o`rganib chiqadi. Uning qayd etishicha, Jon Lokke xotirani “bizning g`oyalarimizni saqlovchisi” deb ta’riflaydi.

Bugungi kunda nemis tadqiqotchilari Shiffrin und Atkinsonlarning tadqiqotlari o`quv jarayonini tushunishda mnemotexnikaning katta ahamiyatga ega ekanligi ta'kidlanadi. Ularning tadqiqotida xotiraning 3 turi haqida so`z boradi: ultra qisqa xotira, qisqa xotira hamda uzoq muddatli xotira.

Mnemonikani o`rganish natijasida eslab qolish noqulay bo`lgan axborot qulayroq shaklga aylanadi. Shu qadar qulayki, oddiy yo`l bilan eslab qolish mumkin emasdek tuyulgan katta hajmdagi ma'lumotlarni eslab qolish mumkin. Ammo mnemonikaning foydasi faqat yodlash bilan cheklanmaydi. Undan muntazam foydalanish yoki eslab qolish mashqlarini bajarish kundalik hayotda juda zarur bo`lgan boshqa qobiliyatlarni rivojlantirishga yo`l ochadi:

1. Diqqat. Diqqat va xotira o‘zaro bog‘liq. Tasvirlar orasidagi bog‘lanishlarni kuzatish, ob’ektlarni tasvirlar bilan almashtirish zarurati diqqatingizni mashq qildirishga va amaliy faoliyatga diqqatni jamlash qobiliyatini oshirishga olib keladi.

2. Obrazli tafakkur. Eslab qolish uchun tasvirlar bilan ishlashni boshlaganingizdan so‘ng bir oz o‘tib fikrlash jarayonida o‘sha tasvirlarni ham qo‘llay boshlaysiz. Natijada siz



har qanday vaziyatni tezroq tushuna olasiz, qobiliyatizingiz oshib, ba'zida savollarga javob-echim topishda kamroq vaqt sarflaysiz (oddiy kundalik vaziyatlarda ham, murakkab muammolarni hal qilishda ham). Kuzatsangiz, boshqalar biror narsani tahlil qilishga harakat qilayotgan bir paytda siz allaqachon javobni ko'rasiz.

3. Tasavvur. Abstrakt ob'ektlarni doimo tasvirlar bilan almashtirish hamda ularni bog'lash zarurati tasavvurlardan foydalanish zarurligiga olib keladi. Boshqalarning nazarida yorqin va nostandard ko'ringan masalalar siz uchun echimida oddiy ko'rindi.

4. Mnemonika miyaning ikkala yarim sharini ham ishlatish imkonini beradi. Inson miyasi ikki yarim shardan iborat, har birining o'z vazifalari bor. Chap yarim shar – mantiqiy fikrlash, nutq, o'ng yarim shar – ritm, rang sezish, tasavvur, obrazlar va fazoviy munosabatlar uchun javob beradi. Tabiatan inson faqat bitta yarim shardan ko'proq darajada foydalanadi. Ko'pincha bu chap yarim shardir.

Paydo bo'lgan muammolarni hal qilish uchun mantiqiy usullar qo'llaniladi. Obrazlardan foydalanishda fikrlash jarayonini yanada uyg'unlashtiradi va miya imkoniyatlarini ko'proq qo'llash imkonini beradi. Bu mnemonika keltirishi mumkin bo'lgan foyda, biroq faqat yodlash bilan cheklanmaydi.

Ko'pchilik xotirasi yomonlashayotganiga, ayrim kerakli ma'lumotlarni eslab qola olmayotganiga shikoyat qiladi. Aslida ham shundaymi? Afsus bilan aytish kerakki, aslida xotira emas, balki kuzatuvchanlik qoniqarli emas ekan.

Tomas Edison o'zining 27 nafar laboranti oy davomida har kuni olti lampa sexidan Nyu-Jersi shtatidagi Menlo — parkda joylashgan zavodning bosh binosiga boradigan yo'ldan qatnashni aniqlab oldi. Bu yo'lda gilos daraxti o'sar edi, ammo o'sha 27 kishi bilan savol-javob o'tkazilganida, birortasi ham uning mavjudligini umuman payqamaganligi ma'lum bo'ldi. Bularning barchasi insonlarning kuzatuvchanliklarining yomonligidandir. YOshlar, umuman olganda barcha insonlar uchun ham kuzatish zarur. Bu xotirani yaxshilashning birinchi usuli, desak ham bo'ladi.

Xotirani mustahkamlovchi yana bir asosiy omillardan biri bu ovoz chiqarib o'qishdir. Linkoln ongiga kerakli ma'lumotni aks ettirmoq uchun ikki his-tuyg'u a'zosidan foydalangan. U — "Men qachon ovoz chiqarib o'qisam, fikr ikkita his etish a'zosi orqali



qabul qilinadi. Birinchidan, nimani o'qisam, o'shani ko'raman, ikkinchidan, men uni eshitaman, shuning uchun juda yaxshi eslab qolaman," degan.

"Xarpes" jurnalining sahifalarida shunday yoziladi: "Sanalarni esda saqlash juda mushkul, chunki ular raqamlardan iborat; raqamlar ifodasiz ko'rindi va xotirada mustahkam saqlanmaydi. Ular suratlardan iborat emas, shu bois ko'zga o'rnashib qolmaydi. Suratlar — tasvirlar raqamlarni eslashga yordam beradi. Ular xotirada deyarli hamma narsani saqlab qoladi. Agar bu tasvirni o'zingiz yaratsangiz yanada yaxshi." Demak, keyingi qoida bu tasvirlar orqali ma'lumotni eslab qolishdir.

O'tkir xotira egalari bugun yoshlari orasida ham yo'q emas. Ulardan biri xalqaro xotira sport ustasi Husniddin Ismoilovdir. Biz oddiy telefon raqamlarini bir zumda unutib qo'yayotgan zamonda Husniddin bir soatda 1460 ta, 5 daqiqada 240 ta raqamni eslab qolishga erishdi. U bunday xotiraga qanday erishdi? YUrtdoshimiz bu muvafaqqiyatga mnemonika orqali erishganini aytgan edi. Mnemonika — eslab qolish san'ati. Sun'iy assotsiatsiyalar hosil qilish yo'li bilan esda qolishni osonlashtiruvchi va xotira hajmini kengaytiruvchi usullar tizimi. Bunda biz so'zlarni eslab qolish uchun ularni bosh harflarini birlashtirib, so'z yasab uddalay olishimiz mumkin.

Mnemonika - o'xshashlik va bog'liqlik asosida xotira hajmini kengaytirish va kerakli ma'lumotlarni eslab qolish uchun ishlab chiqilgan maxsus uslublar to'plamidir. Bunda yangi noma'lum bo'lgan tushunchalar inson ongida allaqachon ma'lum bo'lgan ma'lumotlar bilan bog'lanadi va natijada yangi ma'lumotni eslab qolish osonlashadi.

Keling, bir misolni ko'rib chiqamiz: yilning qaysi oylari 31 kun, va qaysilari 30 kun ekanligi har doim ham insonning yodida turavermaydi. Bu dalilni biz quyidagi inglizcha she'r yordamida osonlik bilan o'rganib olishimiz mumkin.

Bundan tashqari mnemonika jism yoki tushunchalarni vizualizatsiya qilish (ularni manzara shaklida tasavvur qilish) ma'nosida ham ishlatiladi. Yangi ma'lumotni ko'rgazmali tarzda tasavvur qilish uni eslab qolishni osonlashtiradi.

Bolaligida Abu Ali ibn Sino onasidan «Nega osmon oldin katakchalardan iborat edi-yu, hozir o'sha katakchalar yo'q?» deb so'rangan ekan. Bunday deb so'rashiga sabab go'dakligida onasi har xil hasharotlardan saqlash maqsadida uning yuzini elak bilan yopib



qo‘yar ekan. Keyinchalik o‘sha manzarani bo‘lg‘usi tabib kuchli xotirasi yordamida eslay bilgan.

Haqiqatan ham, xotiraning imkoniyatlari juda keng. Inson 20 mingdan 100 minggacha so‘zni eslab qolish imkoniyatiga ega. Masalan, mashhur kompyuter dasturchisi Bill Geyts minglab kodlarni yoddan biladi, deyiladi. Sarkarda Aleksandr Makedonskiy (Iskandar Zulqarnay) esa, askarlarini nomma-nom sanab bergani haqida rivoyatlar bor.

Inson xotirasi ko‘p omillarga bog‘liq ekanini ham unutmaslik lozim. Kimdir ko‘rganini, kimdir eshitganini yaxshiroq eslab qoladi. Inson xotirasida qiziqqan narsasi tezroq o‘rnashadi. Ba’zida ma’lum hissiy kechinmalar unutilgan voqealarni qayta jonlantirishi ham mumkin. Hatto til o‘rganishga qobiliyati yo‘q deyilgan kishilar o‘zga mamlakatga tushib qolganida, xotiralarida yangi qirralar kashf etilgani ham tajribada o‘z isbotini topgan.

YOshi qirqdan oshganlar gap orasida «Xotira chatoqda, qarichilik endi» deb, qo‘shib ketishi odatiy hol. Aslida bunday emas. Bunday bahonaga tayanadiganlar ko‘pincha faol o‘rganish davri tugaganidan keyin ishtiyoqni yo‘qotadi va xotirani zo‘r berib ishlatmasligi natijasida shu ko‘yga tushadi... Xotirani charxlash kundalik ishiga aylanib qolgan, yoshi etmishta etgan aktyorlar butun boshli matnlarni qiyalmasdan yodlay olishi barchaga ma’lum. Germaniya va AQSH kabi bir qator mamlakatlarda nafaqaga chiqqandan keyin talabaga aylanadigan qariyalar ko‘plab topiladi. Ular odatda ijtimoiy-gumanitar fakultetlarga o‘qishga kiradi va yosh hamkurslari bilan baravar mashg‘ulotlarni o‘zlashtirib, imtihonlar topshiradi. Demak, xotira zaiflashuviga yoshni sabab qilib ko‘rsatish asossizdir, ya’ni bu shunchaki bahona.

«Beshikdan to qabrgacha ilm izla» deganlaridek, xotirani rivojlantirish mumkin bo‘lgan usullardan biri bu doimo yangi narsani o‘rganishdir. Buni ko‘plab tadqiqotlar natija sifatida ko‘rsatyapti. Oddiygina misol, agar siz ingliz tilini o‘rganayotgan bo‘lsangiz, buni to‘xtatmasdan, doimiy tarzda davom ettirishingiz zarur. Inglizchasiga aytganda, bu fikrni «Use it or Lose it», ya’ni «Ishlat yoki yo‘qot» degan tamoyil bilan xulosalash mumkin.

Jahonning taniqli ingliz yozuvchisi va ta’lim maslahatchisi Toni Byuzen miya, ruhiy aql, xotira, ijodkorlik va o‘qish tezligi bo‘yicha 100 dan ortiq kitob muallifidir. Jumladan,



olimni mashhurlik cho‘qqisiga olib chiqqan ayrim bestseller kitoblari bilan tanishtirib o‘tamiz:

- «Ispolzuyte obe storoni svoego mozga» («Miyangizning ikki tomonidan foydalaning»)
- «Ispolzuy svoyu golovu» («O‘z kallangdan foydalangan»)
- «Speed Reading» («Kitobni tez suratda o‘qish»)
- «Ovladey svoey pamyatyu» («O‘z xotirangni qo‘llay ol»)
- «Mentalnaya karta-kniga» («Aql xarita kitobi»)

E’tiborlisi, uning kitoblari 100 dan ortiq mamlakatlarda nashr etilib, qariyb 30 xil tilga tarjima qilingan. Birgina «Ispolzuy obe storoni svoego mozga» kitobidan dunyoga dong‘i ketgan IBM, General Motors kompaniyalari tomonidan xodimlarni malakasini oshirish maqsadida samarali foydalanilgan. Ta’kidlash lozimki, Toni Byuzen o‘zi bunyod etgan «biznes imperiyasi» orqali ko‘plab kitoblarni sotib, bestseller (eng ko‘p kitob sotgan) – muallifga aylangan, kitoblaridan keladigan gonorarlar bilan hisoblaganda, u dunyoning multimillionerlari qatoriga kirgan.

Toni Byuzenda inson xotirasi va miyasiga qiziqish uyg‘onishi juda qiziq kechgan ekan. Aytishlaricha, bir kuni universitet imtihonlariga tayyorlanayotgan Toni Byuzen kutubxonaga kiribdi va inson xotirasidan to‘g‘ri foydalanishga oid kitob so‘rabdi. Javoban kutubxonachi uni biologiya bo‘limiga jo‘natibdi. U erdag‘i kitoblar asosan miyaning tuzilishi haqida bo‘lgani uchun kutubxonachiga «Menga miyamiz haqida emas, miyamizdan qanday foydalanish to‘g‘risidagi kitob kerak» deya, ta’kidlaydi. Bo‘lajak olim inson tanasining eng zarur bo‘lgan a’zosi miya, ya’ni biz ishlatib turgan «superkompyuter»imiz haqida hech narsa yo‘qligidan taajjublanib, xo‘rsinib qo‘yibdi...

SHu voqeadan so‘ng Toni Byuzen hayotini aynan mana shu sohani rivojiga sarflashni boshlagan ekan. Uzoq muddatli izlanishlardan so‘ng Toni Byuzen akasi bo‘lmish akademik Barri Byuzen ko‘magida ta’lim sohasidagi sezilarli rivojlanishga sababchi bo‘lgan «Mind Mapping», ya’ni «Aql xaritasi» texnikalarini yaratadi. Bugungi kunda ushbu «Aql xaritasi» afzalliklarini tan olib, samarali foydalanayotgan minglab pedagoglar, professor darajasidagi olimlar bor. «Aql xaritasi» texnikasi orqali yodda saqlab qolishning yaxshi tomonlari



shundaki, xarita o‘z ichiga turli ranglar, turfa rasmlar, kerakli bo‘lgan ma’lumotlarning «kalit so‘zlari»ni qamrab oladi. Uning yordamida hattoki butun boshli kitobni yoki bir inson to‘liq tarjimai holini bu xarita yordamida bir varaq qog‘ozga joylash orqali eslab qolish mumkin. O‘z o‘rnida, bu nafaqat yaxshi eslab qolishga, balki miyaning chap va o‘ng qismlarini ranglar va rasmlar orqali bir me’yorda ishlashiga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, yuksak xotiraga ega bo‘lish uddalab bo‘lmash emas. Aslida u juda oson: kuzatuvchanlik, diqqatni jamlashni o‘rganish, sanalarni yodda saqlab qolish uchun suratlar bilan bog‘lanish, ismni esda saqlash uchun uning ma’nosini bilish, qanday yozilishiga e’tibor berish, darsliklarni qayta-qayta takrorlash orqali esda qoldirish va albatta mnemonika — esda saqlab qolish san’ati kabi yo‘llardan iborat.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Kozarenko V.A. Uchebnik mnemotexniki. Sistema zapominaniya «Djordano» – M., 2017.
2. Blum F., Leyzerson A., Xofstedter L. Mozg, razum i povedenie. M.: Mir, 2018.
3. Rahmonov SH. Mukammal xotira. – T.: YAngi asr avlod, 2014.



## Маъмурий суд ишларини юритишида “Суднинг фаол иштироки”ни таъминлаш суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг демократик белгиси

Уринбоева Дилноза Усмон қизи,

Тошкент шаҳар маъмурий судининг

судья катта ёрдамчиси

+99890-323-25-93

E-mail: [dilnozaurinboyeva10@gmail.com](mailto:dilnozaurinboyeva10@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада маъмурий суд ишларини юритишида бевосита суднинг ўз ташаббуси билан далилларни йифиши масаласи, “суднинг фаол иштироки” тушунчасининг мазмун-моҳияти, тарафларнинг юритилаётган маъмурий иш юзасидан имконият доирасида далилларни тақдим қилиши, давлат органларининг халқ ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиши, шунингдек, хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқ нормаларида “суднинг фаол иштироки” принципининг қўлланилиши ҳақидаги масалалар қиёсий таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, суд мажлиси иштирокчиларининг “актив ва пассив” ҳаракати масалалари ёритиб берилган. Мақолада мавзуга доир ҳолатлар таҳлил қилинган бўлиб, ечим учун таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий процессуал қонунчилик, суднинг фаол иштироки, судьянинг ўз ташаббуси, далилларни тақдим қилиш, тенглик ва тортишувлик.

**Аннотация:** В статье анализируются содержание и значение принципа активной роли суда, оказывающего влияние на процедуру доказывания, его соотношение с принципом состязательности и равноправия сторон, а также опыт зарубежных стран.

**Ключевые слова:** административное процессуальное законодательство, доказывание, активная роль суда.

**Annotation:** The article analyzes the content and significance of the principle of the active role of the court, which has an impact on the procedure of proof, its ratio with the principle of adversarial proceedings and equality of parties and the experience of foreign countries.

**Key words:** administrative processual legislation, proof, active role of the court.

Ҳозирги кунда мамлакатда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд ишларини юритилишини таомиллаштириш, фуқаролар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад давлат органлари, шу



жумладан, суд ҳокимиятининг халқ ва унинг манфаатлари учун хизмат қилишини таъминлаш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини оширишдир.

Шахс ва жамият, фуқаро ҳамда давлат ўртасидаги муносабатларда суд органлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, янги Ўзбекистонда суд органлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланади.

Фикримизнинг далили сифатида, 2017 йил 1 июндан ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор маъмурий судлар ташкил қилинганини келтириш мумкин. Маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўришга ваколатли бўлиб, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қиласди.

Бугунги ислохотлар тенденцияси талаб ва эҳтиёjlари, маъмурий судлар фаолиятини ҳам миллий ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Маълумки, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Харакатлар стратегиясидан-Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида 2022-2026 йилларга мўллжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Юқоридаги дастурда мамлакатимизни ривожлантиришнинг еттига устувор йўналишлари белгилаб олиниб, ҳар бир йўналиш доирасида қатор вазифалар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг II йўналиши - Малакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, деб номланди. Ушбу йўналишдаги муҳим стратегик аҳамиятга эга вазифалардан бири- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборатдир. Бу вазифа қўйидагилар орқали амалга оширилади:

- маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини кўллаш соҳасини кенгайтириш лозим;
- суд мажлисларида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш;
- суд тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар қабул қилиш ва ваколатли



судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш;

- суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш.
- низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш.
- суд ҳокимииятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш.
- судьялр корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидағи раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш.
- Суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориши<sup>38</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 29 январда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши маъмурий судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлди.

Мазкур қарорда белгиланган масалалар маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг маъмурий судларга бўлган ишончини янада оширишга мустаҳкам замин яратади.

Қарорда маъмурий суд ишларини юритишини “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш вазифаси белгиланди. Бу фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлайди.

<sup>38</sup> Бержель Ж.-Л. Общая теория права. М., 2000. С. 560.



Бунда маъмурий суд судьяларининг “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида ишлаши низоларни кўриб чиқаётган судьяга алоҳида вазифа юклайди.

Ушбу тамойилнинг амалиётга татбиқ қилиниши қатор қийинчиликларга олиб келади, назаримизда. Хорижий мамлакатларнинг маъмурий судда иш юритувида бу жараён қандай кечганини ўрганиш лозим.

Хусусан, 2021 йил 1 июлдан Қозоғистон Республикасининг маъмурий процессуал кодексининг қабул қилиниши мамлакатнинг суд ҳокимияти тизимида маъмурий юстициянинг бир қатор муаммоларига олиб келди. Демак, суднинг фаол роли принципининг туб моҳияти нимани англатади?

Тортишувчанлик тамойилида фуқаролик судларида асосий актив ролни суд мажлисидаги тарафлар (адвокатлар, юридик консультантлар) олиб боради, суд эса иш юзасидан аниқ фактни аниқлаб, қарор чиқаради, холос.

Тергов процессларида судья тергов босқичларини назорат қиласи ва далилларни текширади, яъни ҳамма процедураларда судья марказий фигура хисобланади.

Баъзи ҳолларда тарафлар ўртасида тенглик бузилиши мумкин, тарафлардан бири иш юритув хужжатлари ва далиллар билан устунлик қилиб қолади. Ана шундай вазиятларда тарафларнинг тенглигини бир хилда сақлаб туриш ваколати судьяларда бўлиши лозим. Шундагина суд процессининг шикоят беришдан ториб,adolatli қабул қилишгacha бўлган барча босқичларида энг асосий ролни судьялар ўйнайди<sup>39</sup>.

Тўғри, Қозоғистон Республикаси Констиуциясининг 14 моддасига биноан, ҳамма қонун олдида тенгдир. Бироқ мавзуумиз доирасидаги “тенглик” суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий имкониятлари борасида кетмоқда. Бу демакки, судьяларда шундай ташаббус бўлиши керакки, улар маъмурий иш юритувига келиб тушган иш юзасидан ўzlари ҳар қандай далил ва кўрсатмаларни йигиши зарур.

Қозоғистон Маъмурий процессуал кодексининг 16-моддаси судларининг фаол иштирокини қуидаги 3 босқич орқали ифодалайди:

- 1) ҳар иккала тараф ҳимоясини таъминлаш, барча фактик ҳолатларни тўлиқ тадқиқ қилиш, маъмурий ишни тўғри ва холис муҳокама қилиш учун зарурий билимга эга бўлиш, суд мажлисида тарафлар учун ҳар қандай тушунтиришларни, ариза ва илтимосномаларда чекловлар кўймаслик;

<sup>39</sup> Административно-процессуальный кодекс: концепция, модельный закон и комментирование. С.151-152.



- 2) маъмурий судларда кўрилаётган иш юзасидан хукуқий асосланган дастлабки фикрларини билдириш учун имконият яратиш;
- 3) маъмурий судларда шахсан ўзи иш бўйича қўшимча материаллар ва далиллар йифиш имкониятини кенгайтириш.

Демак, Қозогистон давлати қонунчилиги “суднинг фаол иштироки”ни тарафларнинг суд процессида максимал даражадаги эркинлиги билан баҳолайди.

Ривожланган Германия давлатининг маъмурий судларида “кутилмаган қарорлар” қабул қилиш қоидаси ўрнатилган. Бунда суднинг қарори фақатгина тарафларнинг берган кўрсатма ва тушунтиришларигагина асосланиб қолмасдан, балки суд томонидан тўпланган материаллар ва далилий ҳужжатлар асосида қабул қилинади<sup>40</sup>.

Германия қонунчилигига мувофиқ, судларнинг фаол иштироки қўйидаги харакатларда намоён бўлади:

- судья маъмурий иш юзасидан жавобгарга ёзма маълумот тақдим этиш учун 10 кунлик муддат беради. Яъни бунда жавобгар тараф иш бўйича барча зарурий ҳужжатлар ҳамда далилларни ёзма равишда судга тақлим қилиши керак. Агар жавобгар белгиланган муддатда сўралган маълумотни тақдим қилмаса, у ҳолда унга жарима қўлланилади ва судья ишни кўрмасдан қолдиради.
- шунингдек, ёзма ёки электрон шаклдаги илтимосномалар, эътиrozлар, тушунтириш ва ишга алоқадор ҳар қандай ҳужжатни тақдим қилиши учун судья тарафларга муддат белгилайди.
- судья маъмурий иш юзасидан тараф ҳисобланмайдиган шахслардан ҳам ишга тегишли материал ва ҳужжатларни олиш мажбуриятига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, Германияда иш юзасидан зарурий барча далилларни ишнинг натижасидан манфаатдор тарафлар эмас, балки ишни кўриб чиқадиган судяънинг ўзи иш материаллари учун тўплайди.

Ривожланган Россия қонунчилигига кўра, ҳар қандай ишда суд суд процесси иштирокчиларининг далилларни йифиш ва судга тақдим қилишларида тенглигини таъминлаши лозим. Лекин бунда мутлақ маънодаги тенглик назарда тутилмаяпти. Йирик корхоналар ва давлат органлари билан боғлиқ низоларда фуқароларнинг ўз позициаларини исботлаш ҳамда тушунтириш учун турли ижтимоий ҳолатларда, ҳар хил вазиятларда бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан бу ҳолда, судлар пассив иштирок этса, давлат органлари ва жисмоний шахслар ўртасидаги тенглик, адолат қоидалари бузилиши мумкин.

<sup>40</sup> Яблочкиков Т. М. Учебник русского гражданского судопроизводства. Ярославль, 1910. 326 с.



Россия давлатида 2015 йилдаёқ маъмурий иш юритуви Кодекси қабул қилинган бўлиб, суднинг фаол иштироки деганда, судьяга мустақил ҳаракат қилиш имкониятини тақдим этиш тушунилади.

Кодекснинг 135 - моддаси 3 - қисми 6 - бандига мувофиқ, суд маъмурий иш юритуvida ўз ташаббусси билан далилларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, суд маъмурий ишга алоқадор ҳар қандай гувоҳни ишга жалб қилишга ҳақли.

Маъмурий супарда иш юритувини фуқаролик ва арбитраж судлари билан солиширадиган бўлсақ, маъмурий судларда ҳар доим иккинчи тараф сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари иштирок этади. Ўз-ўзидан кўринадики, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқароларга нисбатан кўпроқ имкониятларга эга. Албатта бу, тарафларнинг тенглиги, тен ҳуқуқлилиги ва тортишувчанлик принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Россияда маъмурий процедуралар ўрганила бошланган пайтдаёқ, судларга ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш ваколатини бериш масаласи ўртага ташланган эди.

Т.М.Яблочковнинг фикрига кўра, маъмурий ишни кўришда судларга аниқ ўз ташаббуси билан ҳаракат қилиш ваколатини бермас эканмиз, у ҳолда ишда ҳақ бўлган тараф эмас, балки ўз тушунириш ва кўрсатмалари билан устунлик қилган ноҳақ тараф ғалаба қозонаверади<sup>41</sup>.

Суднинг фаол иштироки деганда, судларга бутун суд процессларини мустақил бошқариш ваколатини бериш назарда тутилади. Яъни суд ўз хоҳишига кўра, экспертиза тайинлаши, зарур гувоҳни суд процессига чақириши ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Демак, маъмурий суд ишларини юритишда суднинг фаол иштироки куйидагиларда намоён бўлади:

- 1) судлар томонидан мустақиллик, объективлик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда суд ишларини юритишда суднинг фаол иштироки таъминланади;
- 2) суд маъмурий иш юзасидан тўғри ва оқилона қарор қабул қилиш учун барча зарурий шароитларни яратади ҳамда қонунчиликка биноан чораларни ишлаб чиқади.
- 3) Суд мустақил равишида ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиш, маъмурий иш бўйича адолатли қарор қабул қилиш учун қонун ҳамда қонунчилик нормасини ўз ихтиёри бўйича қўллаш ваколатига эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, суд иш юритуvida суднинг фаол иштирокини таъминлаш ўз-ўзидан тарафларнинг ортиқча оворагарчиликларини олдини олиш, имкон қадар фуқароларга қулай шароитларни яратиш, уларга ўз имкониятлари даражасидагина

<sup>41</sup> Яблочков Т. М. Учебник русского гражданского судопроизводства. Ярославль, 1910. 322 с



далил ва хужжатларни тақдим этишларига рухсат бериш маъносини билдиради. Бироқ ушбу принципнинг мазмун-моҳиятини тарафлар ўртасидаги тенгликни бузиш, яъни давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги оммавий-хукуқий низоларда фуқаролар ҳуқуқларига устиворлик берилиши мумкинлиги таъкидланади. Бироқ мазкур тамойилга демократик фуқаролик жамиятига хос муҳим белги сифатида қараш лозим. Чунки давлат органлари мансабдор шахсларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари(ҳаракатсизликлари) асло фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳукуқ ва манфаатларига зарар етказмасликлари шарт. Шу боисдан судлардан давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқароларнинг ҳуқуқлариға ғайриқонуний таъсир ўтказувчи ҳаркатлари юзасидан адолатли қарор қабул қилиш ва бунинг учун ташаббусни ўз қўлига олиб, ишга оид ҳар қандай тўғри қарор қабул қилишга асос бўлувчи далил ва хужжатларни йиғиши талаб қилинади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида қуйидаги икки таклиф берилади:

Биринчи – Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида” ги Кодексининг 2-бобига “Суднинг фаол иштироки” принципини киритиш;

Иккинчи – “Судларда суднинг фаол иштироки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.

#### **Сноски/References/Иқтибослар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори//Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида//<http://old.lex.uz/doc/5841287//29.01.2022>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги Кодекси. <http://old.lex.uz//docs//3527353>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
4. Бержель Ж.-Л. Общая теория права. М., 2000. С. 560.
5. Административно-процессуальный кодекс: концепция, модельный закон и комментирование. С.151-152.
6. Яблочкиков Т. М. Учебник русского гражданского судопроизводства. Ярославль, 1910. 326 с.
7. Iqdecision.com
8. Mediation Information and Assessment Meeting, MIAM.



*TSUE associate professor M.I. Kutbitdinova  
associate professor D.Yu. Matrizaeva,*

## EXPANDING MODERN METHODS OF CORPORATE MANAGEMENT IN THE COMPLIANCE CONTROL SYSTEM

### ANNOTATION

One of the modern types of control over economic entities is compliance control, during which the compliance of corporations' activities with the current norms of Uzbek and international legislation is monitored. The article reveals the essence of compliance control, its main distinctive features and place in the general system of internal control of corporations. Compliance control is the foundation of control for any organization, a mandatory component of the management system, the most important part of which is the internal control system. The article discusses the measures to create and implement a compliance system in the business sector and in the industrial sectors of Uzbekistan. As well as the introduction of anti-corruption compliance in the activities of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Uzbekneftegaz JSC and Uzkimyoimpeks LLC.

**Key words:** corporation, compliance control, compliance risks, management control, internal control, corporate governance, fight against corruption.

### INTRODUCTION

Today, there is a clear understanding in the world economy that compliance control is an integral element of the corporate governance system and the benefits of its implementation are disproportionately greater than the risks associated with its absence.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 29, 2020 No. 6013 "On additional measures to improve the anti-corruption system in the Republic of Uzbekistan" provides for the phased introduction of internal anti-corruption control systems at state-owned enterprises and enterprises with a state stake in the authorized capital together with the Anti-Corruption Agency corruption.

At the moment, the compliance control system in Uzbekistan is popular. Since October 2019, the Ministry of Justice has introduced a compliance control system to further fight corruption, the anti-corruption compliance control system (control over compliance with the requirements of anti-corruption legislation) is being implemented in Uzkimyosanoat and Uzbekneftegaz joint-stock companies, but the implementation of this system must be built on all levels of the national economy.

According to KPMG experts, the introduction of compliance control will make it possible to effectively apply international anti-corruption standards and practices at enterprises, as well as increase the transparency of their work, the level of corporate governance and investment attractiveness.<sup>42</sup>

<sup>42</sup> <https://uzkimyosanoat.uz/ru/press/news/anticorruption-roadmap>



Any company strives to ensure that its activities are efficient and constantly evolving. But without compliance with the law, the rules of market relations, obligations under the contract, effective risk management of financial and temporary losses, maintaining business reputation, it is impossible to enter the world market and maintain competitiveness. Compliance control is the foundation of control for any organization, a mandatory component of the management system, the most important part of which is the internal control system.

The compliance control system can rightly be called the most important principle of doing business. But for the development and effective operation of the system, it is necessary to have certain knowledge in this area and to have in the arsenal of institutions or companies employees who are competent in this area.

## METHODOLOGY

It is important to note the fact that the study of this area of scientific knowledge is at the stage of development and there are many issues that require reflection, development of common approaches and methods.

American scientists H. Sarpa, A. Subramanian and K. Subramanian [Sarpa et al. 2014] developed a theory that showed how internal and external mechanisms of corporate decoupling affect innovation. They proved that external corporate governance mechanisms (for example, the corporate control market) interact with internal corporate governance mechanisms (for example, management contracts), to influence the level of innovative development of managers in the company. H. Shadab [Shadab 2008], in his research on innovation and corporate governance, explored issues such as governance structure, cost of equity, internal controls, and how US corporate law has affected corporate innovation.

The Italian scientist F. Belloc [Belloc 2012] describes three main factors in which the company's innovative activity is formulated in the corporate governance system: corporate ownership, corporate finance and labor. He studied the relationship between the institutional environment in the country, national systems of corporate governance and innovative activities of corporations and came to the conclusion that, that further research should be more focused on the interaction of different levels of corporate governance and their combined impact on a company's innovation activities.

Swiss scholar M. Hilb [Hilb 2018] introduces a new, integrated corporate governance transformation based on the KISS model. In his opinion, such a transformation will make it possible to identify existing problems in corporate governance and develop recommendations for their solution. Based on this innovative internationalization, the researcher K. Kurpayanidi proposes the concept of corporate governance of enterprises with state participation in Uzbekistan, analyzes the obstacles and problems for the practical application of this concept, and also develops recommendations for the development of corporate governance in enterprises with state participation [Kurpayanidi 2019].



The origin of the term "compliance control", the prerequisites for the emergence of the "compliance control" system, its methods, functions and principles, as well as the means of implementation, the concept of "compliance risks", the types of compliance risks, their meaning are presented in the works: I.A. Astrakhantseva, L.L. Kalinichenko, L.A. Klyusko, D.V. Malykhina, A.V. Timoshkina, A.L. Tsyutsiak.

In modern legislation, the term "compliance" has not yet been uniformly defined, although some issues traditionally attributed to the field of compliance control in Western European countries are regulated by special laws in Uzbekistan.

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the next reforms to create conditions for stable economic growth by improving the business environment and developing the private sector"<sup>43</sup> was adopted in order to implement the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, halving poverty by achieving inclusive and stable economic growth, ensuring competition in the economy, creating a level playing field for businesses, accelerating the full transition to a market economy, increasing the competitiveness of the national economy, as well as a sharp increase in private investment and further strengthening the confidence of the business community.

Determine the main directions for enhancing the role of the private sector in ensuring economic growth, creating favorable conditions for the development of the private sector in all sectors and areas:

- accelerating the transformation and privatization of enterprises and commercial banks with the participation of the state, stimulating an increase in qualitatively new, in particular, based on the principles of environmental, social and corporate governance (ESG), investments and highly efficient production technologies by reducing the share of inefficiently functioning enterprises in the economy;
- prevention of corruption through the widespread introduction at enterprises and commercial banks with the participation of the state of modern methods of corporate governance, including the system of "compliance control", ensuring the transparency of the procurement system.

from January 1, 2023 Clause 10 of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 24, 2015 No. UP-4720 "On measures to introduce modern methods of corporate governance in joint-stock companies" joint-stock companies (from the wage fund of foreign specialists involved as management personnel) and foreign specialists operating in joint-stock companies as management personnel, the social tax and personal income tax, income tax levied at the source of payment was changed.

Modern methods of corporate governance are being widely introduced at enterprises with state participation and commercial banks, and corruption is being prevented by ensuring the transparency of the procurement system. Training and professional

<sup>43</sup> Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On regular reforms to create conditions for stable economic growth by improving the business environment and developing the private sector" Decree No. PF-101



development of personnel in the field of public administration and corporate governance is being carried out. Modern methods of corporate governance are being widely introduced at enterprises with state participation.

## RESULTS OF THE RESEARCH

The Ministry of Justice of Uzbekistan approached this issue in a comprehensive manner, having developed its own formula for combating corruption. Two key programs have been developed and approved - for work with human resources and combating corruption. They are based on the best practices and experience of law enforcement agencies of foreign countries, which are rightfully considered leaders in the world of fighting corruption.

Thus, a practical system for managing conflicts of interest in the activities of employees has been introduced. A database of declarations of conflict of interest of employees has been created. The well-established transparent system of selection, hiring and certification of personnel in the bodies and institutions of justice has ensured fairness, honesty and impartiality, preventing compatriotism and nepotism. Anti-corruption norms have been introduced into employment contracts. The principles and methods of work have been radically changed, which contributed to the transformation of the worldview of personnel.

The Ministry of Justice is focusing on the creation of an internal regulatory framework. In particular, the Regulations on the procedure for preventing corruption offenses by employees of the justice authorities, the Regulations on the rules of ethical behavior of employees of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, the Regulations on rewarding employees of the justice authorities for reporting facts of corruption were adopted.

The Ministry of Justice has introduced a compliance control system since October 2019 to further fight corruption. Its goal is to exclude any possibility of manifestation of factors and centers of corruption on the ground. Along with this, a video and audio recording system has been introduced when receiving representatives of legal entities and individuals in the justice authorities. In order to obtain up-to-date information about the facts of corruption, a special bot @antikorbot has been created in the Telegram mobile messenger (popular in Uzbekistan), where any user can send information about the facts of corruption in the justice authorities.

An important factor in combating corruption is the openness and transparency of activities. This is the reason for the launch of another program - "Open Justice" ("Open Justice"). It includes new approaches and mechanisms for informing the public about the activities of the ministry (from recruitment to information related to financial activities). The Department of Justice relies on the public to identify problems in the system that remain out of sight, employees who do not perform their duties up to the mark. All financial reports of the justice authorities are published in open access - on the official website of the ministry. A mechanism for reporting by the justice authorities on the results of the year has been



developed. At the end of 2018, this initiative was implemented and presented to the public in the form of a brochure called "Justice Reports".

In particular, the anti-corruption system of Uzbekneftegaz JSC received the International Certificate of Conformity. To date, in total, the company's management has developed and adopted more than 30 internal regulatory documents aimed at preventing corruption and establishing compliance control. Of these, 18 internal regulatory documents were put into practice jointly with experts from the International Audit and Consulting Company KPMG under the UN Development Program project.

These documents include: "Code of Corporate Ethics", "Anti-Corruption Policy", "On the Ethics Commission", "On the Management of Conflicts of Interest", "On Business Events and Hospitality Expenses", "Methodology for identifying and assessing corruption risks", "Methods for monitoring and controlling the effectiveness of anti-corruption measures" and other internal regulations.

During this period, the company's procurement system was radically reorganized to ensure openness and transparency in procurement activities.

